

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

СҮЗДАГИ ЎЗЛИК

ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 372.4(072)
ББК 74.202
И-71

Ушбу китоб ИТД 1-52 рақамли “Ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида адабиётнинг таъсири ва ахамияти” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида тайёрланди. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳакқулнинг мустакиллик йилларида адабиётнинг ўрни ва роли, унинг ёшлар тарбиясига таъсири, айникса, мумтоз ва тасаввуф адабиётнинг назарий масалалари хакидаги илмий мушоҳадалари ўкувчини бефарқ колдирмайди. Китобдан Навоий шеърларининг шарҳ ва талқинлари ҳам ўрин олган. Ушбу китоб умумий ўрга таълим мактаб, АЛ – ўкувчиларига, КҲҚ, ОТМ талабалари, адабиёт ўқитувчилари ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Масъул мұхтаррір:
Каромат Муллахұжаев филология фанлари номзоди

Такризчилар:
Әрғаш Очилов филология фанлари номзоди

Гулбахор Ашуррова филология фанлари номзоди

Напиға тайёрловчи:
Сирдарёхон Ўтанова филология фанлари номзоди

© Иброҳим Ҳакқул, 2013 й.
© “BAYOZ” nashriyoti, 2013 й.

МУСТАҚИЛЛИК ҲИКМАТИ ВА ҲИММАТИ (Муқаддима ўрнида)

Истиқлол йиллари мумтоз бадиий меросимизни янги нұктаи назар билан холис тадқиқ ва тарғиб этиш даври бүлгәнлигини изохлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки собық шўро салтанати замонида ўтмиш адабиётни тўлақонли тарзда ўрганиш, оммага танитиш йўлидаги тўсик, қаршилик ва мафкуравий таъқибларни ўйлашнинг ўзиёқ. Мустакиллигимиз эшик очган имконият ҳамда имтиёзларни атрофлича тасаввур қилишга ундайди.

Мустакиллик ва классик адабиёт тадқики мавзуси – фикр миқёси анча кенг, факт ва маълумотларга бой, янги, ҳаттоқи мунозарали тушунчаларни назардан ўтказишни ифодалайдиган мавзу. Шунинг учун биз унинг айрим бир жиҳати, дикқатни қаратиш зарур деб билганимиз баъзи нұкталарига тўхталиб ўтамиш.

Халқимиз истиқлолни қўлга киритгунга қадар ҳам мумтоз санъаткорларимиз асарлари текширилиб, қўплаб нашрлар амалга оширилган. Бу жараённинг ютуқ ва камчиликларини ҳам холис баҳолаш керак. Ана шунда “Қандай ўрганилган? Кўзланган бош максад нима эди?” деган саволларга ҳаққоний жавоб қайтариш заруриятга айланади. Ва табиийки, илмда эришилган ютуқ ҳамда янгиликлар ўз-ўзидан ўтмишдаги аҳволни танқидий баҳолашни ҳам кўндаланг қилиб қўяди.

Мумтоз бадиий матнлар биз билганимиз, кўнникканимиздан ташқари бошқача муносабат, таҳлил ва талқинда ўзга бир усул ҳамда услубда иш кўришни талаб килади. Адабий меросимизга, хусусан, рус адабиётшунослиги кўзи билан қараб, янгилик яратишга чоғланиш энди онг ва шуур турғунлигидан далолат беради, холос.

Демоқчимизки, адабиётшунослик фани мустакиллик руҳи, эркин фикр завқи, қалбан ва маънан юрт, миллат тақдирига боғлиқликдан йироқ бир юмуш эмас. Зоро, озод ва мустақил мамлакатнинг илм-фани биринчи галда дид ва

савияси баланд, сергайрат шахсиятларни камол топтиришга хизмат этиши лозим.

Гул ва булбул тасвиirlаридағи такрордан безган бир донишманд шоир “Мен сенга гул илдизидаги нарсани кўрсатаман”, дейди. Анъанавий таърифу тавсифларга кўнишиб кетган ўзбек адабиётшунослиги ҳали “илдиз”дан мохият ахтаришгача етиб боргани йўқ...

Хўш, бунга қандай эришилади? Аслини олганда, ўз “мен” ва менлигини билмаган, танимаган зотларнинг илм-фан оламига кириб, маърифатдан баҳс юритишга ҳеч хақки йўқ. Дарвоке, шахсияти чала ёки шахсиятесиз олим миллат руҳини теран идрок килолмаганидек, миллий кадрият ва манфаатларнинг муҳофазасига ҳам куч сарфлолмайди.

Шунинг учун ҳамма вакт, ҳамма замонларда босқинчи салтанатлар илм-фанда ҳам ўз тили, тарихи, дин ва адабиётига карши боришдан тайсалламайдиган “билағон”ларнинг ҳаммоллигидан унумли фойдаланишган. Шу йўл, шу усулга таяниб совет давлати ҳам кариб етмиш йилдан ортиқ муддат мобайнида тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари асарларини ўқиб-ўрганишни таъкилдади.

Ўзбек тасаввуф адабиёти туркий ҳалклар диний-ирфоний тафаккурининг бошланғич нуктаси бўлиши билан бирга, унинг ривожланиш йўлларини белгилаб берган марказдир. Чунки Ҳожа Аҳмад Яссавий тажрибаларини назардан сокит қилиб, тарикат нари турсин, туркий тасаввуфий адабиёт тарихи мавзусида ҳам сўзлаш душвордир.

Мустақиллик шарофати билан тасаввуф ва тарикатлар тарихи, тасаввуф адабиёти ва унинг йирик вакиллари – Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоҳёр кабилар ижодини ўрганишга кенг имкон очилганини алоҳида кайд этиш керак.

Бу иш, асосан, икки йўналишда олиб борилди: биринчиси, асрлар мобайнида ўқиб, ўрганиб келинган мутасаввиғ шоирлар ижод намуналарини ҳалкка яна етказиши. Иккинчиси, илмий тадқиқотчиликни йўлга қўйиши.

Ахмад Яссавий “Ҳикматлар”¹ и босилиб чиққандан сўнг турли тадқиқотчилар томонидан “Девони ҳикмат” кетма-кет чоп килинди.²

Бу китоблар эл орасида тез таркалди. Айрим нашрлар кайта босилди. Демак, ҳалқимиз “Девон”ни ихлос ва эътиқод билан ўқишга киришган. Яссавийнинг муаллифлигига ҳамон шубҳа-гумон туғдирмоқчи бўлганлар яссавийхонлик ходисасининг ҳакиқат ва моҳияти нимада эканлигини озроқ тушунишга уринса зиён қилмайди. Чунки икки-уч хорижлик олимнинг фикрларига ёпишиб олиб оёқтираш билан энди ҳеч қанақа “башорат”гўйлик самара бермайди. “Девони ҳикмат”нинг ҳаётга қайтиши айни пайтда Мустакиллик ҳиммати ва ҳикмати дейишга ҳаклими.

Бундан йигирма беш йиллар муқаддам Ўзбекистонда яссавийшунослик деган алоҳида фан тармоғи бор деса, ҳеч ким ишонмасди. Боз устига, ўша пайтлар ким нима ёзган бўлса, деярли ҳаммаси Яссавий шахсияти, тариқати ва шеъриятига карши тўқилган айнома бўлган. Дарвоке, яссавийшуносликнинг оёққа туриши мустакиллигимизнинг ёшидан унча фарқланмайди. Буни Пири Туркистон ва орифлар султонининг яшаган даври, ҳаёти, тариқати, ҳикматлари ва яратган мактабига мансуб шоирларга багишланган илк илмий тўплам, рисола ва китобларнинг чоп бўлган вақтидан ҳам билиш мумкин.³

Мазкур асарлар факат жумхуриятимизда эмас, балки хорижда, жумладан, Туркияда эътибор топиб, улардан баъзиларининг таржимада чиқишини тасодиф деб бўлмайди.

Ахмад Яссавий. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи, сузбоши ва изоҳлар муаллифи И.Ҳаккулов. – Тошкент, 1991.

² Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат (Нашрга тайёрловчи: Р.Абдушукоров, Тошкент, 1992), Ҳожа Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат. Йиги топилган намуналар (Нашрга тайёрловчи: Н.Ҳасан, Тошкент, 2004). Ҳожа Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат (нашрга тайёрловчилар И.Ҳаккул, Н.Ҳасан Тошкент, 2006). “Девони ҳикмат”нинг йўнга-кўнсий матнин (Нашрга тайёрловчи: М.Энгуҳамедова, Тошкент 2008). Ахмад Яссавий, Сулаймон Бокириний. Ҳикматлар куллаётги (Нашрга тайёрловчилар: Т.Кораев, А.Бозоров, Тошкент, 2011)

³ “Яссавий ким эди?” Маколалар ва ҳикматлардан парчалар. Тўплаб, нашрга тайёрловчи Б.Дўсткораев, Тошкент, 1994). “Ҳожа Ахмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва аннаналари (маколалар тўплами) (Тошкент, 2001). И.Ҳаккул, Ахмад Яссавий (Тошкент, 2001); Н.Жабборов, Ҳожа Ахмад Яссавий – тасавуғиф осмонининг порлок күеши (Тошкент, 2004); Ҳ.Исломий. Султон ул-орифин Ҳожа Ахмад Яссавий (Тошкент, 2005); “Яссавий ҳикматларининг кўлэзма каталоги. (Тузувчилар: М. Ҳасаний. Н.Тошев, Г.Карим, С.Эсентемур. Туркистон, 2006); Н.Ҳасан. Яссавийшуносликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. - Тошкент, 2012.

“Иккинчи Яссавий” номи билан шуҳрат топган Сулаймон Бокирғоний мероси бўйича килинган ишлар ҳам мафқуравий таъқиблардан кутулишнинг ёркин мисолидир¹.

Адабиётнинг илдизига тегишли билим ва тасавур нечоғлик тиник бўлса, унинг такомили ва тараккӣтини таъминлаган омил ҳамда конуниятлар ўшанча аник англашилади. Туркий адабиёт сарчашмалари – тошибитиклар, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”ини доимий тадқик қилиш миллатнинг тарихий ўзлигини англаш, жаҳон тамаддунидаги мавке ва мартабасини ҳаққоний му shoҳада этишга рағбатлантиради. Эски тарихий, адабий манбаларни янгича мақсад ва маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар билан тадқик қилинишининг бир сабаби ана шу. Қадимшунос олимлар Б.Тўхлиев, Н.Раҳмоновнинг илмий-амалий ишлари шу маънода ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Умуман олганда, XV асргача бўлган адабиётимиз гўёки Алишер Навоийнинг дунёга келишига ҳозирлик кўриб, унинг ижод дарёсига шавқ ва шиддат ила шўнғишига имкон яратганга ўхшайди. Шу боис туркий адабиётдаги оламшумул ўзгариш, янгиланиш, юксалиш айнан Навоий дахосининг самараси эди. Мустакиллик замони навоийшунослиги мавзусида биз олдин ҳам фикр юритганмиз. Бу ўринда буюк шоир таваллудининг 570 йиллигини нишонлаш арафасида килинган баъзи ишларни кўрсатиб ўтмокчимиз.²

2011 йили амалга оширилган Тошкентда “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-назарий анжмуан ўтказилиб, унинг материаллари яхлит китоб шаклида босилди. Бобокалон шоир юбилейига энг лойик тухфа, ҳеч шубҳасизки, Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан Навоий тўла асарлар тўпламишининг ўкувчилар қўлига

¹ Сулаймон Бокирғоний. Бокирғон китоби. (Нашрға тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари И.Ҳаккул, С.Рафиқиддин). – Тошкент, 1991.

² Карапт. “Навоийнинг ижод олами”, 2-китоб - Тошкент, 2011.; А.Қаюмов. “Диликушо тақорлар ва руҳафзо ашъорлар”, - Тошкент, 2011.; И.Ҳаккул. “Навоийга қайтиш” Иккинчи китоб. - Тошкент, 2011.; Ш.Сироқиддинов. “Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий-типологик, текстологик таҳлили”, - Тошкент, 2011.; Э.Очилов. “Бир ҳовуч дур”, Тошкент, 2011.; шу муаллиф. Алишер Навоий. - Тошкент, 2011.; С.Ўтанова. “Алишер Навоий тасалотига ранг символикаси”, Тошкент, 2011.; Д.Юсупова. “Алишер Навоий “Ҳамса” сизда маъзум ва ритмикинг бадий ўйтунлиги”, - Тошкент, 2011.

етказилиши эди. Бу фикрни тасдикловчи биргина далил келтирмокчимиз. 2012 йилнинг 24 февраляда Туркияда Халқаро Алишер Навоий симпозиуми ташкил этилди. Унда кўп сонли мезбонлар билан бирга Озарбайжон, Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Германия каби давлатлардан келган адабиётшунослар, юртимиздан ташриф буюрган олим ва ижодкорлар қатнашишди.

Навоийнинг ўн томлик тўла асарлар тўплами профессор Мустафо Эсонга топширилганда мажлис аҳли буни қарсаклар билан олқишлиди. “Алишер Навоий ва усмонли шеърияти”. “Алишер Навоий” номли китоблар муаллифи филология фанлари доктори Юсуф Четиндоғ эса бундай деганди: “Туркйзабон миллатлар адабиётида ўз таланти, бебаҳо ижоди билан донг таратган шоир ва адиллар кўп. Аммо айнан Навоийга ўхшайдигани йўқ. Мана, Юнус Эмрони олайлик. У факат бизнинг халқимиз орасида жуда машҳур. Фузулий озарийларнинг энг суюкли шоири. Махтумқули турқманларнинг биринчи шоири ва хоказо. Алишер Навоийчи? Туркий халқларнинг барчаси учун бир хилда қадрли ва уларнинг ҳаммасини ўз атрофига бирлаштиришга қодир Сўз султонидир”.

Навоийшуносликдаги камчилик ва нуксонларни тўғри англаш, ўз қобигига ўралиб колишдек маҳдулликдан кутулиб, уни янада илдамлаш учун юкоридаги сингари эътирофларни эътиборда тутиш шарт. Шунда масъулият, ўздан қониқмаслик хисси кучаяди, албатта.

Элимизнинг Заҳириддин Мухаммад Бобур, Бобраҳим Маҳраб, Муҳаммад Ризо Оғаҳийдек беназир фарзандлари ижод майдонида от суриб ўтган эканлар, адабиётшунослик илми тўхтаб қолмайди. Чунки халқ, унинг зиёли қисми бу шоирларни шахси, ижод олами, маҳорат сирларини ўрганиш ва ўргатишдан тўхтамайди. Буни ҳисобга олмаслик илм аҳлини оддий ўқувчи ортидан юришдек бир лавандликка йўлиқтиради.

Бобурнинг сўзи – илҳомбахш сўз, фикри – турғунлик, ношудлик, саёзлик ва мутеликни кувадиган шиддатли фикр.

Унинг хаёл ва ҳолатлари эса асир этувчидир. Шу боис Бобур мирзо ижодиётига бир кўнгил кўйган муҳиб, олим умр бўйи ундан ажралолмайди. Бу ҳолат Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб шу йил июнь ойида пойтахтимизда ўtkазилган ҳалқаро анжуманда кузатилганидек, устод А.Қаюмов, проф. С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Низомиддинов ва бошқа олимларнинг асарларида ҳам тасдигини топиб турибди.

Хуллас, Мустақиллик наинки ҳалқ ва Ватанини, балки тил, тарих, дин ва адабиётни ҳам қарамлик, ҳар турли чекланиш, ёлғон ва соҳта муносабатлардан озод қылди. Туб моҳиятда Сўфи Оллоҳёр, Мажзуб Наманганий, Ҳазинийга ўхшаш шоирлар ижодиётини адабиётнинг “хавфли майдони” деб ишонтиришга уринишлар ҳали унуглигани йўқ. Улар меросини ўрганган тадқикотчиларнинг илмий холосаларида ҳақиқат тамоман ўзга “майдон”, ўзга киёфада намоён бўлиб турибди, бу эврилиш сабабини фикри очиқ ҳар бир киши бехато изоҳлай олади.

Авлод алмашар экан, фикр, тушунча, истак ва интилиш ҳам ўзгаради. Кўлга киритлган ютуқларнинг сиёки ютуқка ўхшамай қолиши ҳам мумкин. Асосийси бошқа: ҳамма нарса ва ҳар бир ишга миllat манфаати нуқтаи назаридан қараш, сунъийлик ва таъмадан кечиб, ҳар қандай кори ҳолда табиийлик ва заҳматкашликка таянмоқдир. Мана шунда илм-фан, жумладан, навоийшунослик ҳам сифат ўзгаришлари заминида ривожланиб бораверади.

2013 йил 13 сентябр

ХОЛИҚ – ОШИҚ, ИНСОН – МАЛЬШУҚ

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида инсонга мурожаат қилиб, шундай дейди:

*Құр, санға Ҳақдин не қарамлар дурур.
Не қадар әхсонау ниамлар дурур.*

*Буки сени холиқи қавну фасод,
Қилмади ҳайвону наботу жасомод.*

*Лутф била айлади инсон сени,
Дип йұлида қылды мусулмон сени...*

Ана шу лутф, ана шундай олий әхсон учун хам Одам фарзанди Оллохни билмай, танимай ёки Ундан йироқ бир ахволда яшаши мүмкін әмас. Оллох ва инсон муносабати ҳамда орадаги бирлік ғояси турли дин, илмий-фалсафий таълимот ва бадиий ижод вакилларини узоқ асрлардан буён қизиқтириб келади. Бу ҳақда жуда күп фикр-мулохаза ва холосалар ифодаланған бўлса-да, дунё миқёсида барчани бир хилда ишонтирадиган, ҳамма бир йўсинда таянадиган тўхтамга келингани йўқ.

Маълумки, Шарқ тасаввуф таълимотида борлик – оламнинг яратилиши ишқ билан изоҳланади. Чунончи: Оллох – “Вужуди мутлақ”, яъни мутлақ борлиқдир. Ҳали макон ва замон пайдо бўлмасдан туриб, борлиқ – коинот ўз-ўзича мавжуд эди. Оллох эса ишқ ва жабарут оламида тоқ яшарди. Табиийки, Унга карайдиган кўз, важдга келадиган бир кўнгил топилмасди. Ваҳоланки, гўзалликнинг дастлабки талаби ўзини намоён этишидир. Танги гўзаллигига эса барча олий ва илохий сифатлар мавжуд бўлиб, Оллох инсонни ана шу Гўзалликни кўриш, идрок этиш ва севиш учун яратганди. Алишер Навоийнинг таърифи бўйича эса:

*Танги чун одамини маҳлук айлади,
Ўзни ошиқ, они маъшуқ айлади.*

Оллоҳ ва инсон муносабати ҳакида сўзлашни собиқ шўро давлати сиёсати умуман таъқиқлаган эди. Шунинг учун мумтоз адабиётни тадқик этган адабиётшунослик гоҳ мажбурий, гоҳ ихтиёрий истак ила адабий матн таркибидан чукур ўрин эгаллаган диний-ирфоний маъно ва тимсолларни кўриб-кўрмаслик, билиб-бilmаслик тажрибасини ҳам жорий қилганди. Ҳолбуки, инсонни ақлу идрокдан ажратиб бўлмаганидек, имон ва эътиқоддан ҳам йироклаштириш мумкинмас. Алишер Навоийнинг имонни инсонликнинг бош белгиси деб таъкидлаши ҳам бежиз эмасди:

*Кимки жсаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.*

Навоий имон деганда, таклидий эмас, ҳакиқий имонни назарда тутади. У риёкорлик соҳтакорлик ва иккюзламачиликлар билан асло келишолмайди. Бунга “Шайх” радифли ғазали ва “Маҳбуб ул-кулуб”даги “Риёкор шайхлар ҳакида”ги қарашларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки, шоир таъбирича, ҳакиқий имон исломнинг ва инсон ҳаётининг мазмунидир. Акс ҳолда, у Оллоҳга илтижо қилиб:

*Нақди жон чиққанди имон гавҳарин күнглумга сол,
Айлагиги жондин жудо, лек этма имондин жудо, --
демас эди.*

Дунёнинг улкан олим ва даҳо ижодкорлари ҳам хеч вакт имонни унудишишмаган. Масалан, француз мутафаккири Блез Паскал ҳакиқатни уч турга бўлади. Биринчиси, вужуд ҳакиқатлари; иккинчиси, ақл ҳакиқатлари; учинчиси эса имон ҳакиқатлари. Унга кўра, вужуд ҳакиқатлари нафсни, нафсоний хире ва истакларни камраб олади. Ақлий ҳакиқатларга келсак, инсонни улар иродা ва тасаввур кашф айлаган нурли бир оламга юксалтириб, уни биққиқ, басиратсиз ва майдалик гирдобига чўккан “Мен”лигидан куткариб. Рух

дунёсининг сарвари даражасига олиб чиқади. Имон ҳақиқатлари эса шахсни инсоний борлиғидан ҳам юкорилатиб, маҳдуд борлиқдан чексизликка бошлайди. Бунда одам катра экан, дарёга, учқун бўлса қуёшга дўнади. Ва сўнгсизлик, самовийлик завқ-шавқининг зўридан боқий Вужудга талпинади. Оллоҳ қуллари ва ошиқларини Унинг атрофида бирлаштирувчи Руҳоний куч-куват ҳақиқатда ана шу.

Паскалинг таснифига биз дикқатни тасодифан жалб қилмадик. Ақлий ҳақиқатларга доир фарқларни айтмаса, ҳақиқатни юкоридаги каби турларга ажратиш Шарқ тасаввуф илмида анча аввал амалга оширилган эди. Ҳатто таъкидлаш мумкинки, нафс, рух, кўнгил, имонга тегишли фикр-мулоҳазалар сўфий ва мутасаввифлар ижодиётида ўзига хос таълимот даражасига етказилган.

Навоий шахснинг Ҳакқа бўлган муносабати, унга яқинлик ҳосил килишида энг самарали йўл тасаввуф таълимоти эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шунинг учун ҳам у Баҳоуддин Накшбанд ва Ҳожа Аҳрор Валий каби зотларнинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади. Шоир таъбирича, факр, тажрид ва тафрид, мосиваллоҳдан кўнгил узиш, ёмон хулклардан кутулиб, яхши хулкларни эгаллаш, Ҳаққа яқин бўлишнинг асосий омилларидир.

Маълумки, Шарқнинг тариқатчи шоирлари айрилик, хижрон, ғурбат ва бекаслиқдан нолиб, тўхтовсиз шикоят қилишган. Туб моҳиятдан келиб чиқилса, бу нолиш ҳам эмас, шикоят ҳам эмас. Унда нима бу? Инсоннинг маънавий-ахлоқий лаёқати, имконияти, событилигини тўғри баҳолаб, меҳр, вафо, садоқат, марҳаматга ўхшаш туйғу ва қадрятларни Холиқдан қутиш ҳамда ҳар қандай ҳолатда бадбинлик ё тушкунликка ён бермаслик қаноатидир. Беназир сўфий шоир Бобо Тоҳир Урёнийнинг “Ҳамма Тоҳирнинг ҳеч кими йўқ дейишса не ғам? Худо менинг ёрим, одамга не ҳожат” мазмунидаги байти бу ҳақиқатни тўғри англашга ёрдам беради:

*Ҳама гўянд Тоҳир кас надорад,
Худо ёри мана чи ҳожати кас?*

Оллоҳ билан холис муносабатда бандаси ҳеч нима ютказмайди, алданмайди, ғаму кулфатга йўлиқмайди, ҳеч қанака хорлик, зорлик чекмайди. Навоий ҳамд рубоийларидан бирида ёзган эди:

*Кўк пўяву сайр ила тагаббор санга,
Кун сорғорибон шикда бемор санга.
Ой доз ила қуллуқ айлаоб изҳор санга,
Тўн анжуми нақдидин харидор санга.*

Еру кўқдаги мавжудликлар туну кун. ойл Оллоҳга муҳтоҷлик сезганида, одам қавми олмшумул ва муқаддас бирликдан ўзини қандай бенасиб этсин? Яратилиш тарихи, асл моҳияти, комиллик матлаби борасида инсон нечоғлиқ кенг мушоҳада юритса, Ҳакқа толиблигини ўшанча жонли ҳис эта боради. Энг муҳими, Ҳак муҳиби эркинлик, жўмардлик, хоксорлик, ўзига ишонч ва самимиятнинг хаёлий босқичларига чиқади. Бу ўринда Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” китобидаги “Тангрини таниш, валиларни танишдан кўп осондир. Бутун олам Тангрига топинади. Унга сажда қиласди. Бироқ юз мингларча инсондан хатто биттаси ҳам валиларни етарли даражада таний олмайди...”, деган гапларини хотирлатиш мақсаддага мувофиқдир.

Куръони Каримнинг “Бақара” сурасида “Ундан келдик, Унга қайтувчилармиз” (156-оят) дейилади. Демак, инсоннинг бу дунёга келиб, умрини яшаб яна ортга қайтиши унинг Оллоҳдан Оллоҳга томон илоҳий сафаридир. Мазкур сайри сафардан кўзланган асосий мақсад нима эди? “Ваз-зориёт” сурасининг 56-оятида ўқиймиз: “Мен инсонлар ва жинларни менга қуллик этсинлар деб яратдим”. Англашилаётирки, бу ерда яратилиш ғояси ўлароқ убудият, яъни қуллик ва бандаликка урғу берилган.

Иbn Арабий “Футуҳот”да ёзишича, ҳамднинг хақиқати ҳам инсоннинг “муқаддас ва мунаizzaҳ бир қул бўлишидир”.

Шу куллик, бандалик шарофати туфайли инсон ўзини рұхан янгидан англайди, тасаввур ва тахайюлидаги мавхумлиқ, мураккабликтардан осон воз кечади. Навоий эса комилликни Ҳаққа бандалик билан уйғунлаштириб уни камолотнинг ниҳояси деган хulosани илгари суради.

*Ҳар киши комил әрүр бас анга Ҳақ бапдағы,
Мұндип ўзға тамағы қасби камол айланғыз.*

Навоийнинг “мен”и, яъни лирик қаҳрамонининг Тангрига бўлган муносабати салафлариникидан деярли фарқланмайди. Навоий назмий ва насрый асарларидағи мурожаатларида, айникса, “Муножот” асарида Тангрининг комил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эхтиёжларини изхор қиласди. Шарқ шеъриятида айнан мана шу “ожизлик изҳори” анъанавий баён усуларидан бўлиб, комил инсонга хос бўлмиш фазилатлардан саналған.

Энг мухими, Оллоҳ ва инсон муносабатларини Навоий мураккаблик ё китобийликка ён бермай талқин қиласди. Бунинг бир сабаби шоирнинг пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг “Нафсини билган Раббини билур” ҳадисига таянишидир. Чунки сарвари коинот Ҳақ маърифатини нафс маърифатига боғлаб, Оллоҳ билан одам орасидаги энг калин ҳижобга эътиборни қаратган эди. Нафсни таниш эса мен кимман, қаердан келдим, нима мақсадда яратилдим ва қаерга бораман, деган саволдан ва шу ҳақда фикр юритишдан бошланади, дейди мутасаввиғ санъаткорлар. Улар нафсни танитиш ва нафс балосилан қутилиш йўл-йўриғини кўрсатувчи бири биридан мухим фикрларни қоғозга туширишган. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да:

*Хешро софи кун аз авсофи худ,
То бибини зоти поки софи худ,*

яъни: ўз зотинг поклигини кўрмоқ истасанг, ўзингни ўз ноқис, ожиз сифатларингдан тозала, дейдилар. Одамнинг ўзини ўзидан кутқазиши. душман тузогидан ўзини кутқазишдан қийинроқдир. Шундай бўлмаганида Навоий бир қитъасида:

*Фосиқ мену кофири ниҳони,
Каъба сафари эрур манга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Билаҳки, менга катисо ҳайф.*

деб ёзмасди.

Бу ерда улуғ шоир гўёки маломатийларни ҳам ортда қолдирган.

Нафс ҳақида, нафсни таниш хусусида гапирадиганлар жуда кўп. Аммо “Нафс ўзи нима?”, “Нафсни таниш қандай амалга оширилади?” деган саволларга берилган аниқ жавобларни топиш анча душвордир. Нафс, қалб ва рух нима – оломон буларни хеч билолмас экан. Чунки нафсни таниш аввал-охир маърифатга таянади. Тасаввуф мавзусидаги қимматли китоблардан бирининг муаллифи Иzzадиддин Кошоний нафсни танишда инсон ирфонга суюниши, нафсда пайдо бўладиган ҳар ёмон сифатни дастлабки пайтдаёқ таниш ва илдизига етиш зарурлигини сўзлаб яна ёзади: “Ирфон ила нафсидаги кибр. риё, ужбнинг ёмон сифатлигини фаҳмлаб, нафсда юзага чиқиши ҳамон уларни таниса ҳамда такрор пайдо бўлишига қатъиян чек кўйишни уддаласа, ана шунга нафсни танимоқ дейилади. Агар нафсдаги иллат ва чиркинликларни инсон дастлабки онларда эмас, кейин таниса унга ғофил номи берилади”.

Навоий масаланинг бундай нозикликларини теран англагани ва инобатга олганлиги боис нафс курашида голиблик майдонига чиқиш ниҳоятда мушкуллигига ургу беради:

*Эй мусулмонлар. билингким, бўлди умрим ҳосили,
Нафси кофир фитнасидин номусулмонлигда ҳайф.*

Хуллас, нафсоний ўзлик ҳамлаю фитналари бартараф этилгач, бирор нарса инсон ва Оллоҳ унсиятига тўскинлик килолмайди. Бу ҳолатни улуғ Мансур Халлож яна ҳам соддароқ тарзда шархлаб, “Рух баданий ноқислик ва чиркинликлардан бир бора тозалангач, инсон албатта улухиятга юксалади”, дейди. Ушбу ҳакикатни Навоий кўп бора шеърий шаклларда ифодалаб берганки, улардан бирида:

*Ўзлигининг ҳижобидин кимки ўзин ҳалос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга,*

дейилади. “Ўзлик ҳижоби”дан тўла-тўкис қутилишни Руҳнинг Оллоҳга унсияти деб караган айрим сўфий ва мутасавифлар айни пайтда уни “бир диний шахсиятнинг ўзгартирилиш мукофоти”, дея таърифлашган. Биз Навоийнинг лирик қаҳрамонини ҳар жиҳатдан ана шу мукофотга лойик деб ҳисоблаймиз. У – диндор, у – ошиқ, ориф, факир, у – файласуф, мутасавиф... Аммо унинг на тириклиқ, на дин, на ишқ ёки на сиёsat ва маърифат йўлида чекланиб, маҳдудликка тўқиниб, иккιюзламачилик қилган жойи йўқ.

Шоирнинг илоҳий ишқ, факру фано ва соф ирфоний тушунчалар ёритилган ғазалларидағи қош, кўз, лаб, хол каби ўнлаб поэтик образлар Оллоҳ ва комил шахс ўртасидаги алока ҳамда бирлик ҳолатларидан қайта-қайта хабар етказиб турадики, фахм-фаросати ўткир шеърхон инсон моҳиятан ўзини маъшуки азалдан ажратса олмаслигига дилдан икрор бўлади.

*Навоий, аҳли жунун зумрасига кирди илоҳий,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анга Лайло.*

Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳакикатда ўзини Мажнун қиёфаси ва руҳониятда намоён этади. У, тушунча ва ҳолдан харакатга, харакатдан ҳол ва тушунчага ўтар экан, Оллоҳ атрофида айланади. Мендан яна Менга бориш учун бутун

борлиги ила Раббига саждалар қилади. Ва ўрни-ўрни билан аласт базмидан сўз очади:

*Мени усрук кўрубон жомим ушотма, эй шайх
Ким, бу янглиг мени маст эткан эрур жоми аласт.*

Бу эътирофга асосланиб айтиладиган бўлса, Навоий тушунчасида халқ ва Холик алоҳасининг дахлсиз йўли Рух. Рухни ишқ завқи билан қанотлантириб, маърифат билан қувватлантириш одамни Ҳақдан йироклашиш хавфидан омон саклади. “Фаройиб ус-сигар”даги китъалардан бирида Навоий:

*Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик
Бўла олмас бу нақдга молик.*

дейди. Дарҳақиқат, энг қийини, энг оғриқлиси ўзлик иморатини бузиш. Шунга эришилдими – қолгани осон ва завқли кечади. “Нақди фано” – восил бўлиш, ўз сийратингда вуслатга етишмоқ дегани. Шунинг учун ҳеч бир ошиқ, ориф, дарвеш Оллоҳ мендан йироқда деб сиқинмаслиги керак. Бунинг аксни фафлат сифатида баҳолаган Навоий ҳажр азобига кўп берилмасликни таъкидлаб, мана нима деган эди:

*Кўнгүл миръоти ичра жиливагардур ёру сен гофил,
Ториқна ҳажридин қўйким эмассен ёрдин айру.*

Инсон қисматидаги мўъжиза дейишга арзигули бир ходиса ҳам шу!

Ҳакиқий илм на бир вақт ва замон, на бир ҳол ва мақом билан чегараланмаслигини олимлар яхши билишади. Кўхна Шарқнинг Навоийдек даҳо санъаткорлари ижод оламини тадқиқ ва талқин қилганда, ҳеч бўлмаса, илмнинг умумсавияси, янгилиги, таъсир кучини пухта ўйлаш керак. Навоийшунослик тарихига нечоғлик холис нигоҳ ташланса,

умумий фикр-мулоҳазалар, тақлид билан ўзлаштирилган тушунчалар қуруқ илмбозлиқдан бошқа бир нарса эмаслигига ишонч шу қадар қатъийлашади.

Навоий шеъриятида муazzам бир мувозанат, сўз билан ифодалаш қийин ички мутаносиблик бор. Унда ҳамма нарса жой-жойида, маъно-моҳиятдағи тадрижийлик Оллоҳ ва вахдат қудратидан далолат бериб туради. Бундан кўз юмиш шоир дунёкараши ҳамда идеалини бузиб Навоийни Навоидан йироқлаштириш дегани бўлади. Қолаверса, Навоий мансуб тариқи олия, яъни накшбандийикдаги хотири Ҳақ эҳтиёжи хам унинг ўзини Оллоҳдан йироқ ҳис этишга изн бермасди. Улуг шоирнинг тажрид, тафрид мавзусидаги шеърлари бу фикрнинг асосли далилларидандир.

Хуллас, изтиробни чин муршид, ғаму аламни буюк устод деб билган санъаткор борки, ҳаммаси Оллоҳнинг ишончли муқаррабларидир. Алишер Навоий ана шулардан бири ва энг комили эди.

Nizomiy nomli

T D P U

kuťubxonasi

4-7653/2

НАВОЙ ВА ЮНОН ФАЛСАФАСИ

Алишер Навоий шеъриятини англаш, аникроғи, тўғри тушуниш ва хис килиш учун, энг аввало, мутафаккир шоир фикрларининг маъно хамда мохият “катлам”ларини пухта билиш, билишгина эмас, ҳаётий, диний, тасаввуфий ёки фалсафий оҳанг ва бўёклари ила кўнгилга уларни, албатта, олиб киришга хам эришмок керак. Бусиз Навоий сўзларининг мағзини чакиб бўлмаганидек, уларга амал килиш янада душвордир. “Ғаройиб ус-сиғар”даги шеърлардан бирида (428-ғазал) шундай байт бор:

*To ўзунени ҳасча кўргуңедур, эмассен одамий.
Гар ҳавода сайд кил, гар сув узи кўргуз хиром.*

Гап бунда ўзни настга уриш, ҳаммадан ҳакир кўриш ёки тамоман назарга илмаслик ҳакидами?

Ўзликдан кечиши ва “мен”ликдан кутулиш хусусида сўзлаганда Навоий асосан нафсни назарда тутади. Унингча, нафе жиловланиб, акт ва рух измига тушдими – ўзлик муаммоси ҳал. Чунончи: одам хеч бир зайлда ўзига бино қўймайди, ҳаддидан ошиб ҳар турли даъво ва иddaоларга берилмайди. Озми-қўими бунинг акси қўзга ташланганда эса, инсон каромат зоҳир айлаб кўкка учса ё сув устида елиб-юурса хам, уни баркамол шахс дейиш галатдир. Навоий байтидаги асосий маъно мана шу.

Навоийнинг бошқа ҳалклар фалсафий таълимотларига муносабатидан баҳс юритилганда хам нафе масаласини хеч вакт назардан сокит қиласлик зарур.

Дунё илм-фани ва маданияти тараккиётидан баҳс юритганда, биринчилардан бўлиб эски юнонликлар тилга олинади. Юнон тамаддуни маълум бир зайлда кадим Шарқка хам ўз таъсирини ўтказганлиги илмда кайта-кайга сўзланган ва турли тарзда изохланган ҳакикатлардандир. Алишер Навоий ва юнон фалсафаси масаласи аслида “Шарқ мутасаввиф ижодкорлари ва юнон фалсафаси” деб номланиши мумкин бўлган анча йирик мавзунинг алоҳида

бир тармогидир. Чунки улуг салафлари, хусусан, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий дунёкараши ва ижодий тажрибаларини назардан четта суриб, Навоийнинг юонон фалсафаси ҳамда унинг айрим вакилларига муносабатини тўғри ва холис ёритиб бўлмайди.

Истиқолга эришгунча антик юонон файласуфларининг асарлари Ўзбекистонда ҳам асосан русча таржимада ўқиб-ўрганилар ва илмда шу тилда ёзилган тадқиқотларга суюниларди. Бугун эса наинки араб ё рус, балки форс, усмонли турк тилларидаги таржима матнларини ўзаро қиёслаш, айтилмай келинган ёхуд бузиб кўрсатилган ҳакикатларни бемалол сўзлашга йўл очик.

Қадимги грек илм-фани ва маданияти башарият акл-идроқи ҳамда тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшганлигига ҳеч ўзбек йўқ. Шунинг учун ҳам юонон олим узомларни илмий-фалсафий меросига қизиқиш ҳамон давом этиб келади. Сукрот, Луқмони Ҳаким, Афлотун, Арасту – бу номларга эхтиром ҳеч вақт шунчаки хотира мулкига айланиб колмайди.

Фалсафий тушунча качон, қаерда, қайси миллат томонидан юзага келтирилгани хусусида қатъий бир холосага келинмаган бўлса-да, милоддан аввалги VI асрларда яшаган юононлар унинг асосчиси эканлиги умумий тарзда эътироф этилган. Шу ўринда фалсафанинг бошланғичини юононликларга нисбат бериш билан уни Шарқ заминидан ажратилингани ва Оврупо тафаккур тарзини халқимиз психологиясига тескари бир шаклда жорий қилишга уринилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ваҳоланки, юононликларнинг наинки фалсафаси, оддий инсоний ва майший қарашларига танқидий нигоҳни талаб қиласидиган жиҳатлар ҳам кам бўлмаган. Масалан, “эски юонон дунёкарашида ёлғончилик, каллоблик мубоҳ санаалган, ҳақсизлик қилиш эса бир қудрат нишонаси ва жасоратга тегишли “фазилат”ларнинг аввали ўлароқ қабул этилган. Аммо инсонда уят аталмиш бир руҳий ҳолатнинг мавжудлиги ҳатто хаёлга ҳам келтирилмаган”¹.

Коғасўли И. Турк-Ислом синтези – Истанбул, 1999. – 88-бет.

Ғарб таджикчиларидан бирининг таъкидлаши бўйича, деярли ҳамма жойда фикр соҳибларини бағоят зиддиятли баҳс, муросасиз тортишувларга чорлаб келган машхур олмон файласуфи Фридрих Нитше айнан юонон пессемизмининг куч-кувватини янгидан жонлантиришга бел боғлаган. Унинг тасаввурида “Гангри ўлиб”, муқаддас китоблар парчаланиб, унда ўлимга, машаккат ва ғам-ғуссага мазмун бағишлайдиган ҳеч қандай маданий уфқ шуури қолмаган эди¹.

Бундай холат юоний маслак ва тушунчалар билан боғланган таълимот ёки ижод намуналарида албағта аксини тоғган. Жаҳон микёсида мавке козонган турли динлар учун ўхшашлик қасб этган “Муқаддас ёлғон” хусусида сўзлаган Ф.Нитше эса айни шундай ёлғон Платонда ҳам камчил эмаслигини таъкидлаб ўтган².

Ўтган асрнинг энг машхур файласуфларидан бўлган Карл Поппер китобини ўқиган киши Платонни бутунлай бошқа қиёфада, аникроғи, очик жамият, демократия ва эркинликнинг муросасиз ғаними сиймосида тасаввур қиласди. “Платоннинг демократияга доир талкини, – дейди у, – жонли, аммо унинг туғилишидан тахминан уч йил олдин Перикл томонидан жуда яхши баён қилинган Афина сиёсий ҳаёти ва демократик ишончларга нисбатан чукур душманлик кайфияти илиа ифодаланган ўринсиз хажвdir”³.

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машхур файласуф шоир Мұхаммад Иқбол “Асрори худи” – “Ўзлик сирлари” номли китобида Платон – Афлотунни “ҳаётни тарқ этиб, ўлимни тарғиб этувчи фалсафа”нинг асосчичи, деб танқид қиласди. Юкоридаги сингари танқидий гаплар аслида қўхна Шарқ учун кутилмаган янгилик бўлмай, айниқса, бадиий ижодда улар ўзига хос бир изчилилк билан ифодаланиб борган. Шоирларнинг Одам Атоси дея тан олинган Абу Абдулло Рудакий ёзади:

¹ Роберт Х. Постмодернизм ва ижтимоий бислимлар (туркча таржима). Истанбул. 2005. 39-49-бетлар.

² Нитше Ф. Даражи. Христианликнинг танқиди - Истанбул. 2008. 70-бет.

³ Поппер К. Открытое общество и его враги. Том I. Чары Платона. – М.: 1992. С. 74

*Маро зи мансаби таҳқиқи анбиёст насиб,
Чи об жөум из жөүи хүшкү юнонй.*

*Барои парвариши жисми жон чу ранжса кунем,
Ки ҳайф бошад рүү-үл құдус ба сабони¹.*

Мазмуни: “Билиш, яни таҳқик малака ва маргабаси менга анбиёдан насиб бўлган. Шунинг учун юноний хикматнинг қуруқ аригидан сув исташимга ҳеч ҳожат йўқ. Модомики, жисму жонимни камолга етказиш заҳматини зиммага олган эканман, муқаддас рухни ит кўрикчиси, яни нағе сабонига айлантирмайман”.

Бу, албатта, жуда кескин фикр. Навоий ундан хабардор бўлганми-йўқми – бу номаълум. Сўз ва маънолари болалигига ёк унинг қўнглини сехрлаган Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонидаги қуйидаги мисралар ҳакида бундай деб бўлмайди:

*Кай шиноси давлати рӯҳониён,
Дар миёни ҳикмати юнониён.*

*To az он ҳикмат нагарди фард ту.
Кай шави дар ҳикмати дин мағрд ту².*

Мазмуни: “Юнон фалсафаси оркали рухонийлар давлатини билиб ва таниб билмайсан. Бу фалсафадан ўзингни бутунлай халос этмагунча дин фалсафаси марди мақомига қўтарилилмайсан”.

Наинки Аттор. унинг салафлари Имом Ғаззолий, Саноий хам эски юнон файласуфлари таълимоти – “Ҳикмати юнониён”га қарши туришган.³ Хўш, бунга сабаб нима? Сабаб кўп. Улардан баъзиларини қайд этиб ўтмоқчимиз.

¹ “Осори Рудакий” – Душанбе, 1958. – С. 123.

² Фаридиддин Аттор Мантиқ ут-тайр. – Техрон. 1319 (хижрий-иамсий). С. 322.

³ Бу ҳакда киранг: Мухамалходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттора. – Душанбе, 1974. С. 19-20.

Биринчидан, атокази ислом файласуфлари, тасаввуфдаги айрим тариқат арбоблари юонон фалсафасини ислом учун хавф-хатар етказувчи ҳодиса деб англашган. **Иккинчидан**, ўрга асрларда Афлотун ва Арасту каби файласуфлар асарларининг юононча аслиятлари йўқолиб, асосан арабий таржималари сакланиб колган. Араб ва форс мутаржимларининг эътиборсизликлари боис таржималарда ўз-ўзидан исломга тескари фикр-қарашларга йўл очилган. **Учинчидан**, исмоилия фирмаси заминида туғилган “Иҳвон ус-Сафо”га ўхшаш жамоалар томонидан исломни ичдан кучсизлантириш ҳамда парчалашга хизмат қиласиган тушунчалар илгари сурилган. Ҳатто ушбу жамоанинг рисолаларидан бирида “Қачонки биз грек фалсафасини араб шариати билан бирлаштирасак, ўшанды комиллик кўлга киритилади”, дейишган экан.

“Тасаввуф ва Ислом” номли йирик бир тадқиқот муаллифи Иброҳим Сармишнинг ёзишига кўра, комил инсон назарияси ҳеч қанақа исломий асосга эга эмас. Ва у “Иҳвон ус-Сафо” аҳли томонидан кўлланилган “Инсони фозил” иборасининг нусхаси бўлиб, замини ҳам юонон фалсафасидир¹. Ваҳоланки, Ислом фалсафаси ва сўфийлик адабиётида инсонни илоҳийлаштириш гоясидан эмас, билъакс унинг Тангри иродасига таслимияти ва илоҳий ишқка фанолигидан баҳс юритилганки. Навоий бундан асло четта чиқмаган. **Тўртинчидан**, куллий моҳият, борлик, унинг бирлиги ва қасрати, шунингдек, Оллоҳнинг зоти, сифати, судурнинг кайфияти сингари фалсафанинг муҳимдан-муҳим масалаларида Ислом мутасаввифларининг юонон файласуфлари ионч ва таҳкиқларига ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаганидек, тобеъиклари ҳам йўқ эди. Зоро, VIII асрларда шаклланиб тараккий қила бошлаган ислом фалсафаси, XI асрда юқори боскичга кўтарилиб, XII асрдан эътиборан Ғарб християн дунёсига ҳам таъсир ўтказишга эришган эди.

Худди шу маъноларда Алишер Навоийнинг юонон фалсафаси танқидларига эътиroz билдириб, карши чиккан жойи йўқ. Лекин салафларининг фикрларини очикласига

¹ Сармиш И. Тасаввуф ва Ислом. Петанбул. 2008. 279-280-бетлар.

қўллаб-қувватлайдиган далилларга ҳам дуч келинмайди. Масалан, ўзининг энг якин одами ва муршиди Абдураҳмон Жомийнинг:

*Ҳикмати юношиён нағс асту пайғому ҳаво,
Ҳикмати истомиён фармуғдай пайғамбар аст.*

яъни: юонликларнинг фалсафаси нағс ва ҳавонинг хабарчиси, мусулмонларнинг фалсафаси эса пайғамбар ҳукмларининг маҳсули эрур деган сўзларига ҳеч бир ерда Навоий алоҳида урғу бермаган. Мутафаккир шоиримиз билганки, шарқлик ориф ва донишманд ижодкорлар, умуман, юон фалсафасигамас, нағси ҳаво доялик килган, кераксиз ҳархаша, чалгиш ва ғофиллик ғавғоларини қиздирувчи фалсафага қарши туришган.

Тожик файласуфи Мусо Ражабовнинг ёзишича, илмий-маданий савиянинг баландлиги ва араб тилини чукур билганлигидан Абдураҳмон Жомий юон фалсафаси, жумладан, Аристотель, Платон ва неоплатончилар фалсафаси билан боғдоддаги суряликларнинг таржималари оркали танишган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бирок Жомий асарларида бу хусусда ҳеч бир маълумот кайд этилмаган экан.¹

“Хамсат ул-мутахайирин”да Жомий ҳузурида ўқиб-ўрганган тасаввуфий, фалсафий китобларини санаганда, Навоий юон файласуфларидан ҳеч бирининг номини ҳам, асарини ҳам тилга олмайди. Хорижлик баъзи тадқиқотчилар эса:

*Ки Юон мулки ул фарҳунда кишвар,
Ки ҳикмат бирла тонди зеру зевар,*

сингари Навоийнинг таъриф сўзлари тарихий Юнонистон ва ўша замин олимларига тегишли дейишига мойиллик билдиришган. Бугина эмас, Навоий девонларида юон файласуфларининг ҳикматли гапларига ишорат этувчи

¹ Раджабов М. Абдураҳмон Джами и таджикская философия XV века. Душанбе, 1968. С. 111.

далиллар ҳам мавжуд. “Наводир уш-шабоб”даги бир китъада (унга “Хукамо қавли таржимаси шоҳнинг дарёға мушобаҳатида ва нафъу зарарида” дея сарлавҳа битилган) бундай дейилган:

*Ҳикмат аҳли шоҳни дарёга ташбеҳ эттилар
Ким, ҳам андин кўп зиёнлар элга. ҳам кўп суд эрур.*

*Гаҳ топар гаввос бир соатда юз дурри салин.
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат билга нобуд эрур.*

Энди “Тарихи анбиё ва хукамо” асаридаги бир парчага эътибор килсан: “Анинг (яъни Аристотелнинг – И.Х.) сўзларидин будурким, подшоҳ улуг рудга ўхшар ва атбои ариғларким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар хол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; ул ачиғ бўлса, булар ачиқ; ул соғ бўлса, булар соғ; ул лой бўлса, булар лой...”

Шеър:

*Шоҳ дарё ва ҳалиқ эрур анҳор.
Иккисининг суйиги бир маза бор*¹.

Шу сўзлар чини билан Аристотелга мансуб бўлса, унда Навоий китъасини Арасту фикрининг сал ўзгартирилган шеърий талкини дейишга тўғри келади. Лекин ишонч ила бундай дейиш кийин. Дарвоқе, Навоийнинг юонон фалсафий тушунчалари билан танишганлиги ҳакида айрим тахминлар ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, улар фақат тахминидир. Бизнингча, академик В.Зоҳидовнинг мана бу мулоҳазалари ҳакикатга яқин: “Навоий “Хамса”сининг баъзи ўринларида учрайдиган юононликлар (Арасту, Афлотун, Сукрот, Порфирий, Искандар ва бошқалар) тарихий шахслар эмас.

Улар Навоий тарафидан ...афсонавий, гайри тарихий шахсларга айлантирилган “юононлик”лардир, яъни Навоийнинг каҳрамонлари, персонажлариdir².

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигитма жиззий. 16-жилд. - Тошкент, 2000. 193-бет.

Шу ўринда олиманинг бир фикрига аниқлик киритиш лозимга ўхшайди. В.Зоҳидов тарихчи Хондамирнинг “Макорим ул-ахлок” асаридағи:

*Мұшиқули ҳикмат аз қаломи ту ҳал,
Мантиқи ту баёни ҳар мұжмал.*

*Раҳи машиноён зи ту возиҳ,
Нури ашроқиён зи ту лойиҳ. –*

байтларни келтириб, “Бу ўринда Хондамир Навоийнинг неоплатонизмга муносабатини бўрттириб қўрсатган”² – дейди. Аслида, моҳият нисбатан бошқача бўлиб, “Макорим ул-ахлок” кўлёзмасидан ушбу икки байтнинг давоми ўқилса, Навоий ҳар қандай фалсафа, жумладан, машҳойилар ва ашроқийлар таълимотидаги мушкулликларни ҳам осон ҳал килишга кодир мутафаккир қиёфасида тасаввур этилади:

*Табъи поки туроки ваққод аст,
Фаҳми ҳикмати табиий афтодаст.*

*Бар дигад ҳикмати илоҳий тоғт
Ки, рӯҳ аз зулмат малоҳий тоғт³.*

Мазмуни: “Сенинг покиза табъинг мунавардурки, табиий фалсафани фаҳмлашга угина қодир эрур. Зеро, сенинг кўнглингда илоҳий ҳикмат порлагани учун рух зулматдан осон ғолиб келди”.

Дарҳакиқат, Навоий калбида ҳикмати илоҳийнинг нурланишида хорижий бир таълимот ёки фалсафа эмас, балки Куръони карим, нубувват фалсафаси ва Шарқ мутасаввиф санъаткорларидан яна бирининг ижодиёти алоҳида таъсир ўтказган эди.

¹ Зоҳидов В. Навоий дунёкаранининг асосий маиналари. Навоий ва адабий таъсир масалалари.
– Тошкент, 1968. 6-бет

² Уйна ерда.

³ Хондамир. “Макорим ул-ахлок”. Кўлёзма. 30-бет.

Юонча шेърлар ёзганига караганда. Мавлоно Жалолиддин Румий юон фалсафасига мансуб китобларни аслиятда бемалол ўқиб англаши ва мактаб тарғиб айлаши ҳам мумкин бўлган. Мавлоно эса тарғибчи эмас, танқидчи сифатида иш юритади. Бунинг асосий бир сабабини туркиялик атоқли румийшунос ва таржимон Шафик Жон “Мавлоно ва Афлотун” номли китобида шундай изоҳлайди: “Афлотун Оллоҳни кўп ахтарди, аммо тополмади. Чунки у бир файласуф эди, нуқул ақл ва мантиқ ила ҳаракат этарди. Ҳолбуки, Мавлононинг йўли кўнгил йўлидир... Энг олий ҳақиқатлар идрокига ақлнинг қучи етмаслигини Мавлоно бехато билар ва уни лойга ботган отга киёсларди. Оллоҳнинг лутфи-инояти ила Мавлоно ўзида ўзини топгач, ўзи-ўзига ошиқ бўлганлигидан сўз очди:

*Сад марҳала з-он сўйи хирад хоҳам шуд,
Фориз зи бужуди неку блд хоҳам шуд.*

*Аз бас ҳұбки дар пасе пардаи манам.
Ой бекабарон, оишке худ хоҳам шуд*¹.

Мазмуни: Ақл даргохидан юз марҳала йирокларга қочиб, яхшилик ва ёмонлик андишасидан қани бутунлай қутулсам. Мендаги ўзлик пардасининг оргида нақадар бетимсол гўзалликлар бор. Ҳақиқий борлиғим ҳам худди ўша жойдадир. Ой бекабар ақли қосирлар, мен ўзимга ўзим ошиқ бўлишни хоҳлайман.

Бу – Шарқ тасаввуф адабиётида илгари сурилган янги тушунча ва инсон нигоҳини ўзининг ички моҳиятига қаратишга ундовчи амалий нуқтаи назар эди. Ибн Синога кўра ҳам, инсон Ўзликнинг нималигини билишга киришганда, унинг ғайримоддий бир борлик эканлигига ишонч ҳосил киласи. Ўзликка даҳлдор бу илм тўғридан-тўғри илоҳиётга очилган илк ва даҳлсиз эшиклар².

¹ Шафик Жон. Мавлоно ва Афлотун. – Истанбул, 2011. – 25-33-бет.

² Жавҳар Шулул. Нубувват фалсафаси. – Истанбул, 2010. – 96-97-бетлар.

Алишер Навоий Мажнун образини яратганда ҳам,
“Лисон ут-тайр”да:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан, ўзингдин истагил, –*

дек руҳоний комилликнинг сир-асрорини ўзлаштиришга
чорлаганида ҳам ўша ўзлик пардаси ортидаги латифлик ва
гўзаллик манзараларини тасвирлашга зўр аҳамият берганди.
Бу – энди алоҳида масала.

Хуллас, ҳар бир муҳим, мураккаб мавзуни ўзининг асл
асоси ҳамда тарихий ҳолатига мувоғик тарзда тадқиқ ва
талқин этишга эришмоқ, хусусан, бугун
навоийшуносликнинг биринчи даражали эҳтиёжларидандир.
Шу маънода адабиётдан тарихга, тарихдан тил, дин ва
тасаввуфга, булардан фалсафа, сиёсат ёки бевосита
ўтмишдаги ижтимоий-маданий ҳаётга эркин ўтишга қодир ёш
тадқиқотчиларнинг илмий изланишларига умид билан
қарашга ҳаклимиз, деб ўйлайман.

“ЗОХИД БҮЛМА, ОБИД БҮЛМА...”

Үн иккинчи асрдан кейин Ғарбда «Хур тушунча» деган тасаввуфий харакат ташкил этилиб, сүфиёна ва орифона фикру туйғуларни ўзлаштириш хамда тарғиб этишда катта натижаларга эришган экан. Янада аникрок қилиб айтиладиган бўлса, инглизларда XV асрлардан эътиборан «дарвеш», «сўфий» атамаси кенг ишлатилган. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофларига кўра, «Орифнинг қалби Арш ва курсидан хам кенг бўлмоғи муҳаккақақдир. Зоро. Арш ва курси ва буларнинг ичидагилар олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдурки, у амри Раббоний эрур... Ориф бирор бир кавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг сultonидур». Орифлик луғавий маънода билган, воқиф, ошно, таниган, англовчи, ирфон ва маърифат соҳиби демак. Тасаввуфий истилоҳда эса Оллоҳнинг зоти, сифоти, исм ва феълларини мушоҳада этган киши маъносини билдиради. Аҳмад Яссавийнин “Фақрнома”сида орифлик факрнинг сўнгги мақоми сифатида таърифланиб. Муҳаммад мустафодан мерос қолганлиги айтилган.

Абу Туроб Нахшабийдан орифнинг фазилатлари ҳакида сўрашганда: «Ҳеч бир нарсадан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф», – деган экан. Абу Наср Саррожнинг таъкидлашича. «Мўмин билан ориф орасидаги фарқ шундайдир: мўмин оламга Оллоҳ нури билан бокади, ориф эса Оллоҳнинг ўзи ила назар ташлайди. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри илоҳий ила ором олади, ориф эса Оллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмайди». Мана ўзунинг учун ҳам ориф Шарқ тасаввуф адабиётида марказий мавқелардан бирини эгаллаган. «Зоҳид бўлма, обид бўлма, ориф бўл». Бу – туркий адабиётнинг асосий гоявий даъватларидан эди. Ва бунинг ёрқин исботини Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шеъриятида орифга хос фазилат, хусусият ва орифона маънолар тасвири кўп учради. Бу борада навоийшуносликда айрим умумий фикрлар айтилган бўлсада, мавзу маҳсус ўрганилмаган.

Орифларнинг фикр-қараашларида ҳам ҳар хиллик бўлган. Бир ориф “хеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Оллоҳни кўрмасам”, деса, бошқа бири “хеч бир нарсани кўрмайманки, унда Оллоҳни кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошкаси, “Хеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Оллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “факат Оллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Оллоҳ кўринади. У эса кўринмайдиган Оллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган. Мана шу беш ҳол, яъни тавр ташки борлиқдаги ҳоллар бўлиб, комил ориф бу ҳолларнинг барисини ўзида мужассамлаштира билган. Хуллас, орифнинг Оллоҳ билан доимий унсияти, ажралмас дўстлиги бўлган.

Ибн Синоға кўра, «борлиғининг сиррини ва илоҳий Сирга оид ҳакикат нурларини идрок этган, шу мақсад ила тушунчасини жабарут оламига қаратган шахсга ориф» дейилади. Ориф охират завки ва мукофоти учун эмас, «валилик ишоратларини англамоқ учун» Оллоҳга юз қаратган. Орифлар наздидаги маънавий-рухий харакат уч босқичдан иборат. Биринчиси – ирода ҳоли, иккинчиси – риёзат ва учинчиси, диққати таксиф учун ўзни ҳилмлаштироқ. Тасаввуфда «ирфон» самимий ва давомли бир илоҳий сухбат маъносини ҳам билдиради. Шу сабабдан

Сулаймон Бокиргоний:

*Суҳбатлик орифларга жоним бериб,
Суҳбатсиз нодонлардан қочгим келур, –*

деган.

Орифнинг ибрати, энг аввало, тарки даъво, тарки тақаллуф, тарки ҳубби мосиво (ғайрни севмак) ва тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтолклиниш)га эришишидадир. Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирилмоқ идеали билан яшаганлиги учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди. Ориф мушоҳадага киришар экан, Оллоҳнинг хаёт, илм, ирода, кудрат, камол сингари

сифатларини билиш билан чекланмайди, балки бутун борлик – коинот ва инсонийлик сирларидан ҳам огоҳликка эришади. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввуфда тарикат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган. Энг охирги маком орифлар мақоми – сиём (пархез), қиём (койим туриш) ва муроқаба бўлиб, уларнинг устози Мухаммад алайҳиссаломдир. Бу ерда муроқаба ҳақида алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин орифнинг муроқабаси холиққа давомли назару бошқасини кўрмоқни унутиш эканлигини эслатиб ўтиш керак, албатта.

«Орифлар самовий мажмасида кўнгиллар тарвиҳи (роҳат ва сокинлиги) учун уч нимага муҳтождурлар, – дейди Алишер Навоий, – равоийхи тайиба (тавба латофати ва хушбўйлиги), важҳи сабих (сабаб ёки йўл гўзаллиги), сурати малих (ҳол ва кайфият чиройи)».

Кўнглини поклик камолига етказгач, орифнинг Рӯҳ ва хаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли хиссийёт соҳиби. Ибн Синонинг айтишича, ориф сирли ёхуд гайбий бир нарсадан сўзласа, табиат олами бағрида албатта шу нарсанинг изоҳи мавжуд бўлар экан. Шунинг учун Аҳмад Яссавийиннг «Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, Ўн саккиз минг комуг олам ғулгул бўлур», деган гапларига бир шоирона муболага деб қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеъриятида ҳам талқин этилган. Шоир бир газалида ёзди:

*Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хашоқи хавотир қотма кўп.*

Бу – хотира кўзгусини поклаш ва кўнгил нигоҳини ёлғиз Ҳаққа қаратишга даъват бўлиб, унинг замонавий талқини бундай: орифлик – ташки дунё аҳборот ва маълумотларидан воз кечиб, кўнгилни илоҳий алоқа ва маълумот манбаига айлантириш ҳамда ваҳдат мақомига эришишдир.

Тасаввуфла хавотир етти турга ажратилган. Булардан, айникса, нафс, шайтон тарафидан калбнинг қўлга олиниши ва

акыл томонидан қалбга етказилған хутур жуда ёмандир. Булар тұла барҳам топмоғи лозим. Ана шунда орифликнинг бошқа бир шарти ўз-ўзидан амалга ошади. Зоро, орифликда бехуда баҳс ва эътиrozга ўрин йўқ.

*Факр кўйида мусаллам тут неки қилсанг истимоъ,¹
Ориф эрмас ҳар кишиким қиласа ирфон бирла баҳс.*

Хуллас, орифнинг кўнгли илохий файл ва ганж билан нечоғлик бойиб, мушоҳада ва муроқаба йўли билан комиллашиб бормасин, унинг вазифаси сира дам урмасдан, буларни яширин тутмоқдир. Шу маънода Навоий орифни қуёш нур тўкса-да, ўзгариш кўзга ташланмайдиган азим дарёга қиёслайди:

*Эрур, орифга ганжи файл етса,
Иши дам урматин ани ёшурмоқ,
Қуёш акси тушиб дарё ичинда,
Не мумкинтур онинг сувин тошурмоқ.*

Ориф маъруфи висолига интилиб, мақомдан мақомга, ҳолдан ҳолга кечгани сайин унинг сийратида ўзгариш ва янгиланишлар содир бўладики, алал-оқибатда у завқ ва ҳайрат тузогига тушган қушга ўхшаб қолади. Шунда унинг сўзга. тилга муносабати ҳам тубдан ўзгаради. Маъно олами ва ҳақоийқ уммонига сайд этувчи орифлар наздида тил нуксонли бир нарсага ўхшаб туюлгани боис улар сўзлашдан кўра сукутни мақбул ва афзал кўришган.

Ҳикматнинг боши сукутда деб билганлиги ва шунга амал кила олганлиги туфайли, ориф оғати лисондан тамоман ҳалосдир. Сукут одобига эришиш ва амал қилиш умуман тасаввуфдаги муҳим талаб бўлганлиги учун Румийнинг машхур «Маснавий»сида бунга маҳсус боб ажратилган. Бу тўғрида Аҳмад Афлоқийнинг «Маноқиб ул-орифин» асарида қимматли маълумотлар мавжуд. Қолаверса, Навоий “Лисон ут-тайр”да айни шу масаладан баҳс этганлиги боис ҳам

¹ Истимоъ — эннитмоқ, тингламоқ.

«Шарт буким, онглагон шарҳ этмагай. То тилдин бошқа оғат этмагай» деган таъкид сўзларини битган.

Маълумки, хамма замонларда тасаввуфни динга, динни тасаввуфга қарам килиш ёки қарама-карши қўйишга уринишлар бўлган. Орифнинг маслаги айни шундай бирёкламалик ва маҳдудликдан озоддир. Ориф учун тасаввуф дин бўлмаганидек, динсизлик хам эмас, балки диндорни хам, динсизни ҳам Оллоҳ ишқи ва илохий Гўзалликка восил этадиган бир жабхадир. Дунёдаги барча динларнинг ўз муқаддас китоблари мавжуд, улар ўз масжидлари, черковлари, бутхона ва ибодатхоналарига эга. Тасаввуфда дини, ирқи, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, олам ҳајкнни бирлаштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу – тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи – Дил ва Кўнгил. Тасаввуфда илохий китобларга тавҳид мақомларини англатувчи рамзий маънолар бағишилаган. Чунончи: Инжил исмлар тавҳиди, Забур феъллар, Таврот сифотлар. Қуръони карим зот тавҳидига тимсол эрур. Қуръон зот оламидан тажағили топган китоб бўлғанлигидан унинг қадри багоят баланд: Мавлоно Румий бир рубоийсида «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг. Биз икки юз мазҳаб аҳли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз». – деса, Юнус Эмро: «Етмиш икки миллатни бир кўз ила кўрмаган. Шарънинг авлиёси эрса-да ҳақикатда осийдир», – дейди. Навоийнинг орифона шеърларидаги мазмун умуминсоний ана шу тушунчаларга ҳамоҳангдир.

Инсоният тамаддуни тараккиётiga кучли таъсир кўрсатган таълимотлардан биттаси, ҳеч шубҳасиз, Сукрот яратган Қалб концепцияси хисобланади. Бу таълимотдан Сукрот инсоннинг ақидапарастилиги, ўз-ўзидан қаноатланиши ва мағрурликка қарши тўхтовсиз курашида фойдаланган эди. Шарқда бундай вазифани ўз зиммасига олган ва ўз-ўзидан мамнунлик, мағрурлик ҳамда ҳудларастликка доимо ботиний қаршиликда яшаган ва гоҳо очик курашган кишилар дарвешлар ва орифлар бўлган. Уларнинг тушунчасида, кибр – инсоннинг ўз жони ва имонига зўлм ўтказиши, зулмнинг ҳар қанақа хили эса Ҳақ қаҳрига учрамоқдир. Шу ўринда бир

ҳақиқатни алохида таъкидлаш жоиз кўринади. Жаҳондаги барча динлар ва диндорлар у ёки бу даражада ҳокимият, сиёсат ва султонларга хизмат қилганлар. Дин ва сиёсат ўртасидаги яқинлик баъзан яхши натижалар берган бўлса, баъзан жуда салбий ишга айланган.

Инсоннинг баҳтими, баҳтсизлигими – буни ҳамма вақт ҳам қатъий белгилаш қийин-ку, аммо, туйғу, ҳолат ва қайфиятлари каби инсон «Мен»лиги ҳам тез ўзгарувчандир. Бунинг сабабларини чукур мушоҳада килгаи тасаввуфшунос Гуржизода бундай дейди: «Инсоннинг индивидуал «Мен»га эга бўлмоғи беҳад қийин. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда, ўзаро алоқасиз, келиштириб бўлмас, бир-биридан йироқ юзлаб ва минглаб майда «мен»лар мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон «мен» деб ўйлайди. «Мен» деб сўзлайди. Бироқ ҳар гал бу «Мен» бир-биридан фарқланувчиидир... Яъни инсон – бу кўпликдирки, унинг номи легион эрур». Легиончиликнинг ўзбекча ифодаси – оломончилик. Оломончилик эса – нафсу тама, шуҳрату хусумат, жаҳолату зўравонликнинг аскарчаси сифатида турланиб, парчаланиб, майда ақидаларга ёнишиб яшаш, руҳоний қиёфасизликка кўнишиш, риё ва мунофиқликдан азоб чекмаслик демак. Орифнинг энг буюк фазилати ва ҳамма замонлар учун бир хилда ибратли хислати ана шу оломончиликка тамоман зид равишда инсоний Моҳият бутунлиги ва маслак мукаммаллигига эриша олганлигидир. Сўз, ҳол ва амал мувофикалиги, фикр ва эътиқод бирлиги маъносида орифдан ҳар қанча ўрнак олса ўшанча кам.

Ибн Арабийнинг таърифлаши бўйича, ориф бамисли бир тупроқ. Яхшини ҳам, ёмонни ҳам енгиг билади. У бехуда ва бефойда ҳеч бир ишга қўл урмайди. Энг муҳими, “ориф мамлакатнинг оғир юкини елкасига олади. Барча масалаларнинг пинҳоний жиҳатларини юзага чиқаришни истайди. Ва фикр-тушунчаларини ўзининг шахсиятига мувофик тарзда ўртага ташлайди”. Зоро, Оллоҳ ва оламни завқ ҳамда ишқ йўли билан таниш имтиёзи тўла равишда орифликда намоён бўлиши Навоийни ҳеч шубҳалантиргмаган.

КОМИЛЛИК ОРЗУСИ

Оллоҳ таоло яратган борликлар орасида энг улуғи, энг шарафлиси Инсон ва унинг камолига ҳамма нарса, ҳатто акл ҳам ҳайрон, деган фикр Алишер Навоийнинг асарларида қайта-қайта таъкидланган. Дарҳакиқат, инсоннинг дунёга келиши ва онгли ҳаёт кечиришидан бош максад камолотга эришувдир. Комиллик туйғуси – факт инсонга хос туйгу. Чунки мушоҳада завқини тотиш, танқидий нұқтаи назардан ўзига ўзи баҳо бера олиш ва нокистикларини бартараф айлаб, муқаммал бир ўзликка сохиб бўлиш ёлгиз инсонга насиб қилувчи салоҳият эрур. Демак, шахсенинг ҳаётдаги асосий комиллик саодатидан бенасиб бўлмаслиkdir. Абдулкарим Жилий “Инсони комил” китобида “Ҳақнинг миръоти Инсони комил бўлганидек, Инсони комилнинг миръоти Ҳақдир. Чунки жаноби Ҳақ асомсини ва сифатини инсони комилда кўриш ва кўрсатишини вожиб этмишdir” – дейди. Шунинг учун ҳаётнинг яхшиланиши, акл ва тафаккур ривожи, дунёнинг эзгулика караб эврилиши бевосита Инсони комилнинг мавкеи ва кўпайишига боғлик. Навоийнинг комил инсон куч-куvvати, фазилат ва имтиёзларига катта умид билан қарашининг биринчи сабаби мана шудир.

Алишер Навоий нұқтаи назаридан комилликнинг мухташам пойдевори ҳам, олий чўккиси ва сўнмас нур мабаи ҳам ишқдир. Мутафаккир шоирнинг:

*Бўлмаса ишқ – икки жаҳон бўлмасун.
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун. –*

деган мантикий инкорининг замирида ғоятда буюк эътироф ётади. Чунончи, комилликнинг дахлсиз шарти – ишқ ва ошиклиқдаги комиллик эрур. Шу ўринда ошиклиқнинг энг эътиборли бир сифатини қайд этиб ўтиш зарурга ўхшайди. Жалолиддин Румий “Маснавий”сида “Рўзҳо бо сўзихо ҳамроҳ шуд”–“Кунлар ёнишлар билан ҳамроҳ бўлди” демиши. Навоийда ҳам ошиклиқ камолоти факт дард ва изтиробда эмас, ёниш, ёлкинили кўнгил билан яшашдадир. Буни алоҳида

таъкидлашимизнинг яна бир жиҳати бор. Шарқнинг буюк файласуф шоири Мұхаммад Иқбол диний маҳдудлик ва ҳар турли ақидапарастлик иллатлари хусусида тўхталиб: “Мусулмоннинг табиати ишқ туфайли баланд эрур. Мусулмон агар ошиқ бўлмаса коғирдир”. –дейди. Навоий эса ишқ коғир нағсни мусулмон айлашига тўла ишонч билдирган. Буни Навоийнинг комиллик тўғрисидаги қарашларининг таянч нуқтаси дейиш мумкинdir.

Комил инсоннинг таъриф-тағсифи учун Навоий неча ўнлаб улуғ зотлар – пайгамбарлар, машҳур шайхлар, ориф ва дарвешларнинг сифату хислатларига диккатни жалб этади, аммо ҳеч қачон ишқ гўзалиги, ишқ ва изтиробнинг оламшумул моҳиятини ёдан чикармайди. Бу эса, ўз навбатида, поэтик маъно ва образли ифодаларнинг узлуксиз равиша янгиланиб боришига кенг йўл очгандир.

Алишер Навоийнинг комиллик ҳакидаги фикр қарашлари, асосан тўрт устувор асосга таянади. Булар: Ахлоқ гўзалиги, Қалб поклиги. Руҳоният қудрати ва Тафаккур балогати. Навоий Комил инсон деганда нафсоний эҳтиёж ва талаблардан голиб келган ва мутлак тарзда маънавий-руҳий ҳурриятга эришган инсондаги янги ва ҳар жиҳатдан ибратли “Мен”ни назарда тутган. Бу “Мен” эса энг событ, энг ёруғ дунёвий ҳамда ҳамда илоҳий ҳақиқатларнинг бош меҳваридир. Шунинг учун Навоий шеъриягида тасвиранган Комил инсон муаммоси тадқиқ этилганда ана шу “Мен”нинг ботиний ҳаёт йўли, руҳий юксалиши ва кўнгил оламидаги ўзгаришларга алоҳида диккат қилиш ниҳоятда зарур.

Комиллик тўғрисида баҳс юритилган айрим асарларни ўқигандан, комиллик макоми замин одамига насиб этмайдиган бир идеалга ўхшаб туюлади. Тўғри, Комил инсон даражасига кўтарилиш жуда сермашаққат, кўп риёзат ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуф таълимотида белгиланган комиллик шартлари янада мураккаб. Комил инсон тушунчасини тасаввуфда биринчи бўлиб назарий жиҳатдан жуда теран шаклда ёритиб берган Ибн Арабийнинг эътирофи бўйича: “Инсони комилдан юкори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони

нотик, яъни факат суратда инсондир”. Худди шу боис хам Навоий бу масалада “аҳли маъни”ҳакиқатини биринчи планга олиб чиккан ва уни бевосита юрт, миллат, дин, имон, виждон, инсон севгиси кабилар билан уйғунликда бадиий талкин қилиб берган.

Алишер Навоийнинг Инсони комил баҳсидаги фикр-мулоҳазаларини дин ва шариат, тасаввуф ва тарикат мағкураси билан чегаралаш албатта түгри эмас. Чунки ҳамма даҳо санъаткорларга ўхшаб Навоийнинг дунёкараши миллий заминдан, миллий кадрият ва фазилатлардан қувватланиб борган. Абу Усмон Амр бин Баҳр ал-Жоҳизнинг “Фазоъил ал-атрок”, яъни “Туркларнинг фазилатлари” деб номланган китобида туркийлар ялтолклиниш, ялироқ сўзларни ишлатиш, гап ташиш, соҳтакорлик, фирибгарлик, риё, дўсту биродарларига нисбатан кибр, оқибатензлик, бидъат нималигини билмасликларини таъкидлаб яна бундай дейди: “Туркийлар араблардан бошқа миллатлар орасида ватан севгиси энг юксак бўлган миллатдир.Чунки уларнинг вужудларида ўзга миллатлар соҳиб бўла олмаган даражада мамлакатларига тупроларига боғлиқлик, ўхшашлик ва садокат бордир...”. Навоий Комил инсон мавкеи ва истикболи тўғрисида қайгуаркан, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган ана шу хислатларни назардан сокит килмаганилиги хам шубҳасизdir. Зоро, Навоий миллат онги ва кўнглини майда хислар, ўткинчи ва тубан ақидалардан поклашга тўсиклик қилувчи зулм, зўравонлик ва зулмат кўрқувидан тамоман фориғ эди. У фикри очик, имон-эътиқоди хатолик ва ожизликлардан озод, рухонияти соглом, тўғрилик, ростлик ва ҳакиқатни умрининг туб моҳияти деб билган, эл учун асарлар яратиш эҳтиёжини ниҳоятда теран мушоҳада килмаганида Комил инсон мавзусини бунчалик илҳом билан ёритмаган бўларди.

ТАФАККУР ВА ТАСАВВУР ЧЕЧАКЛАРИ

Шарқ мумтоз адабиёти, аввало. Мохият адабиёти бўлиб, у маънога толиб, руҳониятга ошик бир адабиётдир. Шунинг учун моддадан кўра маънога унда эътибор доимо баланд бўлган. Фикр, туйғу, мушоҳада, изланиш ва ифода – буларнинг барчаси ўтмиш адабиётида аввало маъно ва мохиятга асосланади. Илоҳий ҳақиқатларни англаш, уларни эркин ўзлаштириш йўли – бу ҳам маъно йўли. Ҳатто айрим мутасаввиф ижодкорлар руҳни ҳам вужудга ҳаёт бағишловчи бир маъно деб билишган. Уларга кўра, маънисизлик зулматини маъни нури билан бартараф айлаш, ақл, ахлоқ ва қалбдаги бўшликларни маъно билан тўлдириш, тафаккурни фақат ва факат маъно дурлари билан бойитиш – маънавий туғилиш ва ўсиб-улгайиш дегани мана шу хисобланади. Зеро, инсоннинг аслии ва комили ҳам аҳли маънига мансуби. Шуни назарда тутиб Алишер Навоий:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ор айлама ҳеч гадолигдин,*

деган.

Аҳли маъни шу даражада қадрли, шу қадар мутьабардир. Акс ҳолда Навоий:

*Ким дедим, узлат эшигин очқамен,
Даҳри бемаъни элидин қочқамен. -*

демасди. Аслида даҳр бемаъни бўлмайди: унинг ҳар бир харакати, ранги ва оҳангига маъни бор, ибрат бор. Уни маънисиз кўрсатадиган ёки бемаъниликка маҳкум этадиган одамдаги гумроҳлик, жаҳолат ва маҳдудлик. Булар мохиятни бузадиган, ақл-идрок кийматини ерга кориштирадиган иллат ва ноқисликлар эрур.

*Аё подон, маъно бўл деб айди, билдии,
Ондин сўнгра чўллар кезиб, Ҳақни сўрдим, -*

дэйди Хожа Аҳмад Яссавий. Бу гапнинг замирида илохий мохиятингни бил, Ҳак ва ҳакикатдан ғофил яшашни умр хисоблама деган мазмун яширган.

Алишер Навоий бир тилда эмас, балки икки тил – туркий ва форсийда тафаккур оламини сайр айлаган, бебаҳо маоний хазинасини яратган санъаткор эди. Шоир “Мухокамат уллугатайн” асарида “олти мингдин абъёти адади кўпроқ” форсий девонида “кўп турлик дилкаш адолар (ифода ва тасвирлар) ва дилпазир маънолар” мужассамлашганини айтган бўлса, бошка бир асарида бундай дейди:

*Форсий назм ичра чун суродум қатам.
Назминиг ҳар синфини қилидим рақам.
Файз еткач ул мюнийдан манго
Топти белгу назми Фонийдин манго...*

Навоий форс-тожик тилида ёзилган шеърларида гарчи Фоний тахаллусини танлаган бўлса ҳам, унинг қалби бокийлик файзи, боқий сўз ва мохият илҳоми билан тўлиботшган эди. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий сингари даҳолар изидан бориб форсий шеъриятга ўзининг муносиб улушини кўшиш шарафига эришган эди. Бирок “адабиёт ва санъат оламида энг теран бир қараш соҳиби бўлган” Закириддин Муҳаммад Бобур Навоийнинг форсий тилдаги “баъзи абъёти ёмон эмастур, vale аксар суст ва фурудтур”, дейди. Устод Абдурауф Фитрат эса “Навоийнинг форс тилида ҳам теран, уста бир санъаткор” эканлигига ишонч билдириб, “Бобурнинг маълумотини кўб-да қабул эткусимиз келмайди”, деган хulosани илгари суради. Бобур устозининг форсий меросини умуман инкор килгани йўқ, балки унда ғоявий-бадиий куввати юкори, торакка қучли таъсири үтказадиган шеърлар камроклигини таъкидлаган, холос. Фитратда ҳам Бобурнинг фикрини бутунлай рад этиш мақсади бўлмагани боис уни “кўб-да”, яъни тўла қабул килолмаймиз, деган. Умуман олганда, “Девони Фоний” бадиий ижод тажрибасида кам

учрайдиган ходиса. Унда ўқиса ўқигулик, мақтаса мақтагулик шеърларнинг кўплиги шак-шубҳасиздир.

Ундан ўрин олган ғазал, рубоий, қитъа, хуллас, Навоий қалам тебратган ҳар бир жанр ўзича буни тасдиқлашта қодир. Мана, қасида жанридаги шеърларни олайлик. Шоирнинг форсий тилда яратилган қасидаларини эътибордан четга суриб, унинг қасиданавислик майдонидаги хизматларини баҳолаш мумкин эмас. Зеро, “Ситтай зарурия” ва “Усули арбаа” туркумидаги қасидалар мазмунан бири-биридан теран. мушоҳада ва тасвирида мусобакалашадиган даражада гўзалдир. Навоийнинг ўзи таъкидлашича, “Ситтай зарурия”даги “Рух ул-кудс” деб номланган илк қасида Оллоҳ ҳамдига бағишланган бўлса, кейингиси, яъни “Айн ул-хаёт” “Мустафо мадҳи сарчашмаси файзидан томчилар”дир. Демак, булар Ҳақ ишқи ва сарвари олам Мухаммад алайҳиссалом муҳаббатидан туғилган ва бошдин-охир сидқу ихлос, эътиқоду самимиятдан яралган асарлар эди.

Ҳайриятки, дунёда жонни роҳатлантириб, кўнгилга кучмадор бағишлиб, моҳият эътибори ила руҳни, имонни асраб-авайлайдиган илоҳий тушунча ва қалималар бор. Инсонни шулар Ҳақ ва хақиқат йўлларига бошлайди, шулар ахлок ва қалб ҳасталикларини даволайди. бандасини шулар куфру гуноҳдан халос айлайди. Ахлоқда, тафаккурда ва руҳониятда уларга суюнилмаса, улардаги маъно-моҳият сир-асорори тўхтовсиз равишда қашф этиб борилмаса, одамзод ихтиёрий равишда ўзини азоб-укубат, кулфат ва бадбаҳтикларга гирифтор этаверади. Қуръони карим ҳар бир ҳакпарат, маърифатсевар инсон учун умид ва муҳаббат, қисмат ва саодат қомуси. Унда таъкидланишича, Мухаммад алайҳиссалом энг улуғ ахлок соҳиби. Ҳақ элчисидир. У коинотнинг сабаби, хилқатнинг аввали, нубувватнинг хотами эрур. Мусулмон оламида бирор бир атоқли ё машҳур зот йўқки, Ҳақ таолонинг охирги пайғамбари ва ҳабиби Мухаммад алайҳиссаломнинг шариати, яъни муборак йўлидан четлашганд бўлсин. Чунки бу йўл – тўғрилик, адолат, муҳаббат ва комиллик йўли. Расууллоҳни севмасдан, ўзини шу севгига фидо қиласдан илоҳий ишқ завқига етишмоқ

душвордир. Пайғамбаримизга муҳаббат – бу мутлак холис ва соғф муҳаббат. Бу факат актый бир севги эмас, балки күнгил ва рух ишки. Навоий “Айн ул-ҳаёт”да шу ишқ түгёни түлкінларини ўзига хос самовий миқёсда манзарапаштиради. Ва бу ишқдан бенасиб нағе бандалари хусусида жумладан шундай дейди:

*Девмардум, яъни бозор аҳли юлгичлик учун,
Шайланиб, очгай дўкону суди савдо айлагай.*

*Олди-сотди айланашаркан, жўши уриб инсофлари.
Бўрёнинг қийматин бир халта тизло айлагай.*

*Қозихона аҳли, коғирчар синиқ дирҳамти деб,
Юз мусулмон мулкини олмоққа фатво айлагай.*

*Дунҳиммат, пасткашлар азбаройи нафси шум,
Ўзгалиарининг эшигида ўзни расво айлагай.*

Мутасаввуфларнинг эътирофи бўйича, калбининг илм билан тўлиши денгизга ўхшайди. Чунки Расууллоҳнинг қалби илм ва хидоят билан тўла, долғали бир денгиз эди. Илм ва хидоят, унинг қалб денгизидан нафсига ўтгач, илм ҳарорати юзага чикиб, нафснинг сифатлари ўзгаради. Ва табиати буткул баркамоллашади.

“Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Сиз дунё ишларини мендан кўп яхши билурсиз”, деярок дунёни халқка изофа этди ва нафсини дунёга дахлдор даврадан чиқарди”, дейди Абу Наср Сарроҳ. Навоий эса ушбу ҳакикатни тушунган ва унга амал килишни зиммасига олган кишиларни назарда тутиб:

*Гар кўнгил жамъи висол бўстони сари бурса юз.
Тонг эмаским, тарки дунё, тарки уқбо айлагай,
деган эди.*

Одам умри гўзаллик ва чиркинлик, яхши ва ёмон, мағлубият ва муваффакият каби зиддиятли, бири

иккинчисига мувофик келмас тушунча ёхуд ҳақиқатлар меҳварида айланади. Инсон ҳаммасидан кўпроқ ўзини билиш ва танишда адашгани боис, нима оқ, нима кора, нима тўғри, нима нотўғри – буларни вактида фарқлай олмайди. Ҳақ билан якиндан бояланолмаганилиги учун у нафсдан узоклашолмайди. Нафсу хаво таъсиридан кутулиб билмаган акл эса кундан кунга майдалашиб, сохибини манфаат, тама қўғирчоғига айлантиради. Ички ҳаётдаги чалғишилар, бузулиш ва айнишлар нима? Улардан кутулишнинг асосий чоралари қанака? Безавол бир саодатга эришиш мумкинми, йўкми? Кимга суюнганда ва кимдан ибрат олганда одам хато қилмайди, фалокатга йўлиқмайди?

“Кут ул-кулуб” (“Қалблар озуқаси”) ва “Минҳож уннажот” (“Нажот йўли”) қасидаларида худди шундай саволларга теран жавоблар бор.

Ҳаёт ва олам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб ёки турғунлашиб қолмайди: табиатдаги ҳар бир нарсада ўзига хос бир ҳаракат, ички ва ташки ўзгаришларда бўлади. Шунинг учун тун бағрида кун туғилади, ойлар ўзаро ўрин алмашиб, фасллар ўзгаради. Фасл янгиланар экан, инсон табиати ва ҳолатларида ҳам албаттга ҳар турли эврилишлар юзага келади. Алишер Навоий “Фусули арбаа”, яъни тўрт фасл деб номланган ва Баҳор, Ёз, Куз, Қиш тасвирларига бағишлиланган қасидаларида аввало ана шу ҳақиқатга асосланади. Улуғ шоир ҳар қайси фасл сийрати ва сувратини жуда ёрқин очиб берадиган ходиса ҳамда манзараларни бири иккинчисини тақрорламайдиган турфа ранг ва оҳангларда жонлантиради. Бу эса Султон Ҳусайн Бойкаро мадҳига бағишлиланган сўзларнинг самимий ифодаланишида ҳам алоҳида аҳамият қасб этган дейиш мумкин. Навоий Бойкаро таърифида:

*Ҳашамат чўққиси сенга мұяссар бўлди чун,
Ариш ҳам пойингдадир магар, етолмайин хуноб, -*

каби юксак фикрларни ёзар экан, айни пайтда қаҳратон қишиз обларига чидаб кун кечираётган ночор одамларнинг ахволини ҳам назардан четда қолдирмайди:

*Камбагат шўрлик қалтирад, кўнгидда шавқи олов.
Мисоли майхўр бошида ҳавоийи қайфи шароб.*

*Қашшоқ, бечораҳол гўё қулоги том битган,
Еткаси ётишиб икки қулловига, ҳижоб.*

*Жисмида титрашидин ўзга ҳаёт нишони ўйк
Гўё ўликка жон соларкан, титратур Ваҳҳоб...*

Қайси бир йўл ва қайси бир тарзда бўмасин, Навоий барибир ҳакиқатни айтади, кўнгли халқ ахволининг шаффоф кўзгуси эканини барибир билдиради. Навоийнинг форсий қасидалари фавқулодда юксак фикр макомида яратилган. Айниқса, “Ситтаи зарурия”даги қасидалар фалсафий-ирфоний мушоҳаданинг чукурлиги, руҳоний завқнинг баландлиги ва ёрқинлиги билан ўкувчини ҳайратлантиради. Мехр ва ихлос билан уларнинг таржима килинишига асосий сабаб ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлаймиз. Навоий ўзбек тилида “Ҳилолия” деб аталган битта қасида ёзган. Қолганлари форсийда битилган ва мутафаккир шоир уларда қасиданавислик маҳоратини бекаму кўст намоён айлаган. Ушбу қасидалар илк бора Навоийнинг йигирма жилдлик Муқаммал асарлар тўпламида насрый таржималари билан бирга нашр этилди. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол газаллар билан бирга ўн қасиданинг шеърий таржимасини амалга оширди. Уларни ўқиш насрый таржимага нисбатан ўзгача фикр ва таассурот уйғотили, энг муҳими, Навоийнинг санъатхонасига яқинлаштириши шубҳасизdir. Бу хайрли иш тўхтаб қолмаслиги керак. Чунки Навоий форсий шеъриятининг ҳажми ҳам, микёси ҳам салмоқли. Ундаги турли лирик жанрда ёзилган шеърларни ўзбекчалаштирилиши Фоний – Навоийнинг форс-тожик тилида ижод қилган даҳо шоирлар сафидаги мавқенини яқиндан билишга хизмат киласди.

РУҲ ВА МАЪНО САРБОНИ

*Файзи гадову шоҳ аро мунтасири,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир.
Алишер Навоий*

1

Шарқ мумтоз шеърияти дунё бадиий тафаккурининг ўз жозибасига соҳиб, қудратли марказларидан бири. Жаҳонга шуҳрат таратган улуғ шоир-санъаткорларнинг аксарияти Шарқ шеърияти намояндалари эди. Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий улар даврасида алоҳида мавқе ва эътиборга эга.

Жомий – шоир, адабиётшунос, муаррих, файласуф, мутасаввиф. Ҳазрат Жомий кенг камровли ижодиётида Рудакийдан бошлаб то Ҳофиз ва Камол Хўжандийгача бўлган сўз санъаткорлари анъаналарини ижодий давом эттириб, форс-тожик шеъриятини янги погонага кўтарган эди. Жомийдан кейин бадиий ижод тажрибасини теран илм ва ирфон, қоядай сарбаланд бутун шахсиятдан айри ҳолда тасаввур килиш мумкин бўлмай колганди.

“Султон Ҳусайн Мирзонинг замони, - дейди Захириддин Мухаммад Бобур, - ажаб замоне эди, ахли фазл ва беназир элдин батахсис Ҳири шахри мамлу эрди. Ҳар кишининг ким бир ишға машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай.

Бу жумладин бир Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул микдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдир”.

Асрдош ва издошларнинг Абдураҳмон Жомийга берган таъриф, тавсиф ва баҳолари бир жойга жамланса, наинки ўз замонида, ундан кейинги даврларда ҳам Жомийга тенг, Жомийнинг жойини эгаллашга муносиб Шахс таваллуд топмаган, деган холосага келиш шубҳасиздир. Жомий шу қадар беназир, шу даражада ноёб шахсият. Алишер Навоий устозининг шаъни-шавкатини улугловчи мана бундай сўзларни айтганда тўла ҳақ эди:

*Ё раб, бу маоний дурришинг уммони.
Бу донишу фазл гавъарининг кони.*

*Ким айладинг они олам аҳди жони,
Олам этига бу жонни тут арzonий.*

Кўп шоири адиблар ижодиа ўзларича қизиқиб кетиб, нафсни таниш, ранж ва машаккат оташида тобланиб шахсият яратишни умуман хаёлга ҳам келтиришмайди. Кўплаб майда “менча”лар хархасидан кутулмаган “Мен” синиб, албатта парчаланади. Ҳолбуки, ижодкорнинг биринчи вазифаси ёзишни ўйлаш эмас, ёзадиган одамнинг (ўзининг) бутунлиги, ҳақиқий хурлигини тўғри аниқлашдир. “Жамиятбоп” ёзувчи бошданоқ маглубиятга маҳкум. Маҳдудликдан у эрк ахтаради, ожизликни куч, фанони бақо дея тасаввур этади. Ҳурлик мақомига юксалиш бехад оғир, тоятда мураккаб иш. Бу хусусда кенг мушоҳада юритган Азизиддин Насафий шундай дейди: “Барча инсонлар бу оламда зиндоидадирлар. Пайғамбар, вали, сulton, малик – ҳамма-ҳаммаси боғланган. Баъзисининг бир, айримининг икки, бошқа бировининг ўн, яна бирларининг юз, баъзисининг эса минг занжири бордир. Бу жаҳонда занжир-тузоқсиз одамнинг ўзи йўқ. Аммо бир занжирли минг занжирлига нисбатан эркин, азоб ва изтириби ҳам унинг озрокдир”.

Дарҳақиқат, ўтар дунёда ҳар ким ўзича бир нимага мубтало: кимдир мавқе ва мансаб учун роҳат-фарогатини фидо айлайди, кимдир обрў ва амалдан ажralгани учун изтироб чекади: бирор бой-бадавлат экан, қашшоқликка йўликкач, ўзини-ўзи кийнайди. Кимлардир шон-шуҳрат шавқида бошқаларни ер билан яксон айлашга уринади. Ҳирс, тана домига илингандар қанча. Ҳосидлар фитна ва ғавғо қўзғаб ниятга эришиш ҳаракатидан кайтмайди. Кимдир ҳамма нарсага кўл силтаб риндлик қадаҳини қўлдан қўймайди... Хуллас, кўпчилик аҳамияти паст турфа-турфа эҳтирос асири. Яъни кўзга кўринмас занжирга боғлик. Демак, яхшилик билан ёмонлик, тўғрилик билан эгриликни фарқлаш ҳам нисбийдир. Нега шундай? Бунинг туб сабаби нимада ва

нимадан бошланиб, нима билан тугайди? Мусулмон шоирлари орасида бадиий ва илмий асарлари, шахсий ҳаёт тажрибалари орқали ушбу саволларга тўлақонли жавоб бера билган мутафаккирлардан бири Абдураҳмон Жомий эди.

*Умрест, ки ба ҳазор ман ҳастии ман,
Ман мегўям, vale наидонам “ман” чист?*

Мазмуни: Бир умрки, менинг мавжудлигим минг манда кечади. Ман дейман, аммо “ман” нима? Билмайман.

Содда килиб айтганда, Жомий ижодиётининг ўзак ғояси Ишқ. Ҳакиқий ишқ нури, завқ-шавқи ила басиратни очиш. Кўнгил назарини маъно, моҳият оламига қаратиш.

*Ўз жамолига назар ташлаб, тамошо қилди шиқ,
Ном бериб, ошиқ ила маъшуқни пайдо қилди шиқ.*

*Эрди ошиқ ботину маъшуқ зоҳир, этди акс.
Сирри ботинни зудур айлаб, хувайдо қилди шиқ.*

*Ўзида ул ўзни кўрди, жиливалар кўрсин дебон,
Сену менга бир ажисиб миръоти дунё қилди шиқ...*

Чинакам софлик – Дилдаги софлик. Рухда. кўнгилда гўзаллик бўлмаса, зоҳирий гўзалликлар шуурга кенг йўл очиб беролмайди. Ҳазрат Жомийнинг “гул жамоли”дан “дил жамоли”ни устун қўйиб, мунаvvар кўнгил хусни билан дунёни ҳайрон колдир, дейишида олам-олам маъно яширинганди:

*Жамоли диг талаб қун, не жамоли гул, ки гар чун ҳур –
Жамоли диг шавақ тобон, шавақ оғоқ ҳайрониаш.*

Абдураҳмон Жомий руҳониятида гўё замин ва само, ғайб ва шаҳодат олами бирлашиб, ажралмас бир уйғунлик касб этган. Жомий тасвирларида рух бир шуъла, бир нур ва бир зиёдир. Рух, шаклан гоҳ қирмизи, гоҳ кора, гоҳ ок ё сарик

ўлароқ турли-турли рангларда кўринади. Бундай вактларда у моддани тамсил этади. Зеро, рухга ранг бергувчи моддадир. Рух учун вакт, замон деган чегара йўқ. Хаёл, тафаккур сингари парвози кўп осон ва енгил. Тафаккур каерда бўлса, рух ҳам ўша ерда. Англайдиган, хатосиз тушунадиган рух бўлиб, тафаккур унга эргашувчи. Модда рухга тўсиқ бўйлмайди. Рух ҳамма жойга бора олади. ҳаводан, сувдан, олов ва тупроқдан бемалол ошиб ўтади. Рух бўлинниб парчаланмайди, лекин қуёш ҳар томондан кўринганидек, рух ҳам айни бир пайтда турли жойларга парвоз айлашга қодир. Жомий нуқтаи назаридаги маъно эътибори или инсон улуғ олам бўлгани боис Оллоҳ уни ҳаёт, илм, ирова, қудрат, ҳис этиш, кўриш, қалом каби ўзининг сўнгиз сифатларидан бир қанчасига шерик этган ва ўзини инсонда шу сифатлар или билган, билдирган. Комил инсон, бу оламнинг рухи ва олам унинг жасади янглиғидирки, доимо рухни ахтаради, излайди, орзу қилади. Шунинг учун инсоннинг биринчи ва асосий вазифаси, маънавий-ахлоқий бурчи нафсу шахват оғатларидан қутулмоқдир. Ҳар қаердаки нафс ва шахват сели тўфон киласа, баҳту иқбол хонаси ҳам барбод бўлур. дейди шоир:

*Сели шахват ҳар қужо тўғон қунад,
Хонаи иқболро вайрон қунад.*

Жомий оламини билган – Ҳақни ҳам, ҳалкни ҳам билади. Жомийни ўқиган ва тушунган – ҳақиқатнинг зоҳирини ҳам, ботинини ҳам тушунади. Кўнгил заволини ҳам, камолини ҳам ҳис киласди. Буларни чуқур англашда Навоийнинг Жомий ҳақидаги фикр-мулоҳалари яқиндан кўмак ва илҳом беради.

2

Нуриддин Абдураҳмон Жомий 1414 йил 7 ноябрда Жом вилоятининг Харжард қасабасида туғилган. Жомийнинг бобо-бобокалонлари насл-насаби тоза, обруй-эътибори юксак зотлар бўлишган. Алишер Навоий Жомий вафотидан сўнг

устозига багишлаб ёзилган “Хамсат ул-мутаҳайирин” асарида бу ҳақда, “Аларнинг олий насаблари имом ул-мужтаҳидин Мухаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийга борурким, Ҳурмуз бани шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат килибдур...”, деб ёзади. Шоирнинг отаси Низомиддин Аҳмад эса дин ва шариат илмининг пешволаридан эди. Илк таҳсилни Жомий отасидан олган, гўдаклиқдаёқ ўқишни ўрганган. Навоийнинг қайд қилишича, у “тўрт ё беш ёшларида” мактабга катнай бошлаган. Лекин кўп ўтмай Жомийнинг оиласи Жомдан Ҳиротга кўчиб келишади. Бунинг сабабини Навоий шундай изохлайди: “Бори кичик ёшидин шабоб аҳдининг авойилиғачаким (йигитлик даврининг бошланишигача), Жом вилоятида эрмишлар – аларға фойда еткуурур киши оз топилғон жиҳатидин:

*Қўёш ул наъъки мағриб сори,
Ё Наби уйлаки Ясериб сори,*

шахрга азимат қилибдурлар...”.

Ҳар бир иш ва хунарни камолга етказиш, истеъододни тўла рўёбга чиқаришга рагбатлантирувчи, илм ва ижодни кўллаб-кувватлаш билан танилган Ҳирот Жомийни кучок очиб каршилайди. Илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт бешикларидан бўлган бу муazzам шаҳардаги номдор мадрасаларда Жомий илм ўрганишга киришиб кетади. Қиска муддатда наинки зохир илми, ботин илмида, хусусан, тасаввуф жабҳасида кўп билим эгаллашга эришади. Аммо шеърдан йироқлашмайди. Илм ва ирфонни шеърият хизматига сафарбар этишнинг энг таъсирчан йўллари, табиий, кўркам усулларини излайди. Фикр ҳаёти, рух завқи, кўнгил зиёсини Жомий ҳар нарсадан – ҳаттоқи, маърифатдан ҳам афзалрок кўради:

*Маориғ гар чу мӯ борик бошад,
Чӣ ҳосил з-он чу дил торик бошад?*

Мазмуни: Мәърифат сочдай нозик бўлса-да, юрак агар қорайган эрса, ундан нима натижа чиқади?

Жомий рубоийларидан бирида, қаердаки хона эшигидан даъво кириб келса, маъни шитоб билан туйнуқдан чиқиб қочади дейди:

*Ҳар жо зи дари хона дағомад даъвӣ,
Маъни ба шитоб аз раҳи равзан бигурехт.*

Шоирнинг ўзи эса бутун умри мобайнида даъво, иддао, шахсий гараздан фориғ яшаган. Тафаккур, амал, муносабат, меҳр-муҳаббат холислигида Мавлоно Жомий само кишисидай таассурот қолдиради. У одам ва одамиятига нисбатан душманлик, беписандлик, золимликни умуман қабул қилолмайди. Унингча, бошқаларга ҳаксизлик ўтказиб, уларга паст назарда қарашиб итлик ва йирткичлик. Бу итлик ва йирткичликка сабаб аклсизлик:

*Ҳашм бо дигарон сагибу додийист,
В-ин сагибу додӣ зи бехирадийист.*

Агар одамийлик кўз, оғиз, эшитиш ва кўриш билан белгиланса, девор нақшлари билан инсонийлик ўртасида ҳеч фарқ колмайди. Чунки еб, ичиб, ётиб, ғазаб ва нафсга қул бўлиш инсонийлик оламидан бехабар, жаҳҳ зулматидан ҳеч кутулолмайдиган ҳайвонга ҳам хосдир:

*Агар одамий ба ҳашм асту даҳону гӯшу бини,
Чи миёни нақши девору миёни одамият.*

*Ҳўру хобу ҳашму шаҳват шағабасту жаҳгу зулмат.
Ҳайвон хабар надорад зи жаҳони одамият.*

Улкан ижодий шахсият ҳар канака шароит, жон эзувчи ҳар қандай вазиятда ҳам катта орзу-умид, ёргуғ хаёллар билан яшайди. Бу ҳолат уни баъзан хилват ё узлатга ундаса, гоҳо сафар ва саёҳатларга чорлади. Жомий Туркистонни “каъбаи

мақсуд” (бунда албатта Яссавий, Баҳовуддин Накшбанд, Хожа Ахрор каби тарикат пирлари ҳам назарга олинган) деб таърифлаган эди:

*Жомӣ, из хоки Ҳуросон чӯ кунӣ азми Ҳижоз,
Чун туро қаъбаи мақсуд ба Туркистон аст.*

Хуллас, Жомий билимини такомиллаштириш учун Самарқандга йўл олади. Улуғбек мадрасасида ўқишни давом эттиради. Умумий маълумотларга кўра, машҳур конуншунос олим хожа Фазлуллоҳ Абулайс, буюк мунажжим Козизода Румий ёш толиби илмнинг қобилияти ва зakovatига юкори баҳо берадилар. Султон Улуғбек ҳузуридаги бир йигинда Козизода Румий “Жомий каби баланд истеъоддли йигит ҳанузгача Амунинг нари ёғидан келмаган эди”, деган экан. Самарқанд ҳаёти, Самарқанд илмий-адабий муҳити Жомийнинг дилида ўчмас из қолдирганди. Самарқанд унинг илмига илм қўшиб. инсоний фазилатларининг бойиши ва теранлашувига эркинлик берганди. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш керакка ўхшайди. Самарқандда ҳам, кейинроқ Ҳиротда ҳам бир неча маротаба Жомийни сарой хизматига таклиф қилишади. Шоир эса бу таклиф ва илтифотларни қатъян рад этади. Чунки у ўзининг тарихий вазифаси ва бурчини беками кўст адo айлаш, виждан хотиржамлиги, калб ҳуррияти, фикр эркинлигини саклаб қолиш учун илмдан, адабиётдан ўзга бир “майдон”ни тасаввур қила олмасди. Бу эса илм, ижод, санъат одами учун энг асосийси. Зоро, эркинлик кетса, дардисар ташвишлар, эътиқодни бузиб, иродани емирувчи ҳар турли бало-қазолар ўз-ўзидан бостириб келаверади. Шуни эътиборга олиб бўлса керакки, мутафаккир шоир “Юсуф ва Зулайҳо” достонида ўғлига қаратилган насиҳатларида, мансаб эшигига асло яқин йўлама, “ки аз ҳар мансабе бемансаби бех” – “ҳар қанақа мансабдан мансабсизлик яхши” деб ёzáди.

Навоийнинг вазирлик мансабини тарк қилиб, саройдан кетишга қарор айлаганлигини билган Жомий ундан бунинг сабабини сўрайди. “Инсон жинси сухбат ва ихтилотидин

мамул бўлиб эрдим, бу ишга ул боис бўлди”, дейди Навоий. Шунда Жомий “Инсон кимни хаёл килиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?” – деб сўроқ ташлайди. Ушбу саволнинг ўзиёқ инсонпарвар шоирнинг, ҳалқ моли ва жонини зулукдай сўрган мансаб аҳлига муносабатини ниҳоятда аниқ акс эттиради. Жомий мансабни эмас, мансабпастликдан туғилажак бедодлик, ноинсофлик, разолаткорликларни коралаган. Мартабада кўтарилиб, одамийликда буткул тубанлашган эркеиз-ихтиёrsиз гумашталар киёфасида у миллат, салтанат таназзулини кўрган - дехкон, хунарманд меҳнатини ўйлаб эса дилига ёруғ ҳиселар оқиб келган.

*Кўзвати жону тан зи дехкон аст.
Кутти руҳу бадат зи дехкон аст.*

*Гар наёбад жаҳон зи дехкон баҳр.
Қаҳт хезад зи корхонаи даҳр.*

Мазмуни: Жону танинг қўч-кўзвати дехкон эрур. Руҳ ва вужуднинг хайр-барақаси дехконидир. Агар дунё дехкон меҳнатидат баҳра томаса, корхонасида унинг қаҳатчилик қўпади.

Жомий тасаввуф илмининг чинакам билимдони, накшбандийлик тариқига мансуб шайх, мутасаввиф шоир. Лекин у жахолат, риё йўлига кирган сўфийлар билан ҳеч муроса қилмаган. Ҳак висолига эришиш иддаоси или ҳамма нарсани йигиштириб, сафсата сотишни касб этиб олган сўфий ва дарвешларни шоир дехконнинг бир томчи терига ҳам арзитмайди:

*Ҳазар аз сўфиёни шаҳру диёр,
Ҳама помардумону мардумхор.*

*Кораишон гайри хобу хўрдан не,
Ҳечашон фикри рӯзи мурдан не.*

*Мазмуни: Шаҳру диёрдаги бу сұғиілшардан ҳазар қыл.
Уларнанға барчаси одамлық қиёфасини үпүтгән, одамлық шағыннан хорлаған кимсалардір. Ейши-ичиш ва ухташадан бошка ташвишлари ішк. Ҳатто үлімни одамдағы қараштапани ҳам ўйлаб күролмайдылар.*

Халқни уннутиб Ҳақ дегувчи, бу дунёга нафрат ила боқиб охират саодатига күз тикувчилар Жомий маслагидан йироқ кимсалар эди. Бадбинлик, текинхүрлик, суратпарастлик, ортиқча шикасталик, маънавий мутеликларга у асло ён беролмасди. Оллох ва пайғамбар, ишк ва соғ виждон ҳұмки ила яшаш тарафдори эди.

Замондошларининг ишоратлари, хусусан “Рашаҳот айнул ҳаёт” муаллифининг хабарларидан англашилишича, Жомий расмий таҳсилини ниҳоясига етказиб, камолотта эришгач оила қуришни ихтиёр этиб, пири Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг қизига үйланиб, түрт фарзанд күрган. Түнғич ўғли бор-йўғи бир кунгина умр кечирган. Иккинчи ўғли Сафиуддин Мұхаммад 1475 йилда таваллуд топган. Түнғич чакалокнинг ҳаётдан тез күз юмиши Жомийни бу ўғилга қаттық боғлайды. Аммо бир йил ўтар-үтмас у ҳам вафот қиласы. Албатта, бу мусибат шоир қалбига фавқулодда ёмон таъсир ўтқазади. Сафиуддин үліміга бағишлиб марсия ёзади. Унда шундай мисралар бор:

*Ректі хуни дыл аз дидай гирёни падар,
Рахи бар жони падар н-омадат, әй жони падар!*

Мазмуни: отанғаниң гирён күзларидан юрак қонларини оқыздынғ. Отан жонидан жой олғандынға нечун келмадынғ, әй отанғаниң жони!

Алишер Навоий устози күнглига тасалли бериш ва айрилиқ оташини пасайтириш мақсадида Сафиуддин вафотига бир таърих ёзади. Орадан икки йил ўтади. Жомийнинг ёши 63 га түлгач, 1477 йил оиласа уччинчи фарзанд дунёга келади. Икки ўғилдан жудо бўлган отаннаниң ҳасратдан кейинги шодлигини тасаввур килиш кийин эмас, албатта. Янги туғилган ўғилга Зиёуддин Юсуф

деб ном кўйишади. 1486 йил Абдурахмон Жомий хонадонида тўртинчи ўғил туғилади. Унга Захирицдин Исо деб ном берилади. Қарангки, у ҳам узок яшолмайди. Шоир биргина ўғил – Зиёуддин Юсуф билан қолади.

Зиёуддин Юсуф тўрт ёшда экан, шоир унга атаб 1481 йилда бир панднома ёзиб, уни “Тухфат ул-аэрор” асарига киритади. Сўнг фарзандига мурожаат тарзида яна икки панднома яратади. Улар бугун ҳам таълим-тарбиявий аҳамиятини айтарли бой бергани йўқ.

3

Абдурахмон Жомий серкирра ва сермаҳсул истеъодд сохиби. Илмда унинг асарлари сони элликдан ортиклиги кайд этилган. Жомий мумтоз шеъриятнинг ғазал, рубоий, китъя ва бошқа жанрларида илҳом билан ижод қилган. Ишқ, ирфон, комиллик гояларини у янгича муносабат, янгича оҳант ва бўёкларда таевирлаб берган. “Менинг шеърим, - дейди у, - ишқ азоби ва қон ютишнинг баёнидир. Ғазал девони эмас улар, менинг қилган ишларим, чеккан гам-гуссаларим”.

*Шеъри ман, Жомий, баёни шиқу хун ҳўрдан бувад,
Ин на девони газал, девони аъмоли ман аст.*

Шоирнинг қалб ҳолати, изтироб ҳарорати, шахсий фазилатлари шеърда нечоглик ёрқинрок аксини топса, самимият ӯшанча ортади. Шоир ҳамма нарсага инонтиреа-ю, самимиятга, хусусан, дард ва изтироб самимийлигига инонтириб билмаса, қилган меҳнати бесамар. Анъанавий йўлда ижод қилишининг қалтис жихатларидан бири ана шу. Қайси лирик жанрда қалам юритмасин. Жомий буни хисобга олган. Шунинг учун форс-тожик шеърияти Жомий тажрибалари тимсолида соддалик ва самимиятнинг янги марраларини ишғол айлаган эди дейиш мумкин.

Хаёт файзи, умрнинг сир-аэрори, ишқ ҳикмати, ошиклик гам-азоби, маъшуқанинг нозу итоби, орифнинг сукути, ғарининг ҳасрати, факирнинг шавки, юлдузларнинг чараклаши, ғурубнинг маҳзунлиги, туннинг шукухи,

самовотнинг чексизлиги – буларнинг бариси шеър. Турфа кўзли булоқларнинг шилдираши, денгизларнинг сокин шовуллаши, шамолларнинг қўшиғи, япроқлар ва гулларнинг ўпишиши, булбулларнинг ноласи – бу мусика. Ваҳдати вужуд таълимотига таяниб Жомий ана шу ҳақиқат, манзара ва мусиқаларни инсон рухи, қалби, тафаккур сирларини очишга хизмат қилдиради. Авомга мақбул, оломон савиясига мувофиқ тушадиган шеърни у суст ва хом шеър деб ҳисоблаган:

*Шеър, к-афтоқ қабули хотири ом.
Хос донақ, ки суст бошаду хом.*

Ғазал, рубоий, қитъа, таржиъбанд, таркиббанд жанридаги шеърлари Жомийнинг лирик салоҳиятини намойиш этган бўлса, достонлари эпик маҳоратини кўрсатган. “Тухфат ул-аҳрор” (“Хайрли кишилар тухфаси”), “Сибҳат ул-аброр” (“Яхшилар тасбиҳи”), “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандар”, “Соломон ва Абсол”, “Силсилат уз-заҳаб” сингари асарларида фалсафа, ахлок, ишқ, ирфон ва тасаввуф, жамият ва сиёsat, шахс эрки ва салтанат сингари масалалардан баҳс юритилган. Кейинчалик улар “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) номи остида бирлаштирилиб шуҳрат тутган.

Жомийнинг насрда ёзилган асарлари орасида “Баҳористон” ва “Нафаҳот ул-унс” китоблари доимо кучли иштиёқ билан ўқиб-ўрганийганини таъкидлаш лозим. Жомий “Рисолаи аруз”, “Рисолаи қофия”, “Рисолаи мусика”, “Шарҳи рубоиёт” каби бир неча илмий рисолаларнинг ҳам муаллифи. Буларнинг ҳар бири учун Жомий заҳмат чеккан, кўз нурини сарфлаган. Табиийки, ҳар бирида бир ихтирони кўзлаган.

бино этилган. Адабиёт, санъат, мусика оркали ўзни танишни иносон илк бора машрикзаминда амалга оширган.

Хуллас, айтса-айтулик ҳакикат ва ходисотлар кўп. Уларга эришиш қандай кечган? Деярли бирортаси ҳам енгил ва осон бўлмаган. Ҳаммасининг ортида машакқат, фидоийлик, азоб-укубат ва шижаот яшириндир.

Маълумки, Шарқ оламида тожу тахт, ижтимоий-сиёсий жангу жадаллардан ташқари, мазҳаб, тариқат олишувлари ҳам қулоч ёзган. Булар ҳам етмаганидек, олиму уламолар ўзаро масала талашибиган: баъзан якка ҳолда, кўпинча гурух-гурух бўлиб найзабозлик килинган.

Имом Газзолий ҳазратлари ислом оламининг фахру ифтихори макомига юксалиб, жаҳонга довруғ тараттан аллома. Бирок ул зотнинг ғоятда кескинлик ва муросасизлик билан Форобий ва Ибн Синони коралашларини англаш барибир кийин. Ҳудди шунингдек, Ибн Рушдинг Газзолий танқидига каратилган сўзларидан таажжубланмасликнинг хеч иложи йўқ. Фикр-карашлари дин, шариат, сиёсат “тарозу”сига тўғри келмай колган мутасаввиф, шоир, олимларни қуфр ва исёнда айблаш Шарқнинг айтиарли барча ўлкаларида бир урф тусини олган. Боязид Бистомий, Ибн Сино, Ибн Арабий, Насими... Булар каби юзлаб буюк сиймоларнинг исми шарифига “кофир” тамғаси босилган. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири инсониятнинг билимдон, хурфиксизли фарзандлари эди. Килич ва милтикка кўлни курол ўларок карши кўтариб бўлмаганидек, жаҳолат, гумрохлик ва ёвузлик бало-қазоларини факат илм ё маърифат билан енгмоқ душвордир. Ҳайвон гулшанни босиб, янчиб топтагани сингари илмезлик, нодонлик ирфон бўстонини пайхон этади. Ахмад Яссавий бежиз: “*Нодонлардан қочиб ер остига кирдим мано*”, демаган. Ёмонлик ва жаҳолатга карши туришда Абдураҳмён Жомий нисбатан ўзгача йўл танлаган. Аввало шуни кайд этмоқ жоизки, Жомий бирор тўғрисида ноҳақ сўз айтмаган, душманлик, хусумат кайфиятини кўнглига йўллатмаган. Боз устига, юкорида эслатилганидек, ганимлик, адоват ўчоги бўлмиш амалдорлик мухитига умуман кадам қўймаган. Аслида бундай одамда душман ва

дushmanlik бўлмаслиги керак. Эл-юрт тақдирига қуйинган, дину диёнат, илму маърифат деган ҳар бир киши у шоҳми, гадоми, олим ё ижодкорми – барча-барчаси Жомий қаршисида таъзимга бош эгган. Ва буни ўзи учун зўр шараф билган. Жомий оддий, беғараз, самимий, меҳнаткаш ва иқтидорли одамларни кўнглига нечоглик якин олса, ҳирсу ҳавога қул мансабдор, онг ва идроки қуриб-қақшаган диндор, риёкор сўфий, талантсиз, бироқ ашаддий худбин ва шуҳратпаст шоиru уламолардан ўзии ўшанча йирок тутарди. Навоий учун Жомийни, Жомий учун Навоийни ёмон қўриб, гоҳ ошкора, гоҳ пинхона иғво, фитна, тухмат тўқийдиганлар эса қанчадан-канча эди. Улардан баъзиларининг “табарруқ” номлари ҳатто ихчам шаклдаги шеърларда ҳам очиқ тилга олинган. Эски баёзлардан бирига киритилган мана бу рубоийни ўқинг:

*Коҳио Ғизолӣ он ду лояъқили маст,
Дар гайбати Жомию Навоӣ зада даст,*

*Дар даҳр қасе ба мисли эшон нагузашт,
Коҳӣ, чу ҳас асту ҳам Ғизолӣ чу саг аст.*

Мазмуни: Коҳио Ғизолий Жомий ва Навоийга ғайбат кўлинни чўзган икки ақлсиз мастдир. Дунёда уларга ўхшайдиган бирор кимса ўтган эмас. Коҳий бамисоли бир ҳас бўлса, Ғизолий бир итдир. Навоий ва Жомийга тиш қайраган, ташланишга қулай вазият пойлайдиган бундай кимсалар шоир, олим, давлат одамлари орасида оз эмасди.

Жомий Самарқанддалиги пайтида бир неча уламолар уни коғир деб эълон қилиш талабини ўртага ташлашган. Асарларидаги баъзи тушунчаларни илиб олиб, Жомийни кимларидир шиа мазҳабига ён беришда, шиалик вакиллари уни ўз мазҳабарининг душмани дея танитишга уринишган. Лекин Жомийнинг панжасига панжа уриш, Жомийни таслим айлаш – бу ҳазилакам иш бўлмаган. Иғво ташаббускорларига шоирнинг шеърий жавоби мана бундай эди:

*Эй мугбачаси даҳр, бидеҳ жоми маъм,
Комад зи низои шиаву сунӣ қаям.*

*Гуянд, ки Жомиё, чи мазҳаб дори?
Сад шукр, ки саги суннию ҳари шиа наъм.*

Мазмуни: Эй даҳр мугбачаси, жоми майимни узатгили. Шиаву сунний жанҷалидан безор бўлдим. Агар “Жомий, сен қайси мазҳабдасан?” деб сўрасалар, айтурман: “Юз шукрки, сунний ити, шианинг эшаги эмасман”.

Шоир 1472 йилда Ҳижозга сафар килганида “Сисилият уз-захаб” достонидаги баъзи байтларни дастак килиб, Бағдоддаги муҳташам бир мадрасада ўтказилган йигинда уни савол-сўрокка тутадилар. Бирок ҳеч нима натижага эришолмайдилар. “Ногаҳон мени рафзга (шиага) нисбат бермасинлар дея Ҳурносон суннийларидан кўркардим. Лекин Бағдодда равофизнинг жафосига йўликишни каёндан билибмиз”, деган экан ўшандаги Жомий. Лекин бундан-да қабиҳ ва даҳшатли ҳодисалар бўлиши мавлононинг тушига ҳам кирмагандир.

Жомий 1492 йил ноябрь ойида 78 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Бундай улуғ ва бетимсол зотларнинг вафоти – ҳаётдаги энг оғир айрилик, улкан йўқотишдир. Жомий сингари шахсларнинг қабрига жасад билан бирга бошқа ҳеч качон топиб, ҳеч вақт қайтариб бўлмас маъно ва тафаккур маҳзани ҳам дағи этилади. Уларнинг ҳаётдаги ўрни ҳам, маънавий мавкеи ҳам ўлган қунидан бошлаб гоятда аник билинади. Чунки улар етган тафаккур юксаклигига ўзга бирор етолмайди, улар килган ишни айни тарзда бошка бирор эплолмайди. Ҳирот-Ҳирот бўлиб Жомийниридай буюк хижрон маъракасини кам кўрган бўлса керак. Алишер Навоийнинг ёзишича, Ҳурносон Ҳирот ахли бутун йил мобайнida мотам тутади. Сўнг йил оши берилади. Бу маъракага ҳам Ҳусайн Бойқаро бош бўлиб, уни эъзозу эҳтиром ила ўтказади. Қабр бошида ҳашаматли мақбара курилиб, маҳсус ҳодимлар тайинланади. 1510 йил Исмоил

Сафавий кўшинлари Ҳиротта бостириб киришади. Босқин нишонларидан бири Ҳазрати Жомий қабри эди.

“Исмоил Сафавийнинг улуғ шоир Мавлоно Абдураҳмон Жомийга нисбатан кўрсатган бехурматлигини, – деб ёзади академик шоир Ғафур Ғулом, – адабиёт тарихи ҳали ҳам унутмайди... Шоҳ Исмоил: “Агар Ҳирот менинг кўлимга кирса, Жомийни тириклийн тутолсам, ўтда куйдирман, ўлган бўлса гўридан чикариб, устухонларини куйдирман”, – деган эди. Исмоилнинг бу қасамидан ҳиротликлар хабардор эди. Сафавий Ҳиротни эгалламасдан бурун Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф бошлиқ бир неча муҳлислари Жомийни ва устози Саъдиддин Кошғарийнинг сўнгакларини гўрдан қазиб чикариб, душман қўли етмайдиган холироқ бир жойга элтиб, яширинча, вактинча кўмган әдилар”.

Жасад топилмаса ҳам шоир мақбарасига барибир ўт кўйилганди. Бу воқеага шохид Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Сафавий аскарлари бошчилигидаги қарийб ўн минг киши мозор томон юришади. Ўша атрофдан канча тахта, эшик, курси, ўтин топған бўлсалар, барини Жомий қабри устига ташлаб, сўнг ёқиб юборадилар. Бу ваҳшийликни изоҳлашга ҳожат йўқ, албатта. Бироқ бир қатор оғрикли саволларга жавоб топгинг келади. Бу дунёда ўзи қандай яшаш керак? Нега буюк Шахсларнинг қисмати кулфат, ғам-ғусса билан лиммо-лим тўла? Одам Атодан бошлаб пайғамбарлар ва дин улуғларининг бешларига келган фалокатларни хотирланг: Ҳазрати Одам жаннат неъматларидан маҳрум этилган; Иброҳим Халилуллоҳга ўғлининг бошини кесиш амр қилинган; Яъқуб алайҳиссалом ўғлидан ажралиб аччиқ-аччиқ кўз ёш тўккан; Ҳазрати Юсуф қудук ичидан балоларга гирифтор бўлган; Муаммад алайҳиссаломнинг оёқлари Тоифда қонга беланиб, Уҳуд куни тишлари синдирилган; Абу Бакр заҳарлаб ўлдирилган; Умар шаҳид этилган; Қуръони каримни жамлаган Усмон толеи ҳам шундай бўлган; Ҳазрати Али килич зарбидан ўлган; Ҳасан заҳарланиб, Ҳусайннинг боши кесилган... Нечун бундай? Оллюҳ ҳакиқатда ҳам севган бандаларига қайғу ва жафони раво кўрадими? Мутасаввифларга кўра, “Оллюҳ сўнгсиз лутф соҳиби

бўлганлиги боис, ёмонлик ундан эмас, ашёдан юзага келади. Иноят Оллохнинг инсонларни ёмонликдан муҳофаза этишдаги лутфидир. Бизни яхшилик ва мукамалликка йўналтирадиган – бу ёмонликнинг мувжудлиги”.

Мавлоно Жалолиддин Румий муаммони янада ойдинлаштириб, бутун масъулиятни инсон зиммасига юклайди:

*Оlam az mo ҳаст шуд н-е мо az ў
Бода az mo маст шуд и-е мо az ў.*

Мазмуни: Олам биздан пайдо бўлди, биз ундан эмас. Бода биздан маст бўлди, биз ундан эмас.

Дарҳакиат, инсон хар нарса учун ўлчов ва мезондир: у ўзгартиради, таҳлил қиласи, ҳукм юритади, ҳакамлик этади, нигоҳдан ўтказади, муҳофаза айлади. Бир-бировини эъзозлаб, мадҳ килган ҳам удир, таҳқирлаб, қийнаган ҳам у. Ранг, оҳанг, шодлик, таназзул ва тараққиёт, фикр ва хаёл, умид ва умидсизлик – ҳаммаси инсон олами. Инсон маъно ва моҳиятдир. Жомий ижодиётида ранг-баранг шаклларда теран ёритилган бош хақиқат ҳам худди шу.

*Пайи он рав, ки орифи маънист,
Марди ориф ба дўстӣ автист.*

Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижодиёти дунёнинг қатор мамлакатларида кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, асарларидан намуналар ғарб ва шаркнинг турли тилларига таржима қилинган. Жомийшунослик айниқса XX асрда Россия, Эрон, Тоҷикистон, Озарбойжонда анча тараққий топган. Бу ўринда Е.Э.Бертельс, А.Ҳикмат, А.Мирзаев, А.Насрилдинов, А.Афсаҳзод, М.Ражабов, А.Сатторов, А.Гулиев каби рус, эрон, тоҷик ва озар олимларининг тадқикотларини эслатиб ўтиш мумкин. Жомийшунослик бўйича Ўзбекистонда ҳам бир канча хайрли ишлар амалга оширилган. Абдураҳмон Жомий ижодиёти муҳиблари таникли олимлар П.Шамсиев, Ш.Шомуҳамедов.

А.Хайитметов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов, С.Ғаниева, Ҳ.Ҳомидий ва бошқаларнинг мақола, рисолаларидан, шунингдек, атоҳида илмий тўпламлардан яхши хабардордирлар, деб ўйлаймиз. Ўзбек китобхони неча ўн йиллардан буён Жомий адабий меросидан сараланган лирик шеърлар, айрим достон (баъзилари парча ҳолида) ва насрый асарларни она тилида ўкишга муваффақ бўлишган.

Ҳазрат Жомийнинг маъно дуру гавҳарлари билан тўлибтошган ижод ҳазинаси бизга нечоғлик қадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромлидир. Бу – ҳалклар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёкараши – дунёкарашига, шахсияти – шахсиятига, маслаги – маслагига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик касб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифида, Жомий Навоий мадхида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иклимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуғ истеъод, мислсиз бадиий ихтиrolарни шарафлаётганга ўхшайди. Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга қалб яқинлиги, меҳр-мухаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, дахл этмасдан уларни худди ўшаңдок ўрганиш, бир ёклама, майда ёки ҳавоий фикр-карашлардан кутулиб, ҳакиқатни сўзлаш лозим. Жомий ижодиётини ўқиб-ўрганмай, Навоий шаънига мадхия тўкиш тарихий, ҳаётий, бадиий ҳакиқатга қанчалик зид бўлса, Навоий дахосининг куч-кувватини хис қилмай, ижодиётининг моҳият оламига кириб бормай Жомийнинг Навоийга таъсири хусусида мубоҳаса бошлиш шунчалик бемаънилиkdir. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий Жомийга, Жомий Навоийга бехад яқин – шахсиятда ҳам, ижодиётда ҳам. Бунга икрор бўлиш учун фаҳм-фаросати жойида кишига биргина китоб – “Ҳамсат ул-мутаҳайирин”ни ўқиб, мағзини англашга эришмоқ кифоя.

Илм-маърифатли ҳалқ кимни севиш, кимларга ишониш, нимани ардоклаш, нимага интилишни билишда унчалик хато

қилмайди. Абдураҳмон Жомийнинг илмий-адабий мероси қадим-қадимдан ўзбек халкини кизиктирган, ўқиб-ўрганишга иштиёқ уйғотиб келган. Ўн бешинчи ва ундан кейинги асрларда адабиётда ном қозонган бирор бир шоиримиз йўқки. Жомий шеърият мактабидан сабок олмаган бўлсин. Бу – тўхтаб колмайдиган жараён ва маҳдудлик, якравлиқдан ҳамиша ғолиб чиқадиган куввати баланд интилиш.

НАВОИЙ ВА БОБУР

Алишер Навоий ўзбек адабиётида янги ва юксак бир давр яратди. Бу ўз моҳияти ва миқёсига кўра шундай бир кўлами кенг давр эдики, унда ўзбек адабиётининг XV асрларгача бўлган ижодий тажрибалари зўр муваффакият билан ҳам умумлаштирилди, ҳам унинг тараккиёт йўллари белгилаб берилди. Навоий ижодиёти инсоният маънавий оламидаги буюк ҳодисалардан. Навоийдан сўнг яшаб ижод қилган ўзбек санъаткорларининг айтарли ҳаммасида Навоий ижодиётининг маълум бир жиҳатлари ўзига хос шаклларда акс этди. Бошқача килиб айтилганда, деярли ҳар бир ўзбек ижодкорига Навоийдан нималардир ўтган ёки уларнинг бадиий меросида улуғ шоир дахосидан нимадир яшайди. Хуллас, бутун коинот кўёш таъсиридан четда қолмаганидек, ижодда Навоий таъсири ўтмаган ўзбек қаламкаши ҳам йўқ.

Бобур бадиий ижод ишларини бошлаганида Навоий ҳали ҳаёт. охириги асарлари устида меҳнат қилмоқда эди. “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, – дейди Бобур, – Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафрика ва ғавғо бўлди”.

Демак, “Навоий ўз умрининг сўнгги йилида ғойибона равишда Бобурни эшитиб, унга қизикади ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлайди. Ўн тўккиз яшар фарғоналик ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узок Ҳиротдан кўра олган Навоий ҳамма гениал шоирларга ўхшаб ундаги ҳакиқий талантни илғаган бўлса, эҳтимол.

Албатта, Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур килиш кийин”, деган эди Максуд Шайхзода. Бобур ўз мемуарида Навоий ҳакида шуларни ёзиб қолдирган эди: “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши Ҳамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлик. Тўрт ғазалиёт девони тартиб

қилибтур: “Фаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадойи ул-васат”, “Фавоид ул-кибар” отлик. Яхши рубоиёти хам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким. мазкур бўлғонларка бοқа пастрок, ва сустрок вокиъ бўлубтур. Ул жумладин иншоларини мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақдид килиб жамъ қилибтур. Ҳосили қалом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштурубтур...

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...”

Бобур бутун умри ва ижоди давомида Навоийнинг халқ, ватан, инсон меҳру муҳаббатини тарғиб этувчи улуғ ва ибратли мактабидан таълим олди. Мана шунинг учун ҳам, атоқли адабимиз Ойбек сўзлари билан айтганда, Бобур поэзияси Навоий поэзияси қуёши нурларида барқ уриб ривожланган эди.

Бобур учун Навоий “назири йўқ” устод эди. У бошқа шоири ёзувчилардан кўра Навоийга ортиқроқ, мунтазамроқ эргашди, унинг “туркий тил била” айтилган кўп ва ҳуб ижодиётини шеъриятдаги биринчи ва доимий мактаби деб билди. Бобур истеъодининг такланиш босқичларидан бошлиб Навоий шеърияти билан мунтазам равишда машғул бўлган. Бу ҳақда куйидаги факт ҳам маълум бир тасаввур бериши шубҳасиз. Бобур ёзади: “Одина куни ойнинг йигирма учида (1519 йил) Алишербекнинг тўрт девонидин бухур, авзон тартиби била ғазаллар ва ғбётким, интихоб қилилодур эди итмоимиға етди”. Бобур Навоийдан аввало, ҳаётга, инсонга эътиқодни, юксак ва сўлмас туйғу ҳамда ғояларга содикликни ўрганди; умумисоний масалаларни давр ва тарих воқеа-ҳодисалари билан мустаҳкам алоқада бадиий тадқиқ этиш сирларини ўзлаштириди.

Бобурнинг инсон маънавий камолотига жиддий эътибор бериши ва бу масалани рух, муҳаббат, илм, халқ, ватан ишқи кабилар билан ички алоқада бадиий тадқиқ этиши мутлақо мустаҳкам заминдан келиб чиқкандир. Шунинг учун ҳам асосий моментларда Бобур шеъриятининг лирик қаҳрамони бир шоир, файласуф, ҳаётсевар сифатида Навоий лирик қаҳрамонига маслақдош, унинг ижтимоий, ахлоқий ва

фалсафий идеяларининг давомчиси ҳамда ривожлантирувчи-
сидир. Бу ерда ўз-ўзидан бир савол туғилади. Ҳўш, Бобур
Навоий ижодиётининг қайси кирраларини дикқат билан
ўрганди? Қайси бир жиҳатларини кўпроқ ўзлаштириди? Бу
саволга лўнда килиб шундай жавоб берса бўлади: Бобур
Навоидан биринчи навбатда бадиятни, шеъриятда мазмунни
маҳорат билан ифодалаш сирларини ўрганди. Шеърни қалб
ва рух ойнаси даражасига етказиши малакасини ўзлаштириди.

Навоий шеърияти ўзбек адабиётининг юкори чўккиси
хисобланади. Навоий ўз поэзиясида Шарқ адабиётининг
илғор қисмига хос бўлган эстетик нормаларни ижодий
равища ўзлаштириб, айни бир пайтда уларни янгиликлар
билан бойитди. Навоий лирикасида илгари поэзияда деярли
кўлланилмаган ёки кам истифода этилган образ, санъат,
бадиий усул ва воситалар тез-тез учрайди. Ҳатто буларнинг
баъзилари ҳакида улуғ шоирнинг ўзи ҳам асарларида
маълумотлар бериб ўтган.

“Навоий газалининг асосий ва биринчи хислати, – деб
эътироф қилган эди Мақсад Шайхзода, – мантиқий тарзда
тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан туғилиб
келишидир. Бу жуда муҳим хислатdir. Чунки кўп газалнавис
шоирларда шеър гўзал ва алоҳида байтлардан иборат бўлиб,
механик равища тузилгани учун ундаги байтлар олдинма-
кейин килиб алмаштирилса, ўқиган киши бу ўзгаришнинг
фаркига етмаслиги ҳам мумкин... Навоийда биз бошқа бир
хусусиятни кўрамиз. Фикрий муддаонинг бутунлиги,
тасвирда факат субъектив ҳисларнинг жилвасини эмас,
объектив ҳаётий воеаларнинг силсиласини кўзда тутиш,
Навоидан энг кичик лирик шеърларини ҳам мантиқий иплар
билан боғлашни талаб қиласди. Бунинг натижасида ғазалда
бутунлик, байтларнинг бир-бирига тасодифий эмас, мантиқий
муносабатлар билан боғланганини кўрамиз”¹.

Мўъжаз бир ғазалда яхлит бадиий лавҳани юзага
келтириб, ундаги байтларни бошдан-охир ягона гоявий
максад талабларига мувофиқ шаклда тизиш – у, ҳеч

¹ Шайхзода М. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳакида. Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959. – Б. 241

шубҳасиз, шоирдан малака ва маҳоратни талаб қилади. Бобур ўзбек шоирлари орасида биринчилардан бўлиб Навоийга хос бу хусусиятни теран фаҳм этди ва ўзи ҳам устоз йўлидан боришга дадил интилди. Бобурнинг арузга оид рисоласида ушбу масалага оид характерли мавъумотлар бор. У Навоий газалларидағи фикрий яхлитликни бир неча бор кайд этган. Бир ўринда эса Навоийнинг шундай газалларидан биттаси келтирилиб, унга “Бошдин-оёқ бу газалда бир ҳикоя манзум бўлубтур”, деб изоҳ ҳам берган.

Умуман олганда, шеърда ғоявий бутунликка эришишни Бобур бадиийликнинг асосий шартларидан бири деб билган. Бу жиҳатдан у Навоийга муносаб издош. Шунинг учун унинг газалиётидагина эмас, рубоий, китъа, туюклари орасида ҳам мантиқий изчилликдан маҳрум пароканда оҳангларда битилган шеърлар учрайвермайди.

“Бобур рубоийлари. – деган эди Ойбек, – унинг поэзиясининг чўққисидир... Умар Хайёмнинг рубоийлари каби унинг рубоийлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукаммал...” Бобур рубоийлари Шарқ рубоийчилигидаги янги бир саҳифа эди. Лекин у бу вазифани ҳам аввало Навоийдан пухта ўрганиб, унинг ҳомийлигига амалга ошириди.

Алишер Навоий губоийларидан бирида ғариблик туйғусини мана бу шаклда ифода этган:

*Мунглуг бошим остидағи тошимніму дей?
Тош устидағи ғаріб бошимніму дей?
Ҳасрат сүйидат кўзимда ёшиминиу дей?
Ўлмакдин саъброқ миошимніму дей?*

Бобур Навоийнинг мазкур рубоийсига пайравлик қилади ва ёзади:

*Ғурбат туғи ёпқон руҳи зардимніму дей?
Ё ҳажер чикорғон оҳу сардимніму дей?
Ҳолинг не дурур, билурмисен дардимни.
Ҳолинг сўрайму, йуқса дардимніму дей?*

Биринчи рубоийда поэтик фикр савол-мурожаат усулида баён қилинган. Бу эса лирик қаҳрамон қалбидаги изтиробни янада қабартириб кўрсатади. Мақсаднинг худди шу шаклда тасвиrlаниши Навоийнинг асосий муддаосига мос эди. Бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам муҳим. Рубоийда маънога мувофиқ ёник эҳтирос бор. Шу билан бир қаторда, сўз билан чизилган манзара ҳам бор. Тош устидаги мунгли бош; ҳасрат суйидин ёшланган кўзлар; ёлғизлик ва кимсасизлик азобларидан заифлашган вужуд. Бу чизгилар уйғун ҳолда ўқувчи кўз ўнгида яхлит ва жонли бир сувратни пайдо қиласди. Хуллас, Навоий тўрт сатрли бир шеърда инсоннинг ички кечинмаларини очади, маънавий-рухий ҳолатини акс эттиради, ҳам моҳир рассом назари билан унинг ташки қиёфасини кўрсатади. Гап шундаки, Бобур яратган тўртлик ҳам ўзига хос ички рухи, маъно товланиши жиҳатидан мутлақо оригинал шеър даражасига етказилган. Бобур Навоий рубоийларидан илхомланиб қатор-қатор тўртликлар яратган. Аммо бирор вақт ҳам ижодийликдан чекинмаган. Шунинг учун бўлса керак, у кўпинча гўё устози билан шеърий мусобакага киришганга ўҳшайди, гўё Навоий яратган оҳангларга қараб соз пардаларини мослагандай бўлади. Масалан, қуидаги рубоийлар Навоий қаламига мансуб:

*Юз меҳнату гам қўнглума етқурди фироқ,
Жонимга балову дард ўқин урди фироқ,
Жисмимни фано ўтига куйдирди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.*

Мана бу рубоийни эса Бобур ёзган:

*Андин бериким қасдим учук турди фироқ.
Юз дарду аламни манга етқурди фироқ.
Мени эшигингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.*

Бу рубойилар айрилик хакида. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўз ёшлари билан битилган кайғули фирокномалардир. Бобурнинг хижрон ҳис-туйғулари дарж этилган шеърлари кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири унинг «фирок» радифли рубоийсига ўхшамайди. Чунки бу рубоий бевосита Навоий таъсирида ёзилган. Бу гап ҳам мазмунга, ҳам шаклга тегишли. Навоий фикр ифодасида қандай йўл тутган бўлса, Бобур ҳам шу йўлдан боради. Навоий рубоийда радиф сифатида “фирок” сўзини кўллаган. Натижада, шеърда якоҳанглик вужудга келтирилган; фикрнинг мантикан тадрижий давом топиши таъминланган. Бундан ташкари, радиф рубоий композициясининг марказий нуктасига айлантирилган. Шунинг учун тўртликдан мабодо “фирок” сўзи туширилиб қолдирилса, у ўзининг бор мазмунидан бутунлай маҳрум бўлади ва шаклга қаттиқ шикаст етади. Айнан шундай гапларни Бобур рубоийси хакида ҳам айтиш мумкин. Навоий рубоийнинг биринчи сатрида “еткурди” сўзини кофияда кўллади. Бобур бу сўздан иккинчи мисра кофиясида фойдаланади. Ҳатто биринчи тўртликдаги сатрлардан бири кейингисида кариёб айнан такрорланиб қолади. Навоий “Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фирок” деса, Бобур “Юз дарду аламни менга еткурди фирок”, дейди. Шак-шубҳа йўқки, мазкур рубоийлардан бирининг юзага келишида иккинчи бири ғоявий-бадиий жиҳатдан сезиларни роль бажарган. Шунга қарамасдан, уларнинг ҳар бири ўзича мустакил ва гўзал асарлардир. Навоий куйлаган фирмок, мазмун моҳияти билан кўпроқ анъанавий характерга эга. Бобур уни ватан туйғуси билан боғлаган.

Рус адаби К.Паустовскийнинг шундай гапи бор: “Деярли ҳар бир санъаткорнинг ўз илҳомчиси, яхши даҳоси бордирки, у ҳам оддий қаламкашdir. Ана шу илҳомчининг китобидан ақалли бир неча сатр ўқилса, бас, одам кўлига қалам олгиси келиб қолади...”¹ Бобурнинг илҳомчиси бўлган ана шундай даҳо Алишер Навоий эди. У Навоий рубоийлари таъсирида кўлига қайта-қайта қалам олган.

¹ Паустовский К. Олтин гул. Езувчи меҳнати хакида ўйлар. – Ташкент. 1967. - Б. 138.

*Андит бериким, қошимда ёрим иўқтур,
Хижеронида жуз нолаи зорим иўқтур.
Дашт узра қуюн каби қарорим иўқтур.
Саргаштаигимда ихтиёrim иўқтур.*

Энди Бобур ёзади:

*Кўпдит бериким ёру диёrim иўқтур.
Бир лаҳзау бир нафас қарорим иўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёrim бирла,
Лекин борушимда ихтиёrim иўқтур.*

Бу рубоийларда тасвир усули ўхшаш. Вазн, радиф бир хил. Навоий шеърда хижрон дарди билан жони ўртанган саргашта ошиқнинг қалб ҳасратини поэтиклиштирган. Бобур рубоийсининг гоявий негизида ҳам айрилик, хижрон туйгуси ётади. Бирок унда ижтимоий ранг қуюк, яъни ёр билан баробар диёр кайгуси ҳам асосий планда талқин этилган.

Классик поэтикада нидо деган санъат бор. Агар шоир ўзининг субъектив фикру туйғуларини инсонга, табиатдаги бирор нарса ёхуд предметга мурожаат қилиш йўли билан ифода этса, ўша нидо санъатини амалда кўллаган бўлади. Навоий бу санъатдаги рубоийларида кўп ва ҳар гал маҳорат билан фойдаланган. Масалан, шоир баъзи шеърларида ўз кечинмаларини “боди сабо”, “ел”, “субҳ”, “кўнгул” кабиларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш орқали тасвиirlab беради.

*Эй боди сабо, айласанг ул сори гузар,
Жон бирла кўнгумни топиурай, олгач бор.
Кўнгумни итига туъма қилгил зинҳор,
Жонимни доғи аёгига айла нисор.*

Навоийнинг бу рубоийси ишқий мазмунга эга. Унда вафодор ошиқнинг садоқат ҳислари тасвиirlанган. Лирик қаҳрамоннинг кўнгул орзулатини “боди сабо”га қаратса баён этиши, унинг руҳий ҳолатидаги интизорлик ҳисларини чукурлаштирган. Энди мана бу рубоийга эътибор беринг:

*Эй боди сабо, айла Хурносонга гузар.
Мендин дегил ул ёри паришонга хабар.
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилгайсан,
Энди бизнинг учун айла бу ёнга сафар.*

Бобур бу шеърни ёзишда, биринчидан, устозининг тўртлигига қўлланилган бадий санъатга асосланади ва у ҳам фикрни “Эй боди сабо” деган хитоб сўзлари билан бошлайди. Иккинчидан, Навоийнинг “Эй боди сабо, айласанг ул сори гузар” деган гапини аниклаштириб, ғоявий мақсадига мослаб “Эй боди сабо, айла Хурносонга гузар” шаклида тақорлайди. Кўринадики, Навоий анъанавий мазмунларни талқин этишда фойдаланган бадий санъат ва тасвир воситаларидан Бобур ҳаётий реал кечинмалар тасвири учун истифода этади.

“Оҳанг – бу тупроғ таркибида яширган олтин. Тупроғидан олтинни ажратиб олайликда, қолган кераксиз нарсаларни улоктирайлик”, деб ёзади америка шоирларидан бири. Агар шеърда маънога мувоғик оҳанг бўлмаса. “Шеър – ночор, шоирнинг эса ҳоли танг”дир (Буало). Классик шоирларимиз назира усулида ижод киlgанларида иккинчи бир шоир шеърининг шакл ва мазмунига ўхшатма килиш билан бир каторда унинг оҳанг йўналиши ва қўламини янада мукаммаллаштириш учун жиiddий уринганлар.

Алишер Навоий қайси мавзуда рубоий ёзмасин, албатта, унинг ўзига хос ва бетакрор оҳангини топган. Бошқача килиб айтганда, шоир рубоийларида мазмун ва оҳанг ягона тўлқинда оқиб, оҳанг фикрга, фикр оҳангга куч бағишлиади. Кузатишлардан шу нарса маълумки, Навоий рубоийларидаги афсунли оҳанглар Бобур қалбида акс-садо уйғотган.

“Намози пешин Ограга тушулди, – деб ҳикоя қиласи “Бобурнома” муаллифи. – Якшанба куни мухаррам ойининг ўн олтисида исигтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортди. Доруий кор ичдим. Охир басит ярашти, уйкусизлик ва ташналиғдин бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт рубоий айтилди. Ул жумладин бири будур:

*Жисимда иситма қунда маңкам бұладур.
Күздин учадур уйқу чу охшом бұладур.
Хар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон саии бу ортадур, ул кам бұладур".*

Бизнингча, бу шеърнинг айнан шундай охандың өзага келишида Навоийнинг мана бу рубоийсидаги охангнинг таъсири бўлган.

*Хар лаҳза күнегул ғамингда маҳзун бұладур.
Маҳзунлиги лаҳза-лаҳза афзун бұладур.
Савдо анга юз ончаки. Мажнун бұладур.
Юз мунча десам ҳам не ажаб чун бұладур.*

"Ҳақиқий санъаткор..., – деб ёзди Э.Хемингуэй, – мазкур соҳада ундан олдин нимаики қашф қилингандар бўлса, нимагаки эришилган бўлса, ҳаммасини ўзлаштиради ва ўзига керагини нокерагидан шундай тезлик билан ажратиб саралайдики, гўё у туғилишдаёк барча билимлар билан куролланиб, доно бўлиб туғилгандек кўринади, чунки оддий одам умр бўйи уриниб эгаллайдиган доноликларни ҳақиқий истеъдод гоҳо кўз очиб юмгунча тез эгаллайди...". Бобур дид даражаси, истеъодининг куч ва имкониятлари жиҳатидан ана шундай санъаткорлар тоифасига киради. У форс-тожик шеъриятидаги бадиий қашфиётларни ҳам, миллий адабиёт тажрибаларининг сир-асрорларини ҳам ўзига хос бир донолик билан жуда тез ўзлаштириб олди.

Бобур Навоийга муносиб шогирд. У бадиий ижоднинг ҳал қилувчи жиҳати – шакл ва мазмун маҳоратида Навоийга изчил эргашади. Бобур Навоий мактабининг истеъододли улуғ бир вакили сифатида адабиётимиз тарихида катта вазифаларни амалга оширди. Бу жиҳатдан унинг поэтик жанрлар такомили, хусусан, рубой жанри тараққиётидаги хизматларини алоҳида қайд қилиш керак. Хуллас, шеъриятда Бобур эришган ғоявий-бадиий ютукларнинг катта қисми буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий поэзияси, унинг ўлмас номи билан боғлангандир.

АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ИЛХОМ САМАРАЛАРИ

Туркий адабиёттинг улуг ва бекиёс санъатхонаси, ҳеч шубҳасиз, Алишер Навоий шеъриятидир. Туркийзабон халклар адабиётида Навоийгача ҳам, ундан кейин ҳам бундай илхомбахш ижод «марказ»и бўлмаган. Айнан Навоий ижодиётида юрт ва миллат, дин ва сиёсат, маърифат ва гўзаллик маъно-моҳиятини адабиёт илк маротаба ўзаро уйғунилиқда идрок айлаб, уларни бир-биридан таъсирли шаклларда ифодалашга эришган эди. Навоий шеърни фикр одамининг кўнгиги водийсига олиб кирди. Хуллас. мутафаккир шоир бадиий ижодда ҳали эътибор каратилмаган янги-янги мавзу ва туйну «эшик»ларини ҳам кенг очиб, шеърияттинг Ҳаёл, Тасаввур, Тафаккур уфқларини беҳад кенгайтириб юборди.

Алишер Навоийнинг бутун туркий адабиётдаги энг буюк шоир эканлиги ва барча туркий халклар адабиётига катта таъсир кўрсатганилиги машҳур шарқшунослар Э.Гибб, Э.Браун, сўнг Ф.Кўпрули томонидан илтари сурилган. Ф.Кўпрули бу ҳакда «XV асрнинг ўзидаёқ “Навоийнинг асарлари турк дунёсининг ҳар томонида – Онадўли ва Рум элида, Хуросон ва Ирокда. Крим ва Волга бўйларида, шунингдек, туркманлар орасида, ҳатто, Ҳиндистондаги турк саройларида ҳам севиб ўқилган»¹, деб ёзган эди. Мана шу минтақаларда Навоий ижодидан илхомланиб асарлар ёзган шоир, адаб, олимларнинг номлари ва ижод намуналари бирма-бир саналса, шунинг ўзиёқ бир неча жилд китоб бўлиши мукаррапдир. Тўғри, XVI асрдан сўнг туркий қавмлар яшайдиган айрим ўлкаларда жумладан. Онадўлида навоийхонлик олдингига нисбатан бирмунча сусайган. Адабиётшунос олим М.Чавушўғлиниң таъкидлашича, бу ҳолатдан ажабланмаслик керак. Чунки форсий адабиётда «сабки ҳиндий», яъни ҳинд услуби шаклланар-шаклланмас, XVI аср ўрталаридан эътиборан у буюк шоирларни камолта етказган. Аинча кейинрок эса Нишотий, Наимий деган усмонли шоирлари ҳам ҳинд услубида шеърлар ёзиб, донг

¹ Ф.Кўпрули. Алишер Навоий. Негизибод. 1941. 5-б.

таратишиган. Шундан сўнг Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий каби мумтоз шоирлар ўрнини Урфий, Соиб, Мухташам, Мирзо Бедилдай шоирлар эгаллашган. Оқибатда мумтоз услуб вакиллари бўлмиш Хўжандий, Жомийлар қатори Навоий шеърияти ҳам маълум бир вакт иккинчи планга тушган¹. Бироқ «Навоий тили», «Навоий услуби»да шеър ёзиш анъанаси усмонли диёрида ҳеч тўхтаб қолмаган. Зоро, бундай бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг маълумот ва хуносалари бўйича Онадўлида Навоий дастлабки девонлари қўлма-қўл ўқилган пайтлариданок танилган ва усмонли давлатининг кўзга кўринган айрим арбоб ҳамда ижодкорлари билан ҳат ёзишиб турган. Бу ўринда Султон Фотих Муҳаммадхон саройидаги Маҳмуд Пошо, Синон Пошо, Караманли Низомий деган шоирларнинг номларини эслатиб ўтиш жоиздир. Аҳмад Пошо назираларидан руҳланган турк шоирлари орасида Навоий шеърларига ҳавас янада қўламлашиб кетган. Онадўли ҳалқи билан Ўрта Осиё турклари орасидаги ўзаро яқин алоқа ва хабарлашувлар Султон Фотих Муҳаммад замонида бошланиб, унинг ўғли Султон Боязид II томонидан давом эттирилган. Онадўлида Навоий ғазалларига боғланган илк намуналари назиралар XV асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Уларнинг дастлабки намуналари эса Самарқандда туғилиб ўсиб, сўнг Хиротда яшаган ҳамда тақдир тақозоси билан Рум диёрига бориб колган, «Қутадгу билиг»ни уйғур ҳарфлари билан қўчирган котиб Шайхзода Абдураззок бахши томонидан ёзилган. Усмонли турк олимаси Ойшагул Сартқоянинг маълумотига кўра, Абдураззоқ бахши Навоийнинг «Ғаройиб ус-сигар» девонидаги:

*Сени кўргач дер эдим, бир меҳрибоним бор эмиши,
Оллоҳ-Оллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиши*

матлаъи билан бошланадиган ғазалига бир эмас, икки назира ёзган экан. Навоийнинг юкоридаги ғазали етти

¹ М Чавушёғли. Конуний даврининг охирига кадар Навоийнинг Онадўлидаги таъсири ҳакида кайдлар. «Отсиз армугони». Истанбул, 1976.

байтдан таркиб топган. Абдураззок бахши ғазалнинг беш байтини танлаб олиб, қуидаги икки байтини негадир тушириб қолдирган:

*Жавҳари шиқин одурга ҳалқ махфий нақдидек,
Жон ичинда бир неча доди ниҳоним бор эмиш.*

*Юз гамим бор эрди муг кўйига киргач бўлди дафъ,
Ваҳки, мен гоғиз ажаб дорул-амоним бор эмиш*

Абдураззок бахшининг биринчи назираси:

*Ул париҳухум аниғ оғзи ажсоиб тор эмиш,
Кўрса минг зоҳид кўйиб лаъти лабига зор эмиш.*

деган сўзлар билан бошланиб, қуидаги фикр билан тугалланади:

*Бахши густоҳлик қилиб айди Навоийга жавоб,
Ул газалга бир жавоб айгу бу Румда бор эмиш.¹*

Ушбу назирада мазмунан Навоий ғазалига хар қалай яқинлик бор. Аммо иккинчи назира тўғрисида бундай деб бўлмайди. Абдураззок бахши маълум бир фурсат Султон Боязид II саройида котиблик вазифасида ишлаган. Ва иккинчи назирасида Навоий ғазалнинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб, уни шоҳ мадх этилган шеърга айлантирган:

*Подиоҳум даврида бир хуш замоним бор эмиш,
Барча ҳавғу ҳам ҳатардин кўп амоним бор эмиш.*

*Адчу инсофинг жови² борди Хитову то Ҳўтат,
Ҳамдудиллоҳум, шоҳимдек меҳрибоним бор эмиш.*

¹ Ойшагул Сарткоя. Самаркандлик Шайх зода Абдураззок бахшининг Алишер Навоийга Оналудида езган назирашари. Истанбул. 2001. 5-б.

² Овозаси.

*Чунки султони Боязиодхон олди Румнинг таҳтини,
Уибу давлат чун азалидан кендусига¹ ёр эмиши.*

*Ҳар адуким мункар ўлса, сүлтоним давлатига,
Бу муъайянким адунинг бўйни ишу дор эмиши.*

*Эътиқодлик қулларининг юзи Бахшидек қулар,
Эътиқодсиз юрган ўрни жаҳатнам нор эмиши.²*

Албатта, ўз қадрдон ватани, қариндош ва дўстларидан жуда йироқ, мусофирикда кун ўтказган одамнинг аҳволини тасаввур этиш мумкин. Ё моддий, ё маънавий муҳтоҷликда яшаб, мудом гариблик жафосини чекиш – бу мусофирик учун ёт ҳолат эмас. Абдураззок баҳши тақдирида ҳам буни кузатиш мумкин. Бир қасидасида у подшоҳи Румга отхонали ҳовли соҳиби бўлмоқ орзусини изҳор этган бўлса, бошка шеърида «Бегим, Ҳазратда Баҳшининг сўзи бор, Худо бўлсин ҳар ишда бегимга ёр. Бу қулнинг хотири от гўшти истар», дея қайсиdir бир амалдорга от гўшти, яъни кази ейишни соғинганини айтади. Саройга яқин ёки ҳукмдорлардан ҳиммат, марҳамат кутиб яшаган ҳар бир шоирда Абдураззок баҳшиникига ўхшаш майл ва истаклар бўлганки, бунга алоҳида тўхтатлиш ё изоҳнинг ҳам ҳожати йўқ. Изоҳга муҳтоҷи бошқа: Шарқдаги аксар шоирлар каби Абдураззок баҳшининг ҳам шеърни хушломад, манфаат, мадху сано воситасига айлантиришдан тортинмаганидир. Худди шу ўринда уни Навоийга издош дейиш тўғри эмас.

Усмонли адабиёти ва маданиятига Навоийнинг таъсири Ф.Кўпрули, А.Н.Тарлан, М.Чавушшўғли, К.Эраслан, У.Ф.Сартқоя, М.Эсон, Ж.Қурназ каби бир канча олимлар катори Юсуф Четиндоғ томонидан ҳам тадқик этилган.

Юсуф Четиндоғ тадқикотларида ҳазрат Навоий шахсияти, ижодиёти ва унинг XV–XVI аср усмонли шоирларига ўтказган таъсири тарихий, илмий, адабий

¹ Унга, ўзига.

² Кўрсатилган аср 4-б.

манбалар асосида ёритилган. Шу маънода олимнинг «Алишер Навоийнинг усмонли шеъриятига таъсири» (Анкара, 2006) номли китоби алоҳида ахамиятга моликдир. Унда назира ва назирачилик ҳамда Навоий газаллариға назира, татаббуъ ёки тахмис битган шоирлар хусусида сўз боради.

Юсуф Четиндоғ ёзишича, Навоийнинг Султон Боязид II номига юборилган 33 газали Басирий деган шоир томонидан олиб келинган бўлиши мумкин. Басирий ҳаётига оид манбалар унинг 1470 йилда Оқкуюнли ҳукмдори набираси Гўда Аҳмадбек билан сухбатдош бўлганлигини билдиради. У саёҳатни хушловчи киши бўлганлиги боис бир муддат Ҳиротта бориб 1487 йили Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий ва Алишер Навоийга хизмат қиласиди. Ҳатто 1490 йилда Навоий унга атаб ёзган мувоффик тифайли танилади.

Юсуф Четиндоғ мавзуни ёритишда ёлғиз адабиётшунос ёхуд тилчи сифатида эмас, тарихчи ўлароқ ҳам мушохада юритади. «Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий асарларининг 1490–91 йилларда Онадўлига келганлигини тасдиқловчи яна бир далил, – деб ёзади у, – Боязид II ва Мавлоно Жомийнинг ёзишмалариридир. Фаридунбекнинг «Муншаот»идан англашилишича, Фотих Муҳаммадхондан кейин ўғли Боязид II ҳам Жомий билан хат ёзишиб турган...»¹

Хуллас, Боязид II ҳукмронлиги пайтида Ҳирот ва Истанбул орасида жуда яқин адабий-маданий алоқа бўлганлиги ҳам усмонли шоирларидан кўлчилиги Навоий асарларини ўқиганлигига ишонч билан қарашга асос бўлади. Навоийнинг қайси девонидаги қайси газалига назира ёки тахмис битишган – Юсуф Четиндоғ 60 дан зиёд назиранавис шоир мисолида ана шуларни бирма-бир кўрсатиб, шеърларини изохлаб беради. Бу – ҳазилакам меҳнат ва изланиш эмас, албатта, Бизнингча, муаллифнинг мавзуга чуқур кириб боришида уни Навоийга меҳр-муҳаббати кўллаб-куватлаган бўлиши керак.

¹ Юсуф Четиндоғ. Алишер Навоийнинг усмонли шеъриятига таъсири. – Анкара, 2006. – 51–52-б.

*П. ШЕЪР ШАРҲИ
ВА
ТАЛҚИНЛАРИ*

“ХАР ҚАЧОНКИМ КЕМАГА УЛ ОЙ...”

*Хар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуг дарё кеби ошуфта күнглум құзғалур.*

*Йиғлама, эй күз, недин соҳилга чиқмас кема деб
Ким, ёшиңдә дарёси дур ҳар сариким эл күз солур.*

*Титрабон сиймобдек күнглум, етар жон оғзима
Түпід ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.*

*Сабр күнглумда, күнгүл ул ойда, ул ой кемада,
Вағки, бориб тегімуруб күз, мунграйиб жоним қолтур.*

*Дам тутулғандын үлар элдек етибмен үлгали
Сурмасун деб кемасин баским нағаслар асralур.*

*Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,
Сийм нақди түшса, лекин умр нақди сийғалур.*

*Еарқ әтар баҳри фано ғам заврақин, эй тири дайр,
Илгига чунким Навоий бода қаштийисин олур.*

Шеъриятда таассурот – тасаввурға, тасаввур әса таассуротға йўл очиб, доимо улар бир-бирини қўллаб-қувватлади. Ўз вақтида тасвирланмаган таассуротни тасаввур заминида тиклаш мумкин бўлганидек, тасаввурда сақланиб колган таассуротдан асар яратиш учун бемалол фойдаланиш мумкин. Баъзан шоир илк таассуротдан эмас, унинг такоридан шеър яратадики, “Фаройиб ус-сифар” девонидаги:

*Хар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуг дарё кеби ошуфта күнглум құзғалур.*

Байти билан бошланадиган ғазал бунинг бир мисолидир. Илк мисрадаги гапга караганда, маъшуқанинг сув йўли билан

сафарга жүнаши биринчи бора змас – у кийим-кечакларини йиғишириб аввал хам кемага чиқкан. Бу ҳодисадан ошиқнинг кўнглида дарё тўлкинига монанд шиддатли бир кўзғалиш бош кўтаради. Кўнгилдаги кўзғалиш албатта айрилик дарди, хижрон аламидир. Бу ҳол шўрлик ошиқни шу қадар йиглатадики, унинг кўз ёшлидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмайдиган ўзга дарё юзага келади:

*Йиглама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз содур.*

Ёрнинг дарё оралаб кетиши ошиқ дилини аламга чулғаган бўлса, кеманинг соҳилга чиқолмаслик хавфи унинг жонини ҳам ҳалқумига келтиради. Ва бу ҳолат энди телба шамол ҳаракатидан тўхтовсиз чайқаладиган дарёга киёсланади.

*Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима.
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.*

Ошуфта кўнгулнинг кўзғалиши, кўз ёшининг тинмай оқиши, юракнинг симобдай титраши – булар ошиқнинг ички ахволини кўрсатувчи ҳаракат. Ошиқ – ҳаракат сохиби. У ҳамма нарсга қарши турса ҳам, рух ва кўнгил ҳаракатига хеч монелик қилмайди. Шунинг учун кўнгилни сабр қўлига топширирган бўлса-да, бундан хеч натижа чиқмаслигини у жуда чиройли тарзда ифодалайди:

*Сабр кўнглумда, кўнгул ўз ойда, ўз ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуриб, кўз мунграйиб, жоним қолур.*

Кўнгил ёрда. Ёр кемада. Бориб ёр жамолига термулгач кўзнинг мунграйиб, жоннинг жонон билан қолишини шеърхон ҳиссиёт билан хаёлдан ўтказади. Жон соҳибасига топширилгач тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми? Навбатдаги байт шу ҳақида:

*Дам тутуғандын ўлар әлдек етибмен ўлғати
Сүрмасун деб кемасин баским нағаслар асратур.*

Нафас чикмагандан кейин ўладиган кишиларга ўхшаб қолиш табиий, албатта. Аммо ошик хали тирик – хар қалай нафас олиб турибди. Қарангки, шу нафас ҳам унга ҳалақит берәётир. Чунки, ошик нафаси кемани илгари силжитиши мүмкин. Демак, нафас чикмаслиги, яъни нафасни ичга ютиш жоиз – токи кема ўрнида событ турсин.

Акт ва фикр сохиби ҳаётдаги хар бир вокеа, ҳодиса ёки холатдан тегишли хulosса чикаради. Ишк-мухаббат дарёсига ғарк бўлишни олайлик. Бу – ошиклар учун шараф. Зеро, ҳамма ҳам бундай ишга журъат этолмайди. Ҳаётда бошқа “дарё”лар ҳам кўп. Масалан, савдо-сотик дарёси. Унда кимлар сузмагану, кимлар чўкмаган? Ғазал қаҳрамонининг фикрига кўра, ўтар дунё манфаати ва фойдасини ўйлаб зинхор-базинҳор “савдо баҳрига” кирмаслик лозим. Чунки кумуш тангаларни йигиш, умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди.

*Кирма савдо баҳрига олайдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийгалур.*

Шеър ёзиш – азобдан қутулиш демак. Қалбидаги ғам-ғусса ва изтиробни шоир асосан шеър воситасида баратарф этади. Навоий ғазалнинг тили ва мажозий табиатига мувофиқ равишда “ғам завраки” – ғам кемасига дикқатни қаратади:

*Ғарқ этар баҳри фано ғам завракин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода қаштийсин олур.*

“Бахри фано” – фано дарёси, “ғам завраки” – ғам кемаси, “пири дайр” – бутхона пири, “бода қишиси” – қайиқ шаклидаги қадаҳ – бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши шубҳасиз. Лекин фано ҳакиқати тўғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш – руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба. Мана шу ғалабага эришилгач, дард, алам, ҳасрат аталмиш ҳиссиётлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини ғарк этар”, дейилиши худди шу ўзгаришга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадаҳни қўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди.

“ФАЛАҚДИН ГАР МАНГА ҲАР ЛАҲЗА ...”

*Фалакдин гар матга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.*

*Ва гар ҳар тийраккка бир ёргулукни иномассен,
Йиги кўр чархдин ҳар шом доғи субӯдин кулгу.*

*Камол истар эсанг сидқ аҳнидин қитма кўнгут тийра
Муқаддар айланас хуршид субҳи амфосидин қўзгу.*

*Сафо аҳнига гулрухлар хаётидин тагайюр нўйқ,
Қачон гул акси тушимактик билга гулранг бўлгай сў.*

*Тиларсен гафлатингни рафъ этиб огоҳлар нақтин
Ки, гофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.*

*Бақо нақди ҳаётингга чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.*

*Жунун занжерида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер олида тулку.*

*Кўнгут миръоти ичра жиславагардур ёру сен гофил,
Ториқма ҳажридин кўпким эмассен ёрдин айру.*

*Фанонинг ҳам фатосин истагиц васл эрса коминеким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушибудур уибу.*

*Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмагай боқий.
Фанодин бал, бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.*

*Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдит паноҳ андии
Ўтарди тутқуси, албатта, бир согар чиқиб ўтру.*

“Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган (506-ғазал) ўн бир байти ушбу ғазалда орифона мазмун-моҳият ифодаланган. Буни матлаъданоқ англаш мумкин:

*Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайгу келур ўтру,
Агар ҳар қайгудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайгу.*

Мумтоз шоирларниң қаноати бўйича, дахр, дунё, чарх, фалакдан хеч яхшилик кутиб бўлмайди: улар инсонни доимий равишда қийнайди, ҳар турли азоб ва қулфатларга гирифтор этади. Инсон бундан нолиди. Ҳасрат чекади. Норозилик билдиради. Аммо ҳаммасига чидайди. Чидашни ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Ғазал қаҳрамонининг эътирофиға кўра, фалакдан ҳар лаҳзада майли унга юз қайғу юзма-юз келсин, агар ҳар қайғудан кейин бир шодлик ё қувонч юз очса, демак, қайғу йўқдир. Навбатдаги байтда шу гапга гўё далил келтирилади:

*Ва гар ҳар тиyrаликка бир ёргуғлукни инонмассен,
Йиги кўр чархдин ҳар шом доги субҳдин кулгу.*

Кун ва тун, тун ва кун доимий тарзда ўрин алмашганидек, бир тиyrалик ўзга бир ёргуғлиққа албатта жой беради. Бу – хаёт қонунияти. Унга ишонмоқ керак. Зулмат жойини нур эгаллашига инонилмаса, чархнинг ҳар шом қарога бурканиши-ю тонгнинг чарақлаб кулишини тасаввур қилиш лозим.

Ишонч йўли – узун йўл. Бу йўлда адашиб ё чалғиб қолмаслик учун ишонч, имон дарғаларига суюниш керак. Сидк ахли уларнинг ҳам пешқадами, ҳам пешвоси:

*Камол истар эсанг сидқ аҳлидин қитма кўнгул тийра
Муқаддар айтамас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.*

Тасаввуф ҳақиқатлари ёритилган бир китобда моддий табиити, нафси ва қалбига караб одамлар уч тоифага ажратилган. Биринчи тоифа. моддий борлиғининг талаб ва эҳтиёжлари измида яшаб, ейиш, ичиш, жинсий лаззатлардан бошқасига қизикмайдиган ибтидоий ёки ярим ваҳший кимсалар. Иккинчи тоифа, нафс йўлидан чиколмай, манлик ишки ва бошқарувидан туғилган хире, ҳавас, мавқе – мартабани севадиган кишилар жамоаси. Учинчи тоифа эса, кўнгул шарофати или башарий ўзлиқдан озод бўлган ва “калб шуури”га эга шахслардирки, булар ҳам аклан, ҳам қалбан уйғонган, ҳақиқатни танишга кодир комил зотлар жамоасидир. Навоий мунаvvар рух, равshan калб билан танишга чорлаётган “сидк ахли” ҳам чинакам ҳақшунослардир. Камолотда шуларга эргашилса, зарра кадар бўлсин, зиён кўрилмайди. Зеро, күёш субҳ нафасидан кўзгуга хеч қандай хираки етказмайди. Бунинг бошқа бир ёркин исботи эса бутун борлигини Оллоҳ ишқига бағишилаган ахли сафонинг хаёл ва гасавуруни гул юзли санамларнинг ўзгартиролмаслигидир. Ахир, гул акси тушиши билан сув хеч вақт гулранг бўла колмайди-ку!

*Сафо аҳлига гулрұхтар ҳаётидин тагайор йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлгай су.*

Комиллик йўли – ранжу азоблари кўп ва багоят мashaққатли йўл. Бу йўлга кирган ёки киришни орзу қилганлар қанчалик кўп бўлмасин, асосий мақсад манзилини ишғол этганлар жуда оз бўлган. Аммо шулар ҳам комиллик даъвосидан йирок бўлишган.

“Инсони комил” китобининг муаллифи Азизиддин Насафийнинг ёзишича, “Ваҳдат ахлининг нуқтаи назаридаги инсонликнинг камоли деган бир нима йўқдир. Инсон на қадар камолотга эришса эришсин, ўзининг истеъоди ила Оллоҳнинг илми ва ҳикматига нисбатан барибир ноқис эрур. Бу холда у ё бу инсонни комил дейиш, албатта нисбийдир”.

Мана шу сабабга кўра, Шарқнинг машҳур мутасаввиғ ва мутафаккирлари комиллик ўз нокислигингни кўриш ҳамда уни исботлай олиш деган бир холосага келишган. Алишер Навоий ҳам айнан шундай қараш ва “тажриба” тарафдори эди. Бу ҳакидаги фикрларини “Лисон ут-тайр” достонида у шундай баён этган эди:

*Ноқис улдурким, ўзин комил дедаӣ,
Комил улким нуқсан исбот айлагай.*

*Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсан иҷрадур бу қиту қол...*

*Ким ўзин комил кӯраф ноқисдур ум,
Нуқс бермайдур камоли сори ийл.*

Инсон вужуди фазилат, хислағ ва ҳикмат маскани бўлганидек, ёмонлик, чиркинлик ва нуқсон қароргоҳи ҳамдир. Аммо нуқсонларнинг нуқсонидан бири ғафлат, яъни ғофилликдир. Шоирнинг эътирофи бўйича, огоҳ зотларнинг туйғу ва тушунчаларидан ибратланиб, ғафлатни қувишга бел боғлаш мақбул иш. Бундан сўз юритиш эса ғофил элнинг уйкусини ҳар қалай озайтиради:

*Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб огоҳлар нақлини
Ки, ғофил элга ул ағсоналардин кам бўлур уйку.*

Одам боласи ҳар қанча доно бўлиб, ҳар қанча уринмасин, ғафлатдан тугал кутулмоги кийин. Унинг умри маълумдан кўпроқ номаълумлик ичida ўтади. Тақдир сирларини у аниқ англай билмаганидек, хаётининг ниҳоясини

хам аниң билолмайди. Бас, шундай экан, умрни хорислик билан мол-мулк ва бойлик йиғишига сарфлаш ҳам ақлдан эмас:

*Бақо нақди ҳаётшыға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф эттегит асру.*

Рұхи әрқин, күнгли озод Шахсега ҳар кандай зулм килинмасын, уни қулға, мүте бир маҳлүкка айлантириб бўлмайди. Қанақадир бир ғоя, тушунча ва ақида қуллари эса ҳеч пайт на рухан, на фикран әркинликка эришолмайди. Тазодли бу ҳолатни, айникса, ошиқ ва зохид орасида кўпроқ кузатган ўтмиш шоирлари бири иккинчисидан ўткир хуносалар ҳам чиқаришган. Жунун водийси – ҳақиқий ишқ водийси. Жунун – ошиқнинг эрки, ишқдаги саодати. Ҳийлагар зохид буни англай оладими? Англаганида шер олдидаги тулкига ўхшаб қўзга ташланмасди.

*Жунун занжисирида ошиқ ёнида ҳийлагар зохид.
Киши кўрса тасаввур айтагай шер оттида тулку.*

Кейинги байт – алоҳида эътиборга молик байт. Ундаги фикр – орифнинг фикри. Олнох, олам ва одамни бирликда танишда ориф жуда ўзид кетган. Унингча, Ёри азалнинг жойи кўнгул. У кўнгул миръотида жамол кўрсатади. Шунинг учун ҳажрдан сиқиниб, торикиб колиб, ёр мендан йирокда деб ўйламаслик керак:

*Кўнгул миръоти ичра жиливагардор ёру сен гофит.
Ториқма ҳајсеридин кўтким эмассен ёрдин айру.*

Ҳажрнинг зидди – васл. Васл етишиш, эришиш демак. Влас ва вуслат тасаввуфий ҳаётдаги йўлчиликнинг ниҳоясини ифодалайди. Яхё бин Муозга кўра, “Тоиб (тавба килган) хавф ила пардаланган, зохид севги ила пардаланган, муштоқ яшаётган маънавий ҳоли ила пардаланган. Восил эса Ҳакдан бошқа ҳеч нима билан пардаланмагай”. Фанофиљло

макомига юксалиш, яъни ишқи илохийга гарқ бўлиш тариқи ана шудир.

*Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушибудур ушибу.*

Бақо нима, фано нима – вуслат соҳиби буни билмайди. Мабодо хотирда булардан бирор белги қолган бўлса, ишқ бодаси уни ҳам бартараф киласди.

*Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмагай боқий,
Фанодин бал, бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.*

Тасаввуфий тушунчада, яшашдан кўзланган туб мақсад бир Гўзаллик излашдир. Жамоли мутлаққа восил бўлиши – ишқ ва ошикликнинг сўнгги ҳадафи. Оллоҳни вужуди мутлақ, соқийи азал, шоҳи олам дея тасаввур қилган ошиклар Ундан турли зайлда мадад ва илтифотлар кутишган. Навоий ҳам мана бундай умид билан газалга нуқта қўйган:

*Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ андин
Ўтарда тутқуси, албатта, бир согар чиқиб ўтру.*

Шоир назарда тутган “согар”ни муршиди комилнинг кўнгли дея ўйлаш мумкин. Лекин ундаги “май” инсонни Оллоҳга йўналтирувчи ва у билан бирлаштирувчи майдир.

2013 йил февраль

“ИШҚ АРО ДУШВОРДУР БҮЛМОҚ...”

*Ишқ аро душвордур бүлмоқ киши ҳамдағоры шоҳ,
Чун де олмас дардити бир ишті югурса додхох.*

*Шоҳ додимга нетиб етсунки мұлқи ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.*

*Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ үлеса тонғ әмас
Ким, бақоқастик менинг хұйымдур, аның иззу жоҳ.*

*Шоҳиқининг дахли ішкү ишқу муҳаббат күйида
Ким, керак анда сарығ юз, лаългүн ашқ, үтпүг оҳ.*

*Шоҳқим, маттуғиға құлтүк буорғай ишқ әмас,
Кимки ошиқдур аңға зору забұлтүгдур гувох.*

*Сарв ила хошок ағар ғул ошиқидур фарқи бор,
Сарвға то үт тұтапиқай, құл бұлтур юз минғ гиёх.*

*Эй Навоий, сидқ ила бұлғыл гадо ишқ ичраким,
Тахту толжин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.*

Ишқ ва ошиқлик тарихи – әнг қадим тарихларнинг ҳам қадимгисидир. Ишқ бошланғичда, яғни коинот яратилған пайтдаёқ үзини намоён эта олган. Борлықни бор айлаган шу ишқ эди. Үнга илк қувват дейилганди. Бу қувват жонсиз мавжудлиklär ва сүнгра жонлиларнинг ҳалкаларидан ўтиб инсонға етгач айнан инсонда үзини таниб, оламшумул шуур касб этган. Ишқ сир-асрорини түлиқ кашф қилиб бўлмаганидек, дүёда ишқ салтанатига тенг келадиган салтанат ҳам йўқдир. Кўхна Шарқда шоҳликка караганда ошиқлик макоми юксак кўрилган. Эрк ва ҳуррият подшоҳлик фуқаросида әмас, ишқ фуқаросида деб англанган. Хуллас, ишқ, ошиқ, маъшук хақидағи гаплар, маълум бир тарзда шоҳ ва шоҳликка тескари айтилғанки, Навоийнинг ғазалида ҳам тазодий бу тамойил осон англашилади.

*Ишқ аро душвордур бўлмоқ кини ҳамдарди шоҳ.
Чун де олмас дардини бир йил юсурса доддоҳ.*

Мумтоз адабиётимиздаги кўп асарлар ошикнинг дил дарди, маънавий-рухий ҳоли, орзу ва армонлари тасвиридан таркиб топган. Ошиқлик фавқулодда самимият, тўғрилик, сидқ ва очиқликни талаб қиласди. Ошик кўнглига йўл очишнинг чораси битта – ошиқлик. Шу маънода шоҳ ва ошик бошка-бошка одам. Биринчиси борлигини бағишилаган нарсанни иккинчиси умуман назарга илмайди. Бири интилганидан, иккинчиси кочади. Шунинг учун ишқ дунёсида шоҳ билан ҳамдард бўлиш душвордир. Йиллар мобайнида югуриб – елиб унга дарди дилни изхор этолмаслик ҳам одатий ходиса. Бундан ташкари, шоҳ ошиққа қандай қилиб мадад бериш ёки ёрдам кўлини чўзиш мумкин? Ишқ мулкида шоҳу гадо деган тафоввут йўқ – ҳамма бир хил:

*Шоҳ додимга нетиб етсунки мулики ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ша тенгдур гадойи хоки роҳ.*

Ишқда ижтимоий, иктиносий тенгиззлик йўқ. Лекин севги ва садоқатда фарқлар бор. Чинакам ошик дарду бало одами. Қанча ғам ва изтироб чекса, унга шунча яхши. Азоб, алам, андуҳ бўлмаса, ошиқда ҳаракат бўлмайди. Демак, у ўзидан-ўзи йироклашиб, ҳатто ажралиб қолади. Нодшоҳчи? Ҳеч пайт у иззату мартабадан кўнгил узолмайди. Чунки тожу тахтнинг ҳам ўз сехри, нафсга ором бағишиловчи алоҳида жозибаси бўлади:

*Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
Ким, балоқашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жеҳ.*

Шарқлик ошиқнинг ташқи қиёфасини кўз олдингизга келтирсангиз юзи “хазон яфроғи”дай сариф, кўзи ёшли, оҳ-воҳлари ўтли, қадди эгик бир одам намоён бўлади. Унинг ҳолидаги маъюслик ва маҳзунликка-ку чидаш қийин.

Аммо булар ишқ ахлига хос хусусият, яъни ошиқлик, вафо ва садокат белгилари.

*Шоҳимнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўнида
Ким, керак анда сариг юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.*

Подшохлик мартабаси – хукм юритиш, фармойиш бериш, тобе айлаш демак. Аслида севги-муҳаббати ғалаба қилган ҳукмдор Бобур мирзога ўхшаб маъшукасига “Шоҳмен элга vale сенга қулдурмен”, дейиши лозим. Аммо умумий таомилга кўра, шоҳу сultonларнинг суюкли ёрлари ҳам уларга бўйин эгиш, куллук қилишга мажбурдирлар. Ваҳоланки, зорикиш, мағлуб бўлиш, таслимиятга розилик ишқнинг шартлари дандир:

*Шоҳим, матлубига қутлук буоргай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур инга зору забунчугдур гувоҳ.*

Етти байтли ғазалнинг беш байтида шоҳ ва ошиқ, ошик ва шоҳ ўртасидаги фарқлар кўрсатилган. Олтинчи байтда эса олдин айтилган гаплар гўё мажоз тили билан далилланган. Яъни: сарв билан гиёҳ (ёки хошок) гулга ошиқ бўлгани билан орада жиддий фарқ бор. Мабодо кутилмаганда олов бош кўтарса, сарвга туташгунича “юз минг гиёҳ” кулга айланиб бўлади:

*Сарв ишқоҳ агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвга то ўт туташқай, кул бўлтур юз минг гиёҳ.*

Шоир сарв воситасида ошиқ қадри ва толеиннинг баландлигини таъкидлар экан, ишқда сидқу сафони ҳамма нарсадан устун кўяди. Ва уни тожу тахт билан алмаштириб бўлмайдиган бекиёс давлат ўлароқ улуғлайди:

*Эй Навоий, сидқ ишқа бўлгиз гадо ишқ иҷраким,
Тахту тоғжин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.*

Бунда ишқда гадолик имтиёзи подшохлиқдан ағзал ва юқори құтарилаётган бўлса-да, ҳаётини тожу тахтга тикиш сўнмас истак ва иштиёклигини ҳам унутмаслик лозим.

“КЎНГУЛ ИЧРА ҒАМ КАМЛИГИ...”

*Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам иўқтузи даги қаттиқ аламдур.*

*Ема дарду андуҳдин ғамки, истаб
Топилмас бу давр бўлса бу мугтанаамдур.*

*Хуши ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуши ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.*

*Жаҳон ичра ҳамидрд қам бўлса тонг йўқ
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли ҳамдур.*

*Манга ишқ дарди эмас муҳлику бас
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.*

*Харобот аро, эй хуши, ул ринди сармасст
Ки, олинда олам вужуди адамдур.*

*Мақом этса туфроқ уза — таҳти Жамишид,
Сағолики ут май ичар жоми Жамдур.*

*Қадаҳ важҳи гар шағіхдин ҳосил әрмас,
Не ғам дайр тири чу соҳибкарамдур.*

*Навоий ичар бода ул шўх тутқач,
Неча гарчи тақво билга муттаҳамдур.*

Дарду ғам, ҳасрату андуҳ, ғусса ва изтиробни Шарқ мумтоз шеъриятининг жон томири деса хато бўлмайди. Чунки бу шеъриятда хар бир талантли шоир ўзини дард, ғам

султони ўлароқ хис этган. Аммо уларнинг қўнглини нурлантириб, хис-туйғуларини янгилашиб берган дард – ишқ ва муҳаббат дарди, айрилиқ ва ҳижрон алами эди. Зоро, “Лисон ут-тайр” достонида таъкидланганидек:

Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ.
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ.

Дард устига дард, бало устига бало ёғилиши ошиқнинг асосий бир орзуси. Қолаверса, изтироб инсондаги қалб борлиғининг илк белгиси ва уни дўст қаби кутиб олиш қўнгилнинг шодлигидир. Фам ва изтиробга муштоқлик шундан. Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги 134-ғазални:

Кўнгул ичра ғам камлиги асрү ғамдур,
Аlam йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур. -

деган бир эътироф билан бошлишига ҳам асосий сабаб ана шу. Ишқ, маърифат ва ҳакиқат мухитида инсонни бир чирок ўрнида тасаввур қилинадиган бўлса, унинг нури ғамдир, қадардир. Бирок “дарду андуҳдин ғам” емаслик керак, давр ва замон кўзгусидан қаралса, уларнинг ғаниматлиги дарров равшанлашади:

Ема дарду андуҳдин ғамки, истаб
Тонилмас бу давр бўлса бу муғтанамдур.

Инсон ўзининг ички оламини чуқур билмагани боис ўзлиги билан юзлашишдан қўркади ва ҳаётининг ҳар бир босқичида ўзидан қочади. Чинакам изтироб биздан яширинган “мен”ни ўртага олиб чиқади ва ўткинчи лаззатлар, бегона қувватлар оркали билинадиган ҳолдаги иродамиз билан каршилантиради. Мана шунда дару ғамнинг қадр-қиммати канча кучайса, ҳаракат тарзи ҳам ўшанча теран маъно касб этади:

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.

Дунёга дард нигоҳи билан қараб, ҳаётни ғам йўли ила идрок айлайдиган кишининг наинки фикр-караши, балки феъл-атворида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Биринчидан, ўзини у ич-ичдан ёлғиз сеза бошлайди. Иккинчидан, ҳамдард ахтаргани сайин бедардлик чўнг кулфат эканлигини у чуқур тушуниб етади:

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ
Ки, бедард кўп, лек дард ахли камдур.

Бедардлик, маълум бир маънода, бағритошлиқ, гумроҳлик, зулмкорлик дегани. Бедард кимса қанчадан-қанча одамларнинг калбида азоб ортидан азоб, гусса изидан гусса қўзғашини ҳеч пайт тўғри англомайди. Ҳар қандай шароит, ҳар қанака вазиятда ишқ дардига чидаш, ҳатто ундан роҳатланиш мумкин. Бироқ замон дарди ва аҳли замон кулфатига тоқат килиш мушкулдир:

Менга ишқ дарди эмас муҳлику бас
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Дард ва ғам хақиқат хабарчиси бўлганидек, умидбахш ҳаётий ҳодисаларнинг ташвиқотчиси ҳамдир. Акс ҳолда ошиқ оламни назарга илмаган ринди сармастни ибрат тимсоли деб билмасди:

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, олинда олам вужуди адамдур.

Бирор бир нарсанинг дарду аламини ичдан кечирмаган кимса уни на танийди, на севади. Севги-муҳаббат сингари англаш завки ҳам майда, майхўрликда очилади. Ринд – дунёнинг энг эркин одами. Унинг мастилиги унутиш ё йўқотиш эмас, эришиш. Эришилиши зарур бўлган асосий

нарса учун хотирлашга арзимайдиган ҳамма нарсани у унутади. Натижада ўша сармас тинди маънавий-рухий ҳукмронликнинг бетакрор бир мақомига кўтарилади. уни “тахти Жамшид”дан, май ичадиган сафол идишини Жамшидинг сеҳрли жомидан хеч кам кўрмайди:

Мақом этса туфрок уза – тахти Жамшид.
Сафолики ул май ичар жоми Жамдур.

Ушбу ғазалда ғам, алам, дард, андух сўzlари ўрин алмашиб, тақрорланиб келади. Лекин уларнинг ҳаммаси битта мақсад – турғунлашувга кўникаёзган, демакки, фикрлашда тўхташга мойил ўзликни ҳаракатга чорлашга сафарбар этилган. Шу боис ғазал қаҳрамони ишонч-эътиқодда эркин – бир даргоҳдан тоимаганини иккинчи биридан топишига асло шубҳаланмайди. Чунончи: комиллик файзи тариқат шайхидан ётмаса, соҳибкарам бошқа бир пир буни албатта уddaрайди:

Қадаҳ важхи гар шайхдин ҳосил эрмас,
Не ғам дайр пири чу соҳибкарамдур.

Қадаҳ, дайр пири, бода каби сўз ва ибораларни ўқиган шеърхон ўзгача бир фикр ё хаёлга бориши эҳтимолдан йироқ эмас. Аммо тасаввуфий истилоҳда улар исломга карши ҳеч қандай мъянога эга эмаслиги инобатга олинса, иккиланиш ўз-ўзидан барҳам тонади. Ғазал мактасидаги гап ҳам ҳақиқий ишқ завки ва машуки азалига тегишли:

Навоий ичар бода ул шўҳ тутқач,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.

Қадимда ишқ турларга ажратилиб таъриф ва тавсиф этилган бўлса ҳамки, илоҳий ишқ билан мажозий ишқ орасида зидлашадиган, ўзаро бир-бирига тубдан қарши ҳеч нима йўқдур. Ҳақни севган одамгина ҳалқни севади. Ҳалқقا кўнгил боғлаган эса ўзини Холикдан айру тасаввур

этолмайди. Ва айнан мана шу ҳолатда у илохий ишқ ҳолининг тасаввур этиб бўлмас даражада юксалишига бутун борлиги билан иқрор бўлади. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да Худо ишқидан маст бўлганлардан бошқалари гўдакдурларки, кибру ҳаводан ўзга фазилат йўқдур уларда дейди:

Халқ атфоланд жуз масти Худо,
Нест болиғ жуз роҳида аз ҳаво,

Инсон руҳи ўз-ўзидан илохий чексизликка интилмайди. Рухнинг қаноти – илохий ишқ. Оллоҳга муҳаббат. Бу ишқ, бу муҳаббат билан тенглашадиган ва ошик қалбини у қадар поклайдиган бошқа бир нима йўқ. Шунинг учун биз Навоий ғазалларини билиб, англаб, кенг мушоҳада қилиб қанча кўп ўқисак, ўзимизнинг илохий моҳиятимиз, ҳурриятимизни ҳам ўшанча ёрқинроқ тасаввур этамиз. Сўзда ўзлигимизни кўрамиз.

Дарвоке, Ғарб шарқшуносларидан бири топиб айганидек. “Ошикларнинг ғам-алами заиф инсон характерини парчалайди, Фоний дуёга боғланганларни ўзидан озод этади”.

“Ё РАБКИ, ФАНО БАЗМИДА...”

*Ё рабки, фано базмида хос айла мени.
Факр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени,
Ё доҳили зумрайи ҳавос айла мени
Ё ранжи авомдин ҳалос айла мени.*

Алишер Навоий девонларидағи юзлаб шеърларда фано ва факт деган сўзга кайта-қайта дуч келинади. “Фано” ҳам “факр” ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Кўпгина Шарқ шоирлари сингари факт деса, Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот кокади; фано деса руҳи яйраб яшнайди.

Навоий факирлик маслагини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юкори шарафлайди. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир катор луғатларда изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на факрда, на фанода ибрат ва ҳавасга арзигулик ҳаётий бир маъно топилмайди. Масалан, “Навоий асарлари луғати”да фано калимаси: 1. Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш; бақосизлик. 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиш (тасаввуфда) деб изоҳланган бўлса, факр – камбағаллик, йўқсиллик; 2. Дунёдан кечиши дея шарҳланган.

Рубоийнинг илк мисрасидаги “фано базми” иборасини оддий шеърхон “йўқолиш, ўлиш, ўзликдан қутилиш” мазмунида англашга мажбурдир. Демак, унинг нигоҳида Навоий ўз-ўзидан ўзимни, тириклиknинг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шиор қиёфасида гавдаланади. Ёки: “Факр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени”, фикрини олайлик. Луғатдаги изоҳга асосланилса, “факр аҳли”ни камбағал, қашшоқ, дунёга кўл силтаган кимсалар гуруҳидан бошка бир жамоа сифатида тасаввур қилолмайсиз. Наҳотки, Навоий ночор, йўқсил одамларнинг энг олдинги қаторида бўлиш ва қашшоқлик билан фаҳрланишини орзу этган бўлса? Ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Камбағаллик ва қашшоқлик инсонни накадар хору зор айлаб, не-не азобу уқубатларга гирифтор айлашини Навоий ҳаммадан кўра яхшиrok англаган

Лекин ҳалқ орасидаги авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қалбида дард қўзғаб, уни эзганлиги – бу рост, албатта. Аслини олганда, мазкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам ана шу дарддири. Шоир авом ранжидан халос айлаш учун Оллоҳга илтижо килиб бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўллаб-кувватловчи уч орзуни изҳор этади.

Булардан биринчиси, фано ҳолида энг баланд даражага кўтарилиб, руҳий шодлик ва фарогатга эришиши:

Ё рабки, фано базмида хос айла мени.

Фано – тасаввуфдаги асосий ва ниҳоятда муракааб истилоҳлардан бири. Мутасаввиғ шоирлар уни неча ўнлаб

маъноларда кўллаб, бири иккинчисига ўҳшамайдиган, гоҳида эса кескин фарқланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасаввуфшунос олимлардан Абу Наср Сарроҷга кўра, фано ва бақо моҳияттан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзди: “Фано ва бақо, авом даражасидан хаввос (хос кишилар, маърифат соҳиблари) мартабасига кўтарилишни кўзлаган ахли тавҳиднинг сифатига даҳлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушуниларди: илмнинг ўртага чиқиши – бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши – фано. Қулнинг ўрганган илми ва маърифат асосида инояти илоҳиятга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши – бақо, ўзининг харакатларини кўришдан фоне бўлиш - фано”.

Демак, Навоий кўзда тутган “фано базми” – бу ҳам хулқий покланиш, ахлоқни гўзаллаштириш “тажриба”си, ҳам илм ва маърифат чўққисини эгаллаш саодати, ҳам тавҳид ҳоли соҳиби бўлишдир.

Буюк шоирнинг:

Факр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени, –

деган илтижосига келсак, бунинг замиридаги ҳақиқат яна ҳам жозибалироқdir. Аммо тасаввуфда бўлганидек, дин ва адабиёт тарихида факт сўзи кўп хато ва ногӯғри талкинларга дучор этилганлигини ҳам унутмаслик керак. Умуман, фактда йўқсиллик маъноси бўлгани билан ҳеч бир мумтоз шоиримиз уни қашшоқлик, афтодалик тарғиби учун ишлатмаган. Факт – дарвешнинг бирор нарсага боғланиб, тақалиб қолмаслик шуурига кўтарилиши, Оллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нимага муҳтоҗлик сезмаслиги, деганидир.

Иброҳим бин Аҳмад Хаввос демиши: “Факр, шараф кийими, пайғамбар либоси, солиҳлар ризки, мутаккийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар кўшки, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга кафорат, савобларга пешводир. Факр – даражаларга юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Факр – эзгу амал соҳибларининг шиори, мутаккийларнинг йўли ҳисобланади”.

Факрнинг шунча сир-асорини англаған ҳар қанақа киши факт ахли орасида зўр нуфуз қозонишни орзу қилмай

нима қилади? Шу боисдан Шарқ мумтоз шеъриятининг деярли ҳар бир йирик вакилининг кўнглида факр ишқи жўш урган ва факирликни шахс камолотининг дахлсиз мақоми ўлароқ эъзозлаган.

Ҳақ ошиклари, дарвеш, ориф, абдол, аҳли факр – булар ўтмишда “зумрайи хавос”. яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал ҳулиқ-атвори, илм-маърифати, айникса, тўғрилиги, файз соҳиблиги билан ҳалқ орасида зўр обрў-эътиборга эга бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик уларнинг даврасига қўшилиб сухбатларидан баҳра олишга интилишган. Навоий ҳам буни оломондан ёғилажак азиятдан кутилишнинг бир чораси деб таъкидлаган:

Ё дохили зумрайи хавос айла мени.

Ҳақиқий рубой – илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеъри. Рубоийни илм ва мушоҳада кишиси бошқа миқёсда тушунади, билими паст, фикр йўли тор кимса ўзга бир тарзда қабул қилади. Айтайлик, юқорида келтирилган рубоийнинг моҳиятига етиб боролмаган уқувчи мана бу рубоийдаги маънонинг ҳам мағзини чақолмайди.

*Бир айбга гарчи ҳалқ қилгай мансуб,
Факр аҳлидан изтироб эмастур маҳсуб,
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хуб.
Кизб эрса, маломат даги бордур матлуб.*

Бу оламда қандайдир камчилик ёки нуқсондан бутунлай холи бандани учратиш жуда қийин. Хоҳ ёши катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар кимда ўзига яраша бир қусур кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда одамнинг ўзи буни пайқолмайди. Айримлар эса била тура айбини яширишга ё тан олмасликка уринишади. Ва охир-оқибатда зоҳири билан ботини, айтгани билан амали ҳеч мувофиқ келмас, ашаддий каззоб, риёкорга айланиб қолишади. Ахир, касални яшириб бўлмаганидек, ёмон ҳулиқ, нафсоний майлларни ҳам хаспўшлашнинг ҳеч иложи йўқ: бирор кўрмаса уларни бошқа кимдир сезади, кўради. Хўш бундай пайтда нима қилиш

лозим? Навоий бу саволга тасаввуф қаҳрамонларининг энг пешқадами факир мисолида жавоб беради. “Факирлик – менинг фахрим эрур”. Пайғамбаримизнинг бу сўзлариға содик бўла билган ҳар бир факир ақл-идроқи, камтарлик ва хоксорлиги, нафе “жилови”ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бироқ факр одоби эришилган ахлоқий-маънавий хислатларга бино қўйиш, кўпчиликнинг муносабатини назарга илмасликни мутлақо маъкулламаган. Навоийнинг рубоийсида таъкидланишича, ҳалқу ҳалойик қандайдир айб ёхуд нуксон юзасидан факр ахлини қоралашса, бундан асло ранжимаслик керак. Факир таъна-маломатдан эмас, мақтовордан чўчиши лозим.

Факр аҳлидан изтироб эмастур маҳсуб.

Танқиднинг тўғри ё нотўғрилигини аниқ билиш – бу бўлак масала. Агар қўйилган айб тухмат ва бўхтон бўлмаса, сира оғринмай унга тан бериш ва кечиладиган нокисликдан кечиш зарур. Танқид мабодо ёлғон ва асоссиз бўлса-чи? Бунинг ҳам оғринадиган томони йўқдир. Зеро, “Маломатда саломат бор” деб бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, факр соҳиблари маънавий салтанатни саховат, вафо, фано ва ризодан айри кўрмасликлари жоиз:

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,

Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

Ким факр тараб қиласа, фанодур анга шарт,

Олига неким келса, ризодур анга шарт.

“ОЛЛИМДА ТАБИБИ ЧОРАСОЗИМ ҲАМ ЙҮҚ..”

*Оллимда табиби чорасизим ҳам йүқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йүқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йүқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йүқ.*

Алишер Навоийнинг элимиз орасида машҳур ғазалларидан бири. “Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим”, деб бошланади. “Топмадим”, – улуғ шоирнинг холати, муносабати ва икрорини акс эттирадиган бош сўзлардан бири. Ошик уринмаса, изламаса, ранж чекдим, деёлмайди. Навоий вафо ва садокатдан сўз очадими, меҳр-шафқатдан баҳс юритадими ёки дўстликдан гапирадими, кўп пайтда “Топмадим!” дейди. Юкорида ўқиганимиз рубоидаги таъкид – “йўқ, йўқ”лардан кўзланган асосий мақсад ҳам “топмадим”, демокдир.

Кимлигидан катъи назар, бироннинг олдида дардига дармон бўлгувчи бир табиб, кўнглини кўтара оладиган дўст, атрофида жони ачийдиган меҳрибон сирдош, кошида мард бир муҳофиз топилмаса, унинг кисмати албатта куйинишга, борингки, ачинишга лойик. Аввало, шундай кишиларнинг ҳаётда мавжудлиги, ҳагто кўплигидан ҳеч қўз юмиб бўлмайди. Демак, ўзининг ахвол-рухияси оркали шоир ўзгаларнинг ахволига ҳам диккатни тортган. Чунончи, шафкат, мурувват, ҳиммат ва маънавий ҳимояга муҳтож ғарибу ғурраболарни ҳеч унутманг демокчи бўлган. Рубоий қаҳрамонининг нияти аслида бу эмас. Банданинг бандага муҳтожлик “босқич”ларидан у аллакачон ўтиб кетган.

Ўтмиш даврларда Ҳак йўлчиларига ошик, дарвеш, факир, ориф, мискин, қаландар дейилган. Шулардан бирортаси ҳам дунё ахли ёки “ахли сурат” сафидан “табиби чорасоз”, “рафики дилнавоз”, “аниси жонгудоз” ва “шахи банданавоз” топилади ёки топилса эди, деб умид килмаган. Аксинча, бунака умидворликларни илдиз-илдизидан куритишга уринишган. Навоийда ҳам шундай. Ғазалларидан бирида шоир ахли замондан алоқа ва улфатчилик шу қадар

узилганки, бирор бир замон ўзим билан ўзим ҳам келишолмайман дейди:

*Бұлмиши андоқ мунқатиъ ахын замондин үлғатим,
Кім, ўзум бирла чиқашмас ҳам замоне сұхбатим.*

Зеро, башарий ироданинг күчсиз ва мёртлигини чуқур англаң, илохий ирода сохиби бўлишга етишмоқ орифликнинг илк шартларидандир.

“ГАР ҚУЁШ ВАСЛИН ТИЛАРСЕН...”

Шарқ мумтоз адабиёти намуналарини қанча кўп ўқисангиз, ёлғизлик, ёлғизланыш туйгуси ёритилган фикрларга ўшанча изчилроқ дуч келасиз.

ИНсон ўз-ўзидан ёлғизланмайди. Одамлар билан муомала-муносабатдаги узилиш, давр ва замон билан зиддият, тафаккурдаги тафоввут кабилар бунга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ёлғизликдан баҳс юритилганда, унинг ижтимоий, ахлоқий, маънавий асосларини ҳам назардан четда колдирмаслик керак.

Бундоқ қаралганда, танҳолик, яъни токлик, одамлардан ўзни четга тортиш, жамоатдан қочиш, хилват ва узлатни ҳар нарсадан афзал кўриш дегани бўлади. Модомики, шундай экан, ёлғизлик ҳолатини тарғиб қилишдан кўзланадиган натижа нима? Кимларнидир ёлғизликни севиш, сўққабошликка юз буришга чорлашми?

Тафаккур ва рухониятда ўз даври, замони, жамиятидан илгарилаган шахс борки, унинг ёлғизланishi ибратли, ундан нималарнидир ўрганиш ҳеч зиён қилмайди. Яна шундай бир токлик борки, уни халқдан Ҳаққа юксалиш ҳоли, ваҳдат орзуси илиа мосиводан алоқани узиш деса бўлади. Тасаввувуф истилохидаги тажрид ва тафрид дейилган.

Шу ўринда бир нарсани изоҳлаб ўтиш зарурга ўхшайди. Тасаввувуф тили – кўпчилик сўз, атама ва иборалар бошқа соҳалардан, масалан, дин, фалсафа, адабиётдан

ўзлаштирилиб, хусусий маънолар сингдирилган бир тилдир. Бу тилнинг рамзий-мажозий таркиби ҳам ўзига хос. Таҳлил ва талкинда сўз ё истилоҳнинг факат луғавий мазмунига таяниб фикр юритиш наинки англашилмовчилик, жиддий хато ва чалғишлиарни ҳам юзага чиқариши мукаррар.

Масалан, тасаввуф ва тасаввуф адабиётида кўп кўлланилган вужуд калимасини олайлик. Луғатда қўлга киритиш, матлуби бўлиш, мавжудлик. ҳис этиш, ошиқлик, орзу айлаш сингари маъноларни билдирган арабий бу сўз тасаввуфда, аввало, Ҳак учун қўлланилган, шунингдек, борлик, бор этиш, важдга келиш Ҳак зотининг зоти билан бирлашуви мазмунини ифодалаган. Демак, адабий матнда сўфийликка тегишли истилоҳ ё ибораларга дуч келингандা, ҳеч эринмасдан маҳсус луғат ва манбаларга мурожаат этиш лозим.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги қитъалардан бирида шундай дейилган:

*Эй Навоий, англаким хуш оламедур фардлиг,
Гар қуёш васлини тиларсен, фард бўй зарротдин.*

*Ул эмастур фардлигким, жуфтдин фард ўтгасен.
Фард улдурким, мужаррад бўлгай ҳар зотдин.*

“Навоий асарлари луғати”да фард (кўплиги афрод) калимаси якка, ёлғиз ва ажралган мазмунида шарҳланган. Агар шу шарҳга асосланилса, танҳолик шундай яхши. эркин бир оламки, сен “куёш васли”ни орзу қиласанг, қолган барча мавжудликлардан алоқани узгил! Уйланмаслик тоқлик эмас, балки ҳар борлиқдан йироқлашиш фардликдир, дейишга тўғри келади. Асл моҳиятга етиб боролмаган киши эса шеърни ўқиб бўйдоклик тушунчасини ҳам кашф этмоғи мумкин. Қитъани таҳлил қиласан олимлардан бири ёзади: “...Навоий маслагидаги инсон учун “фардлиғ” – “хуш олам” эди. Навоий эътиқоди чинакам танҳоликни такозо этар эди. Шунинг учун у хаттоқи жуфти ҳалол билан биргаликдаги танҳоликни чинакам танҳолик деб ҳисобламасди”.

Ҳақиқатда ҳам мутафаккир шоир китъани шу нүктай назар билан ёзганми? “Чинакам танҳолик” деганда нимани тасаввур килиш керак? Дарвоке, фардлиғ ғояси Навоийнинг ғазалларида ҳам ёритилган. Англаш ва таҳлилда ҷалғимаслик учун уларни ҳам эътибордан четлаштирилмагани мақбул. “Фавойид ул-кибар”даги 506-ғазални ўқиймиз:

*Тариқи ишқ аро гар ўзни фард қиласа бирор,
Хариф эмас еру кўк неча гар эрурлар иков.*

*Кўнгилдан айла маволид майлини кам-кам,
Бўлурга фард мавониъурлар ушибу учов.*

*Десанг фалакка чиқай фоний аносирдин,
Нединки руҳинггадир чормих бу тўртov... ”*

Чунончи: кимда ким ишқ тариқида тоқлик маюомига кўтарилса, еру кўкни у иккилик деб эмас, бирлик деб англайди. Ва қўнглини наботот, ҳайвонот, жамодот майлларидан тозалайди. Чунки бу учлик танҳоликка тўсикдурлар. Ёлғизланишдан мақсад нима? Руҳни фалакка юксалтириб, руҳоний ҳаёт завқини суриш. Бунда энди тўрт унсур – сув, ҳаво, олов ва туфроклик сифатларидан ҳам фориғ бўлиш зарур. Зоро, руҳнинг чормихи худди шу тўртовдир.

Покланиш – руҳоний. Ёлғизланиш – самовий. Шуни хаёлдан кечиришнинг ўзи кўнгилни орзиқтириб юборади. Ва фардлик сирларидан кўпроқ огоҳ бўлгинг келади.

*Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлғонларни бу йўлда анга афрод бил.*

Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фардлик саодатини кўлга киритиганларни ишқ йўлида ошиқларга афрод деб билиш керак.

Афрод – фарднинг кўплиги. Лекин вақт тоқлари, гайб эранлари дейилган маълум бир тоифа бўлганки, улар ҳазрати

Пайғамбар (с.а.в.)га мұкаммал бир тарзда тобе бўлиб фардоният тажаллийсига мазҳар бўлишгани учун афрод номини олишган. Ишқ ахлига раҳнамоликка уларнинг лойик кўрилишига асосий сабаб ана шу.

Кошонийнинг “Тасаввуф луғати” да ёзилишича, фардлиғ, яъни тафрид – Ҳак мушоҳадаси ва хеч нимани унинг билан бирликда кўрмаслик, шу зайлда қулнинг Ҳакни токлиқда кўринчишидирки, у тажридан кейин эришиладиган мархала саналади.

Абу Наср Сарроғнинг маълумоти бўйича, фардоният соликнинг вуслатга эришгандан кейин эгалланадиган мартабаси. Маънавий-рухий ушбу мартабада қалб башарий чиркинликлардан бутқул покланиб, Ҳак билан яккана-якка колиб тавҳид мушоҳадаси билан машғул бўлади.

Фардлик шунинг учун дахтеиз, идрок ва иродани самовий микёсда кувватлантиргувчи такрорланмас оламдир. “Тажрид орадан ағёрни қувса, тафрид нафсни четлаштиради ва амалларни ўзининг нафсига нисбат беришдан кутулиш, уларни кўрмаслик ҳолига етиш одамни мужаррадликнинг чўққисига кўтаради”.

Бу тажрибалардан албатта йирокмиз. Уларни жорий килиш истаги йўқ ҳисоби. Ўзликни англаш, шу йўлда “ўзлик иморати”ни бузиш нималигини кўпчилик ҳатто хаёлга ҳам келтиролмайди. Навоий талкин килган жуда нозик, жуда дақик маъно ва ҳакиқатларнинг магзини чакмай, сир-асорорига етолмай Навоийни ўқиб-ўрганишдан мактаниш ҳаёсизлик эмасми?

“Ҳайрат ул-аброр” даги қуйидаги мисралар ҳам бу гапни тасдиқлайди:

*Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садағедур дури шаҳворсиз.*

*Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.*

*Фард кини даврда топмас наво,
Ёлгуз овучдин ким эшиитмиш садо?..*

*Тоқ кини айни уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўттур бир сурун?*

Мана “Ул эмастур фардлигким, жуфтдин фард ўлғасин”, деган фикрни олайлик. “Жуфти халол билан биргаликдаги танҳолик”ка унинг ҳеч алоқаси йўқ.

Султон Валаднинг “Маъориф” китобида баён қилинишича, “бир инсон башарий сифатлардан кутулгани замон, мусаффолашиб, денгизга юзланган бир малакка айланади. Аммо бу мартабага юксалган кишилар ҳам ебичади, ишлайди, ухлайди ва оила қуради. Чунки Пайгамбар салоллоҳу алайҳи вассаллам “Никоҳ суннатдир”, деб буюрмишлар”.

Навоий ҳам “Жуфтингни топмасдан сўққабош яшашни сен фардлик деб англама” деганида Пайгамбар (с.а.в.) суннатига асло дахл қилиб бўлмаслигини ёқлаган.

Тўғри, баъзи тариқатларда уйланмаслик кўллаб-куvvатланиб, унга “мужаррадлик” дея ном берилган. Лекин тасаввуфий истилоҳ сифатида у ағёрдан ва мосиводан алоқани бутунлай узид факат Оллоҳга таважжух этиш маъносида кўлланилган. Шунинг учун кимдир ҳақида “олами тажарудда эди” дейилса, у уйланмаган маъносида эмас, ул зотнинг кўнглида дунё ва дунё неъматлари ўрнида Ҳақ ишқи мавжуддир, у мосиводан қутулиб, нафс тўсиқларини кечиб, Оллоҳ дийдорига восил бўлмиш деган фикр англашилган. Навоий қитъасида ҳам “қуёш васли”, яъни маъшуқи азал висолига етишишнинг хос бир “усул”и характеристерлаб берилган.

“ФАЛОНГА АЖАБ ХОЛ ЭРҮРКИМ...”

*Фалонга ажаб хол эрүрким халойиқ,
Не қылса алар биргеләдүр мөжароси.*

*Сола олмас эл ошига бир нухуд, гар
Түзүлмас аниң биргә ут эл ароси.*

*Қазон йүкки ул анда кафлиз эмастур
Ки, бұлсун юшига қазонлар қароси.*

Бу китъани қайта-қайта үкиб, таҳлил ҳам килғанман. Аммо кейинчалик англадимки, Навоий шеърлари замирида яширинганды маъно ва ҳақиқатлар хар кандай тушуниш ҳамда таҳлилга қараганда теранроқда турар экан. Китъада характеристикасы килиб олинган жанжалкаш, мөжаропараст “Фалонга” нигоҳни қаратайлық. У умумлашма тип. Шунинг учун оддий одамлар орасидан чикқан “Фалон” билан, сиёсатга ёки амалдор тоифага мансуб “Фалон” бошқа-бошқа кимса: бирининг юзсизлиги, фитнакорлиги ва ўжарлиги иккинчисига айнан ўхшамайди. Айтайлық, олим ва ижодкорнинг мөжарочилиги янада бошқача. Буларда билагонлик, акл ўргатиш илдаоси бўлади. Булар бирор тарға ташланса, йирткичлик билан ташланади ва “Ўткан кунлар”даги баттол Ҳомидга ўхшаб боши кесилса ҳам ноҳаклигини тан олмайди. Ана шуларнинг холини “ажаб хол” деса бўлади. Зоро, ўз ахволини билмаслик ва майдаликни итм билан ҳам бартараф этиб бўлмайди. Эл орасида “Олимнинг жаллоди, авомнинг жаллодидан ёмон бўлади”, деган гапнииг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Хуллас, қайси бир ижтимоий гурӯхни кузатманг, “эл ошига бир нўхат” солиши кўлидан келмаса-да, ғавғо-ю машмаша кўзғашга моҳир бандалар ҳам борлигига икрор бўласиз. Шоир “Қазон йүкки ул анда кафлиз (капир) эмастур”, деганда одамларнинг жонига тегиб, асабини қақшатган кимса табиатини бехато гавдалантириб берган.

“Ғаройиб ус-сигар” девонидаги қитъалардан бирида “бир аёқ ош учун” эрки ва ғуурини сотган кимса ҳакида:

*Бирөвким бүтүр бир аёқ ош учун құт,
Юзига керектүр қозоннинг қароси,*

дәйилади. Шоир “кафлиз”га қиёслагани кимсага ҳам худди шундай шармандаликтин раво күради. “Ки, бүлсін юзига қазонлар қароси”.

“КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...”

*Камол эт касбким. олам уйидин,
Санга фарз үлмағай гамнок чиқмоқ.*

*Жаҳондин нотамом үтмак биайниҳ,
Эрүр ҳаммомдин нөпок чиқмоқ.*

Комиллик, яни ахлоқий, маънавий, фикрий камолотта әришиш Шарқ адабиётида кенг талқын килинганды мавзу. Алишер Навоий ҳам шу мавзуда күп асралар яратған. Бунда улуғ шоир ҳар бир жанрнинг талаби, табиати ва ифода йўли ҳамда усуулларини ҳисобга олиб қалам юритган. Бу ҳолни қитъа жанрига мансуб ушбу тўртликда ҳам кузатиш мумкин. Унинг дастлабки мисраси тўғридан тўғри “Камол эт қасбким...”, деган даъват билан бошланади. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, “Комил инсон, яхши сўз, яхши амал, яхши ахлоқ ва пухта илмга соҳиб бўлган кишидир... У ашёни ва ашёнинг маъно-моҳиятини қандай бўлса, худди шу тарзда англар”.

Навоий ҳам комиллик тушунчасини оламни тўғри тушуниш билан боғлаган. Чунки олам билан алоқа ва муносабатда хатога йўл қўйилса, инсон ҳеч қачон ўзини хушнуд ва озод ҳис кильмайди. Демак, одам аввал ўзини танимаса, дунёни билишга эришолмайди. Қитъада тарки дунё қилиш тугал, яни нуқсансиз бўлишга ҳам ишорат этилган.

Акс ҳолда, күлга киритилган натижа ҳаммомдан нопок чикишдан унча фарқланмайды. Хуллас, китъада инсон эрки ва озодлиги муаммоси тасаввуфий тамойилда ёритиб берилган.

“БИЙИК МАҚОМИҒА УЛКИМ...”

*Бийик мақомига улким тилар сабот, керак
Ки, әгритикни құюб, тузлук айласа қонуи.*

*Туз ўлса соясида әл тиниб манор киби,
Сипекхр үйида турар қарнлар нечукки сутун.*

*Гар әгридурур ёғибон ўқу боеланиб бүйни,
Бұлур қабақ үйгочидек беш-ұнча кунда нигүн.*

Шарқ донишмандларидан бири: «Хар кишининг бүйнида икки занжир бўлади: бирининг учи етти қат кўкда, иккинчисиники етти қат замин қаърида. Кимки тузлук, яъни тўғриликка эътиқодли бўлса, юқоридаги занжир тортилур. Бундай одам халқ ичида улуғ за азиз бўлур... Кимда-ким әгрилик ва такаббурликни одат қиласа пастки занжир тортилади. Ва ундай маҳлук эл орасинда хор ҳамда беътибор бўлғай», – деган экан.

Занжирга доир гапга шубҳаланиш мумкинdir. Лекин инсон қадрини тўғрилик осмон қадар юксакликка кўтариб, әгрилик уни тупроққа кориштириши рост, албатта. Шеърда әгрилик – ботиллик, тўғрилик «ҳақ дуур», дейилган. Ҳақ нарса инсон ҳаёти ва тақдири учун сув ва хаводай зарурдир.

“Бийик мақом” – улуғ, баланд, олий мартаба, мавқе демак. Ҳар бир одам шундай мартаба ё мақомни орзу қилиб, шу йўлда олға интилиши мумкин. Бунинг айблайдиган жойи йўқ. Аммо унинг табиатида китмирлик, әгрилик бўлса-чи? Мақсад томон одимлашдаги илк саботсизлик ва мағлубият ана шу бўлади. Зоро, ҳар қандай катта муваффақият учун тўғрилик конун даражасида устувор бўлмоғи лозим. Чунки:

*Туз ўлса соясида эл тиниб манор киби,
Сипеңр уйиди турар қарнлар нечукки сутун.*

Ушбу байт дастлабки байтда илгари сурилган фикрни тасдиқловчи тамсилли гапдир. Чунончи: түғри одам минорга ўхшайды. Минор соясидан эл қандай наф топиб, роҳатланса, түғри кишидан ҳам шундай фойда кўради. Бу эса асрлар мобайнида дунё уйида тик турган сутун каби унинг умрини бардавом айлади.

«Ҳайратул аброр» достонида түғри одам шамга қиёсланади. Шамнинг қисмати бошдин-оёқ куйиб адо бўлиш. Лекин ёниб тугагунча ҳам у нур таратади, шам бор экан – ёруглик мавжуд. Түғри одамнинг толеи ҳам шунга ўхшаш: тирик экан, унинг руҳидан түғрилик ёлқинлари балқийверади.

Бу хаёт чинакам ибратхона. Унда деярли ҳар бир нарса ёки ходисадан тегишли хулоса чиқарса бўлади. “Қабак йиғочи” – ёй отиш машқида ходанинг учига ўрнатилиб ўқ узиладиган бир тахта. Навоий эгри, алдамчи киши билан шу тахта орасида монандлик кўради ва эгриликнинг заволига шеърхонни тўла инонтиради:

*Гар эгридур ёғибон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабак йиғочиdek беш-ঘнча кунда нигун.*

“Бийик маком” иборасини шоир бошқа бир қитъада насл-насабга боғлиқ маънавий-руҳий хислат – зотий мартаба мазмунида кўллаган:

*Бийик мақомлиг эл тифл эканда ҳам бўлмас
Ки, тиyrа қилгай ани жаҳлу зулмат аҳли тили.*

*Қамар чароғи агар бўлса барча бир кечалик,
Не навъ ўчургай ани шабпирақ қаноти ели.*

Дарвоқе, туғма фазилатли, эътиқоди мустаҳкам шахсларнинг болаликлари ҳам бошкacha бўлади. Чунки

болалик фаслидаёқ уларнинг онги ҳам, руҳи ҳам ёришиб, нур таратади. Шу боис “жахлу зулмат ахли”нинг зуғуми уларга ҳалокатли таъсир ўткаролмайди. “Қамар чароги”нинг умри бир кечалик бўлганда ҳам кўршапалак қанот коқиб унинг нурини сўндиrolмайди. Бу фикрни шоир ўқувчига тамсил сифатида такдим этаркан, қандайдир изоҳ ёки эътиrozга хеч ўрин қолдирмайди.

“НЕ РАҲРАВЕКИ, ТОЖИ ҲИДОЯТ...”

*Не раҳравеки, тожи ҳидоят бошидадур,
Йўқ бок анга ҳаводиси афлок тошидин.*

*Худҳудки, қўйдилар азалий тоже бошига,
Тушкайму жола ёққан или тожи бошидин?*

Раҳрав (роҳрав) форсча сўз, йўлчи, йўл юрувчи дегани. Қитъа «*тожи ҳидоят*»га эришган солик таърифиға багишланган. Шоир айтмоқчики. Ҳақ йўлига кирган, ростлик ва тўгриликка эътиқоди собит одам мард ва жасурдир. Замон ва давр воқеалари нечоғлиқ ўзгариб, турли тарзда тусланмасин, бундай кишида қўркув бўлмайди. Демак, ҳайт ва замон «тош»ларидан чўчимасликнинг асосий чораси Ҳакқа садоқат ва ўзига ишончдир. Бунга далил сифатида эса Худҳуд қисмати танланган. Навоийнинг «Лисон ут-тайр»ида бу күш мадҳида ўқиймиз: «Худҳуд (попишак) ақл нуридан баҳраманд ва раҳбарлик жигаси билан сарбаланд бўлган бир күшдирки, унинг зотида шараф ва иззат ниҳоят юксак бўлиб, бошини тўғри йўл кўрсатувчи тож безайди».

Худҳуд «оламда тенги ва ўхшали йўқ бир шоҳ» – Оллоҳнинг мавжудлиги ва кудратини англаган күш. Шарқда Худҳуд тўғрисида тўқилган ривоятлар кўп. Буларда у ақл ва донишмандликнинг тимсоли бўлиб гавдаланади. Худҳуднинг бошига «азалий тож» қўйилишининг илдизларини очадиган битта ривоятни эслатиб ўтайлик. Маълумки, Сулаймон пайғамбар бутун жонзорларнинг, жумладан, қушларнинг ҳам

тилини билган. Унинг саройида кўп қушлар тўпланган. Хар бир қушнинг ўз маҳсус жойи бўлган. Кунлардан бир қун Сулаймон бутун қушларни назардан ўтказиб, Ҳудхуднинг ўрнини бўш кўриди ва унинг ўзбошимчалигидан ғазабланибди. Ҳудхуд қайтганидан сўнг унга оғир жазо бермокка онт ичибди. Бир неча вактдан сўнг Ҳудхуд қайтиб келибди. Шоҳ уни сўрокқа тутибди. Шунда Ҳудхуд Сабо шаҳрига учиб борганлиги, у ерда бир улкан давлат бўлиб, подшохи Билқис отли гўзал хотин эканлигини сўзлади. У мамлакат кишилари қўёшга сигинарканлар. Тўғри гапларни айтганлиги учун Сулаймон пайғамбар Ҳудхуднинг гуноҳидан ўтибди. Кейин Билқис хонимга мактуб ёзиб оташпастликдан кечиб, ўзининг динини қабул килишларини таклиф этибди. Билқис бунга розилик билдирибди. Ҳудхуд шарофати билан Сулаймон Билқис хонимга уйланган, ўша-ўша Ҳудхуд пайғамбарнинг меҳрини қозонган, якин сирдоши бўлиб қолган экан. Қитъадан келиб чикадиган умумий маъно бундай: тўғрилик йўли – ҳудхудсифатлик йўли. Ҳудхуднинг бошидаги тож жала ёққани билан тушиб кетмаганидек Ҳак йўлида юрган кишилар ҳаётини ҳам хавф-хатарлар маҳв эта олмайди.

“ЮЗИГА АСЛИ ЁМОННИНГ...”

*Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳ гилемга албатта меҳр айлама фоши.*

*Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Күёш чарогига парвона бўлмади хуффоши.*

Одам боласи онадан ёмон бўлиб туғилмайди. У тарбиятсизлик туфайли ёки носоғлом мухит таъсирида ёмон шахс сифатида шаклланади. Хўш, бундайларни яхши муомала-муносабат билан ўзгартириш мумкинми? Қитъанинг умумий мантиғи бу саволга: «Мумкин эмас», – деб жавоб қайтаришни талаб этади. Ва айни пайтда юкоридаги

фикримизни бир кадар ислоҳ қилиш мажбуриятини ҳам түгдирди. Илондан илон пайдо бўлади, чаёндан чаён, дейишади. Худди шунга ўхшаб бадаҳлок ота-оналардан ёмон фарзандлар ҳам туғилади. Булар ҳазрат Навоий иборалари билан айтганда, «асиши ёмон»лардир. Бобомизнинг насиҳатларига амал қиласидиган бўлсак, бунақаларга яхши муомала-муносабат кўрсатавериш доноликдан эмас. Негаки, «сияҳ гилем»га канча нур тўкилмасин, унинг қаролиги ортса ортадики, камаймайди. «Асли ёмон»нинг қора гиламга қиёсланиши билан ҳам кифояланиш мумкин эди. Лекин мана бу ўхшатиш шоир нуқтаи назарини янада ёркинрок аён этади:

*Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чарогига парвона бўлмади хуффош.*

Жуал – қоракўнғиз. Унинг қисмати гул исинимас, тезак бўйини хидлаш. Шунинг учун унга гул иси бирла рухни тозалаш насиб этмаган. Хуффош – кўршапалак-чи? Унинг ҳаёти зулмат бағрида кечади. Кўршапалак «куёш чарогига» парвоналиқдан маҳрумдир.

“ВАЖҲИ МАОШ УЧУН...”

*Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,
Қисмат ризосидан анга бегоналиқ керак.*

*Кунжси қаноат арчи әзур салтанат валик,
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак.*

*Ким ишиқ асириўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балога ҳамдаму ҳамхоналиқ керак.*

*Лаззоти нафс тарки самари оғият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ керак.*

*Тажрид нуридин киши күз ёрутай деса,
Ахбоб ҳажри шамъига парвоналиқ керак.*

*Гар анжуманни деса муриду мутыъ этай,
Күп нуктаву фасонада афсоналиқ керак.*

*Ботин ҳаримида тиласа маҳзани хузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиқ керак.*

*Зоҳир юзидин ар тиласа тоҷсу иззу жсоҳ,
Дарду бало муҳитига дурданалиқ керак.*

*Десанг ҳалос ўлай борисидин Навоийдек,
Бехудлугу май ичмагу девоналиқ керак.*

Бу китъя Мир Алишер Навоийнинг фалсафий-ирофний мазмундаги шеърларидан бири. Дастребки байтдаги маъно мана бундай: «Қайси инсонки «важхи маош» – ҳаёт, тириклик ташвишлари тӯғрисида фикр юритай деса, у қисмат ҳукмидин йироқлашиши керак». Бу сўзлари билан шоир: «Эй одам, тақдир сир-асоридан огоҳ бўлишга урин, фикрезизлик чохига қулама!» – демокчи бўлган.

Шарқ мутафаккирларининг эътирофига кўра, қаноат – тенгезиз бир маънавий бойлик. Қаноатли киши ҳеч кимга мухтожлик сезмайди. Шунинг учун бундай шахсларни манфаат ёки таъма тузогига тушириш мумкин эмас. Зоро, улар одамийлик қадриятларини ҳар нарсадан устун қўядилар. Қаноатли бўлиш – аввало, рухан ва маънан озодликка эришишдир. Рух эркинлиги эса шундай дахлсиз мавжудликки, унда ғуурур шикастланмайди, майда ва ўткинчи ташвишлар кўнгилга малол ҳамда озурдалик етказа олмайди. Навоий худди шундай қарашларни давом эттириб, қаноат хазинасини бир салтанат сифатида таърифлайди. Лекин унга эгалик қилишнинг энг муҳим шарти бор. Бу – элдан таъма этмаслик, элни алдамаслик. Бунда энди қаноатнинг ўзигагина суюнмоқ кифоя эмас. Шоир таъкидлаганидек, «Элдин таъмани узгали марданалиқ керак».

Ишкка асирилк – дардга мубталолик. Мұхаммад Фузулий «азал котиблари» ошиқлар баҳтини қора ёзғанликларини сүзлаган. Алишер Навоий түе шу баҳти қораликнинг туб сабабини очганлар. Яъни, ишқ дардига мубтало кўнгил висолга интилади. Аммо ошиқ учун висолга етиш мумкин эмас. Ошиқлик аввал-охир «Дарду балога ҳамдаму ҳамхоналиқ»ни таълаб этади. Бу нима дегани? Ҳайвоний хирсу ҳаваслардан покланиш демакдир. Шунинг учун ҳам қитъанинг навбатдаги байтида нафс лаззатларидан кутулиш зарурлиги ҳусусида сўз юритилади:

*Лаззати нафс тарки самари оғият берур,
Лек ул шажарни эккали фарzonалиқ керак.*

Демак, нафсоний лаззатларни тарқ килемок самараси – ботиний осудалик ва равшанлик. Бирок бу осудалик дарахтини (шажарни) кўкартириб, вояга етказмоқ учун оқиалик ва заковат лозим.

Оқиалик билан фидойилик орасидаги масофани у қадар йироқ деб бўлмайди. «Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, факат инсон ўз-ўзига қурбон», – деган экан Шамсиддин Табризий. Ўз-ўзини билган инсон мана шу қурбонликдан қутулиб, дунёга нечун келиб кетишини ҳар қалай тўғри ҳал қиласди. Ва ўзининг ёлгизлиги билан юзлашган инсон охир-оқибатда уни юракка яшимокни истайди. Лекин ёлғизлик ҳиссийтлари қалб каърига ҳар қанча чукур чўқмасин, бундан дил зарур даражадаги ёргулекни топмайди. Тоқлик нурининг манбани Навоий қуйидаги тарзда асослаган:

*Тажрид нуридин киши кўз ёрутаӣ деса,
Аҳбоб ҳажри шаъмига парвоналиқ керак.*

Тасаввуфга бағишлиланган қадими манбалардан бирида ўқиймиз: “Тажридан максад зоҳирий ўлароқ дунё борликларини, ботинан эса ҳам дунёвий, ҳам ухровий зиддиятларни тарқ этишдир. Бу гапнинг изохи шундай: ҳақиқий мужаррад дунёдан юз бургани боис бир қарама-

қаршиликка йүлиkmайди. Фақат Оллохга яқынлик фикри билан яшайди...” Буни эса ҳаммадан талаб килиб бўлмайди. Шу боис аҳли дунё билан орада узилиш ё йироклашиш мукаррардир. Бундай холатда ҳижрон шамига ўзни парвона дея тасаввур айлаш зарур.

Ёлғизлик нуридан нажот истаган киши учун ҳижрон ҳақиқатда ҳароратли ва изтироб уйғотувчидир. Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор:

*Гар анжумани деса муриду муттиш этай,
Күп нұктаву фасонада афсоналиқ керак.*

Мазмуни: халқни ўзига ром этишни истаган киши кўп маъно, ҳақиқатларни билиши, саргузаштларда достон бўлмоги керак. Шу «афсоналиқ»лардан бири «ботин ҳарими» – дил кошонасини маънавий бойликлари билан тўлдириб, «Зоҳир уйи» ташки истакларнинг асосларини вайрон этишдир:

*Ботин ҳаримида тиласа маҳзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиқ керак.*

«Зоҳир уйи асоси» дейилганда инсондаги моддий ва жисмоний эҳтиёжларга тегишли нарсаларни тушунмоқ керак. Бойлик мансаб, молу дунёдан мағрурланиш – булар ўша «зоҳир уйи»нинг пойдевори ёки безакларидир. Агар «зоҳир юзидан» кимки тож, иззат ва мартаба тиласа, унга:

Дарду бало муҳитига дурдоналиқ керак.

Бирок шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, ишқ туфайли «дарду балога ҳамхоналиқ» билан тожу давлат, иззату шухрат ҳирсида «дарду бало муҳити»даги «дурдоналиқ» ўргасида еру осмон қадар фарқ бор.

Охирги сатрдаги «бехудлуғ», «майхўрлик» ва «девоналиқ» тушунчалари қай мақсадда ишлатилаётганлигини тўғри тушуниш зарур, албатта. «Бехудлуғ» – ақл имтиёзларидан баланд руҳий қувватдир. Май-чи? У маърифат нури, руҳоният бодаси. Бу «май»дан

кониб ўзини унутган киши дунёга энг ҳушёр ва теран нигоҳ билан каровчи донишманд зотдир.

“ЧУН МАНГА ЛУТФ ЭТТИ ШОХ...”

*Чун манга лутф этти шоҳ девонда муҳр,
Бу эди элдит қуйи мухр урлогим.*

*Ким, эрур нафси саркаш манъига,
Барчадин бўлгай қуи ўлтурмогим,*

*Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади,
Мундин ўлди мухрни синдумогим.*

Тарихчи Мирхонд «Равзат-ус-сафо» китобида Ҳазрат Алишер Навоийга муҳдорлик мансаби берилганлиги хакида ёзади: «Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшохнинг (Ҳусайн Бойқаро назарда туттиған – П.Х.) хотири хамма вакт унга мойил бўлиб, улуғлик вазирлик ва амирлик мартабасини унга инъом этди. Сўзнинг кискаси шулки, аввал ул ҳазрат улуғ мухрни амир Алишернинг кўлига тутқазди ва ул амир бир неча вакт муҳдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юкори осмондан ҳам ўтказди».

Орадан анча муддат кечгач, шонир бу мансабни тарк этмоқчи бўлади ва максадини подшоҳга билдиради. Илтимос кабул килинади. Лекин Ҳусайн Бойқаро Навоийни янада юкорирок марғабага – девони олий амирга тайинламоқчи бўлади. Шоирнинг каршилигига қарамасдан, бу иш амалга оширилади. Бойқаро «маълум соатда муҳр босиши» учун рухсат берганда Навоий “нишоннинг шундай жойига муҳр босадиким, ундан пастрокка муҳр босишга» жой қолмайди.

Ушбу китъя ана шу воқеалар таассуротида ёзилган. Илк сатрдаги «чун манга лутф этти шоҳ...» деган фикр – тарихий ҳакиқатга тўла мос фикр. Кейинги мисрадаги гап ҳам тўғри: муҳр энг куи жойга босилган. Мирхондининг сўзлари бунга

гувохлик беріб турибди. Унинг эътирофика, «хосу авомни» хайрон қолдирған бу воқеанинг содир бўлишига сабаб Алишер Навоийнинг бағоят камтарлиги, камсуқумлиги, хуллас, нафси синклини. Бироқ табиатидаги хоксорлик ва нафснинг шу қадар шикастлигидан шоирнинг ўзи қаноатланганми? Барчадин ўзни қуи олиш, сиртдан қаралганда, фавқулодда ишмас. Аммо ўша вазиятда Мир Алишер Навоий учун бу жиддий синов ҳолати эди.

Мирхондинг гувоҳлигига кўра, ўшандан сўнг Мир Алишер Навоий муҳр босган жой «муҳрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш» бўлган экан. Навоийдан ибрат олиш мумкин. Бироқ ҳеч бир ишда у билан мусобақа килиш имкони бўлмаган. Шеърнинг охирги байтидаги гапга диққат қилинг:

*Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади
Мундин ўлди муҳрни синдиримогим.*

Албатта, муҳр синдирилмаган. «Шикасти нафс ҳосил» бўлмагач, барибир чора ахтариш керак-ку! Чора топилган. Шунинг учун ҳам улуғ шоир муҳрни хаёлан синдириб ташлаган. Атолқи олим Алибек Рустамов нафснинг ахлоҳий жиҳати билан боғлик истилоҳий сўз ва бир неча ибора маъноларини изоҳлаб, «нафси мутмаинна»ни бундай шарҳлайди: «Нафси мутмаинна» иборасидаги «мутмаинна» сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. «Нафси мутмаинна» соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг галаёнидан қутулган хотиржам кишилардирлар. Бошкacha қилиб айтганда, булар нафс талабларини хаёлга ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хосдир”. Алишер Навоий муҳр босмок маросимида ҳам энг юксак инсоний хислатлар соҳиби эканлигини намойиш қилган.

“ҚАНОАТ ГҮШАСИН ТҮТҚИЛКИ...”

*Қаноат гүшасин түтқилки, чун анқо бу даъб этти,
Анга қүшлар ичиндиң қурб қофида тишишмандур.*

*Чу парвори товугениң оғзи тинмас туъмодин гарчи,
Үлар охир анга авват катак зипидони маскандур.*

Ҳазрат Навоий «Махбуб ул-кулуб»да: «Қаноат бир қўргонки, унга кирсанг, нафснинг ғалвасидан қутуласан», – дейди. Қитъада эса айнан «қаноат гүшаси»га киришга рағбатлантирилган. Лекин бу гўшага чорлашдан ҳам асосий максад ўша: нафс ғалвасини енгиб, дўст-у душманга муҳтожликлан озод, тиниб-тинчиб яашашга ташвиқ этмоқдир.

Ривоятларга кўра, Анко – номи бору ўзи йўқ афсонавий қуш. У күшларнинг подшохи бўлиб, Қоф тоғида яшармиш. Шеърда ифодаланган мантинка биноан, Анконинг Кўхи Қофда муқим туриши гўёки қаноат гүшасига содиклик автоматидир. Айни шу хислати боис унинг қисматида барча күшлар билан якинлик битилган. Туар жойи ҳам «курб Қофи» – якинлик тоғида. Бу эса Анконинг күшлар подшохи эканлигига ишора. Навоийнинг тасаввурида қаноатли киши – Анкога монанд киши. Қаноатсиз кимсалар-чи? Улар товукка ўхшашади.

*Чу парвори товугениң оғзи тинмас туъмодин гарчи,
Үлар охир анга авват катак зипидони маскандур.*

Анко ва товук тимсоли қаноат билан қаноатсизлик моҳиятини шу қадар аник ифодалаб берадики, хусусан, таъмагирликдан ўкувчи жирканиб кетади. Дарҳакиқат, товукни канча парвариш килсангиз, оғзи унинг ўшанча тинмайди. Аслида у шўрлик тана хирсининг мағлуби. Товук хурлигини унутгандай, таъмагирлик ҳам инсонни хору забун айлади. Бу қисматдошлиқ шеърлон хаёлига чуқур ўрнашиб қолади, албатта.

“БОРДИЛАР ЁМГҮР ДУОСИН ҚИЛҒАЛИ АХЛИ РИЁ...”

*Бордилар ёмегур дуосин қилғали ахли риё,
Мен ниёз ахли әдим, даъви камитин сўрмадим,*

*Ёмегур иккидур: бирни маъхуду ул бир кўз ёшим,
Кўз ёшим йўқ эроди, то ул ойга кўз олдурмадим.*

*Тенгри ёмегур бермадиким, сўзсиз эроди талаб,
Манга кулгу келди, аниким ёмегурин ёғодирмадим.*

Ўзбек халқи кадим давлардан бошлаб деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлиги мъалум. Сув – чорвадор учун ҳам, деҳқон учун ҳам бир хилда зарур. Табиат эса ҳар йил ҳам деҳқон ва чорвадорга сувни етарли даражада инъом этавермаган. Тез-тез камсувлар, қурғоқчилик юз бериб турган. Шундай пайтларда одамлар илоҳдан нажот тилаб, «Ёмгир ёғдир, султоним», дея Оллоҳ таолога илтижолар килишган. Махсус маросимлар ўтказилган. Масалан, туркий халқлар яшайдиган ўлкаларда яда тошидан фойдаланиб ёмғир чакириш одати кенг тарқалган. Буюқ тилшунос Маҳмуд Кошғарий бу тўғрида шуларни ёзган: “ат – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалган. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди”. Кўз олдимда ёнғинни сўндириди». Мир Алишер Навоийнинг фардларидан бирида:

*Қотиқ кўнглунгдин оқти хақ ёши,
Ки ёмегур боисидур ёда тоши, –
дейилади.*

Байтдаги «ёда тош» Махмуд Кошғарий таърифлаган ўша тош. Аммо тош ва дуо билан ёмғир ёғдиришга уринганларни шоир “ахли риё” деб ҳисоблайди.

Шеърнинг иккинчи сатрида таъкидтанишича, муаллифнинг ўзи ҳам «ниёз ахли», яъни сигинувчи ва ёлворувчилар тоифасидан. Шунинг учун у ёмғир дуосининг илоҳий асосларини тафтиш килмай, ёмғир «турлари» ни тилга олади. Улардан бири – «маъхуд», одатий, табиий ёмғир. Иккинчиси – «кўз ёши».

Кўз ёшим йўқ эрди, то ул ойга кўз олдурмадим.

Бу сатр иккинчи «ёмғир»нинг қандай вое бўлишини шарҳлайди. «Ул ойга кўз» олдирмок – кўнгилнинг ғамғуссага чўмиши. Мана шу ҳолат бўлмаса, қуруқ дуогўйлик ва ёлворишдан фойда йўқ.

*Тенгри ёмғир бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга кулгу келди, аниким ёмғурин ёғдурмадим.*

«Сўзсиз эрди талаб»даги «сўзсиз» – ҳароратсиз, совук мазмунига эга. Кўр-кўронатик, юзакилик албатта, кишида кулгу кўзгайди. Бунда хатто шоир эътироф этмоқчи, ашк ёмғирини ҳам тўкиб бўлмайди.

“ТАВОЗУЙ ЯХШИ, АММО...”

*Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳди давлат.*

*Эрур ҳам афв хӯбу хӯброқ ул,
Ки зоҳир бўлгой эл топқонда қудрат*

*Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йўқдур онинг ёнида миннат.*

*Ҳаким инсонни комит дебтур они
Ки зотида бўлгай бу неча хислат.*

Ривоят этилишича, бир ов пайтида Хусрав Парвезнинг тожидаги гавҳарларидан биттаси йўқолибди. Қарангки, ҳеч ким буни пайқамабди. Шоҳ шаҳарга кайтгач, гавҳарнинг йўколгани билиниб, гала-ғовур бошланибди. Чунки ўша гавҳар шунчалик қимматбаҳо эканки, унинг қиймати бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг келаркан. Ҳуллас, уни топиб келтирган кишига катта мукофот ваъда килинибди. Гавҳар актаргали бир гуруҳ дашту биёбонга чиқибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Улардан бири – ғофил, иккинчиси – огоҳ киши экан. Faflatnинг бир белгиси кеккайиш бўлгани боис ғофил кимса албатта манманликка берилади. Огоҳлик эса одоб ва камтаринлик демак. Кеккайганинг номи – Мудбир. Иккинчисининг оти Муқбил экан. Улар биёбондан шаҳар томон бораётган эдилар. Гавҳар излаётганларнинг бошлиги бу икки йўлчи билан учрашганда такаббурлик туфайли сардор билан салом-алик қилмай Мудбир гердайганча ўтиб кетади. Муқбил одамийлик юзасидан унга бош эгиб салом беради-ю, ўша пайтда оёги остида ётган гавҳарни кўриб, бошлиққа олиб узатади. Ваъда қилинган мукофот Муқбилга берилиб, Хусравнинг олқишига у сазовор бўлади. Мудбир нимага эришади? Шаҳар ҳаммомига гўлаҳ бўлади. Бу ривоят тавозенинг хосияти ва шарофати хусусида. Навоий «Тавозе – кишига ҳалқнинг муҳаббатини жалб қиласи», тавозели одамларга «ҳамма таъзим қиласи ва ҳурмат билдиради», – деган фикрларини ана шу ривоят орқали тасдиклайди.

Тавозе нима? Ривоятда бу саволга ҳам жавоб бор. Тавозе – инсоний хислатларнинг қимматбаҳо гавҳари, тавозе – хулк ва одоб инжуси. Максад гавҳарлари эса мутавозе кишиларнинг оёги остидадур. Лекин инсон бой-бадавлат бўлганида тавозе тўғрисида чуқурроқ ўйлаши керак. Ҳудди шунингдек, куч-кудрат соҳибларининг авфи алоҳида бир ибрат касб этади:

*Эрур ҳам афв ҳўбу ҳўброқ ўл,
Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат.*

Химмат, муруват ҳақикатда ажойиб фазилат. Бирок муруватта миннат қориша, бу муруватсизликдан хам ёмондир.

Шунинг учун хам шеърда:

*Ато ҳам турфа ишидур, турфароқ бил,
Агар иўқтур онинг ёнида миннат.–*

дэя таъкидлаган.

Таърифланган «бу неча хислат» одамийлик матлаби учун зарур фазилатлардир. Кимнинг зоти шулардан маҳрум эмас экан, файласуф ҳукмича ўша одам инсони комил ҳисобланади:

*Ҳаким инсонни комил дебтур они,
Ки зотида бўлгай бу неча хислат.*

Бундай маърифий таъкидлар комиллик сирларидан сабок беради ва айни пайтда ҳушёрликка хам рағбатлантиради.

“ҒАЗАЛДА УЧ КИШИ”

*Ғазалда уч киши тавридур ут навъ
Ким андин-яхии ишқ назм эҳтимоли.*

*Бири мұғәнжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сүзи ҳоли.*

*Бири Исо нағаслик, ринди Шероз,
Фано дағірида масту лөвболи*

*Бири құдса асирлик орифи Жом,
Ки жомы Жамдурур сингон сафоли.*

*Навоий назмига боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.*

*Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиши,
Анга уч шўх маҳваининг жамоми.*

Маълумки, форс-тожик шеърияти – ғазалнавислика донг таратган шеърият. Сайдий, Ҳофиз, Дехлавий, Жомий сингари санъаткорлар ғазал жанрининг пирлари дея эътироф этилган. Алишер Навоий ҳам ана шу даҳоларнинг ижод мактабидан сабок олган. Ва ўрни-ўрни билан буни асарларида айтиб ҳам ўтган. Ушбу китъя бу фикрнинг энг ёркин бир мисолидир.

Унинг илк байтда ғазал яратишга уч кишининг йўли ва услуби яхши эканлиги, улардан ўтказиб ғазал битиш мушкул ишлиги таъкидланган. Навбатдаги икки мисра ўша уч ғазал устасининг бири ҳакида:

*Бири муъжиз баёнлик соҳири ҳинод,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.*

Бу фикр Хусрав Дехлавийга тегишли бўлиб биргина байтда унинг талантига хос энг муҳим фазилатлар ёритилган. Дехлавий шеърда ифода мухтарсарлиги, яъни «муъжиз баёнлик»ка эришган. Унинг табиатидаги соҳирлик, сўзидаги сеҳр шундан. Дехлавий ғазалларини ўқиган ишқ ахлининг қалби ўртаниб, ёнмасдан қолмайди. Ҳофиз Шерозий нафасининг кучи янада олий:

*Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида маству ловболи.*

Исо Масиҳ нафаси билан ўликни тирилтира олган пайғамбар. “Ринди Шероз” – Хожа Ҳофиз Шерозий. У фано майхонасининг сарвари. Унинг кўнгли ўтар дунёнинг ўткинчи ғаму ташвишларидан ҳоли. Ҳофиз ғазали мурда юракни ҳам тирилтиради. Унинг исонафаслиги шунда. Агар шоирда руҳоний бир нафас, сўзида илоҳий қувват бўлмаса, у

шоир эмас. Навоий салафлари ҳақида сўзлаганда шу жихатга ургу беради:

*Бири қудси асирлик орифи Жом,
Ки жоми Жамдурур сингон сафоли.*

Абдураҳмон Жомий мадҳига бағишланган. Ушбу байтда, биринчидан, покизаликка (кудси асирлик) у намуна қилиб кўреатилган, иккинчидан, Жом шаҳридан етишган ориф эканлиги кайд этилган. Унинг орифлиги шу кадарки, оддийгина сафол идиши (ҳатто синган сафоли) шоҳ Жамшиднинг ўша машхур жоми билан тенгдир. Образли бу фикр бевосита Жомийнинг ирфон завқи или тўла ижодиётига ҳам тегишли. Шеър хулосасида ўқиймиз:

*Навоий назмига боқсанг, эмастур,
Бу учининг ҳолидин ҳар байти холи.*

Демак, ҳазрат Навоий шеъриятини ўқиб-ўрганган киши Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг таъсирини сезади, албатта. Навоий шеъриятини кўзгуга, устозларини эса шу санъат ойнасига жамоли акс этган уч «шўх»га киёслайди:

*Ҳамоно кўзгудурким, акс солмии,
Анга уч шўх маҳвачининг жамоли.*

Китъа фақат устозларга ҳурмат-эхтиром маъносидагина эмас, дўстликни улуғлаши жихатидан ҳам ибратлидир. Ахир, унда таърифлари битилган уччала шоир ҳам форсий адабиётнинг ўлмас вакиллари ва уч юксак чўкки эди.

“ТИЛИНГНИ АСРАФИЛ...”

*Навоий, тилинг асрагил зинҳор,
Десанғким, емай даҳр шиидин фусус.*

*Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қитурлар тожварлар била дастбӯс.*

*Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.*

Тил одоби, тил ва дил бирлиги, тил оғатларидан ҳүшёрлик ҳакида ҳалқ оғзаки ижодиётида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам кўп фикр-мулоҳазалар айтилган. Тил – кескир “килич”. Билиб, ўрнида уни ишлатмасангиз, хеч кутилмаган зиддият ва ғавғолар кўзғалиши мумкинки, окибати эса афсуси надоматдир. Навоийнинг қитъаси гўё ана шундай холат ва ҳодисаларининг олдини олиш учун битилган бир шеър:

*Навоий, тилинг асрагил зинҳор,
Десанғким, емай даҳр шиидин фусус*

Хуллас, шоирнинг мазкур шеърни ёзишдан асл мақсади тилни асрашга чақириқдир. Бироқ буни кимдир англайди, кимдир эса англолмайди. Ҳазрат Навоий шунни инобатга олиб, қитъатарида кўп ишлатгани тамсил санъати, яъни далил келтириш усулига сунянади.

*Назар қилким, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қитур тожварлар била дастбӯс.*

Демак, бу – биринчи далил. Чунончи, назар сол, ўқ оғзи (ёй ўқи эътиборга олинаётир) тилсиз бўлганлиги учун тож соҳиблари билан кўл ўпишади. Ўкниңг “безабон” лигини ўрнак килиб шоир одамларга қарат: «Сиз ҳам буткул гўнг бўлинг, шунда тождорлар ардоғи ва саховатига эришасиз»,

демоқчими? Йўқ, албатта. Байт мазмунини аниқ билиш ва ундан тўғри холоса чиқариш учун ўтмишда яратилган афсона, мифологик қараашларга мурожаат килиш лозим. Қадимий тасаввурларга кўра ёй ва ўқ Худо томонидан яратилган. Шунинг учун туркийларда ёй ҳукмронлик, мустакилликни, ўқ эса тобеликни тамсил этган. Мабодо бир қабила иккинчи кабила бошлиғига ўқ юборса, икки маънода қабул қилинган. Бири – ҳурмат. Иккинчиси – қарамлик. Энг қадим Хитой манбаларида турқларда ҳар қайси кабиланинг маҳсус ўқи бўлганлиги қайд этилган экан. Навоий ўқнинг «тожварлар била дастбусълик қисишини сўзлағанда ана шу нуқтаи назарларни ҳам эътиборга олган. Энди иккинчи далил:

*Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомизз наема тортар хурус.*

Хўрзнинг бемахалда кичкириши ҳанузгача хосиятсиз ҳодиса саналади. Нима учун? Бу ҳам афсонавий воеа билан алоқадор. Олис асрларда Каюмарс деган иодшоҳ бўлган экан. Адолат нури ина кўп жойларни обод этган эмиш. Каюмарснинг Нушанг отли ўғлини Дамованд тогида девлар ўлдиришади. Бундан бир қуш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола кила бошлайди. Шоҳ шу қуш «йўлбошчилигига» ўғлининг жасадини тонади. Каюмарснинг бошқа фарзандлари ҳам бўлади, улардан бирини юргта бошлиқ тайинлаб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Йўлда кетаётиб у бир ок хўрзни учратади. У йўл бошида туриб қичкирмокда, сал олисроқка бир товукни илон ўраб олган. Хўрз кичкирибгина колмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу холат Каюмарсга хуш келади ва: «Агар хўрз ўз жуфтини куткариш учун курашаётган экан, демак бу жониворнинг ҳам феъли инсонга ўхшаш», лейди. У илоннинг бошини янчиди, хўрз билан макиённи озод киласди. Уларни ўз ўғилларига бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товук сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар йўламас эмиш. Хўрзнинг чакириши эса яхшилик белгиси саналган.

Унда Навоий нега бемаҳал қичкирган хўрознинг боши кесилиши тўгрисида эслатаётир? Бу ҳодиса ҳам Каюмарс тақдирига боғланган. Бир куни ўша ок хўроз кутилмаганда кечки пайтда қичкириб қолади. Одамлар бўнинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроз кечки пайт қичкирдими – бу ёмонлик хабари, ундан хўрозни дархол сўйиш лозим, деган гап ақида тарзида асрлар оша яшаб келган. Хўрознинг бемаҳал қичкириш ҳодисаси орқати Навоий ўринсиз гап, бемаврид алжираш инсонни ўлимга маҳкум этишини таъкидлаган.

III. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

“КИМКИ БЕИШҚ ИЛМУ ДОНИШ ИСТАГАЙ...”

Мұхиддин АБДУЛҒАФФОР: – Иброҳим ақа, ассоций штимий йұнанашынғыз навоийшүунослық бұлғаны учун сұхбатни ҳам шу мәвзудагы сабол билан бошласақ. Жамият онғыда Навоий – ўзбек миңлатинине маңынайтын пәндары, деген бир оз расмийроқ тасаввур көрор топсан. Шу сабабдан ҳатто бозордагы қаллобдан сұрасанғыз ҳам дарров құланин күкесіга құйиб, “Навоий – бобомиз!” дейди. Лекин ул зоти шариф, бүгүн урға кирған сұз билан айтғанда, фақаттана “брэнд” бұлиб қолиши дуруст әмас-да! Машхұр рус шоири Марина Цветаева бир асаршының “Мой Пушкин” (“Менинг Пушкиним”) деб атаганың әсингиздадыр. Ваҳоланки, бизнің ҳатто адабий дағрага мансуб кишилар орасыда ҳам “Менинг Навоийим”, дейдиган кимсани төпши дүшівөр. Ахир, Пушкин каби Навоий ҳар бир киши ўзича қашып эттіши зарур бўлған даҳо-ку! Сизнинг назаритигизда, бунга нималар тұсқынлик күлянти? Демократия парадокси – танбал оммаю унинг “улғуржы” маданиятими? Ёки навоийшүуностарымыз буюк шоир панжасында мүносиб панжя уротташытими? Ҳазраттинг сұз оламига мұайян асарлар таҳлилу талқынлари орқали киришини аён ҳақиқат. Лекин нега бизда барча таҳлилу талқынлар бир хит: шакт бобида фалон мисридаги фалон санъатдан ҳайратта тушилаби-ю, мазмун бобида еса тасаввүф таълимотига эттиб болғанади, тамом вассалом. Нега бир асирға бир неча усул билан ёндайшында жүръят эттілмайди? Математиклар айтмоқчы, үнта мисолни битта усул билан ечғандан күра, битта мисолни үнта усул билан ечған самарағыроқ әмасми? Эхтимол, Навоий абети ҳар бир құнғыл мулкига айланыб кетмәётганиңа бошқа сабаблар ҳам бордир, нима дейсиз?

Иброҳим ХАҚҚУЛ: – Навоийни ўқиб-ўрганиш ва англаш ҳақида кейинги пайтларда ҳам анча-мунча фикр-мулоҳазалар айтилди. Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг “Тафаккур” журнали саволларига берган жавобларида шундай бир талаб ҳам ифодаланған: “Навоийдан камида минг байт ёд билмаган киши ўзини зиёли

ҳисоблашга ҳаққи йўқ деб ўйлайман. Нафақат зиёли, балки мен ўзбекман, Навоий менинг бобом деб айтишга ҳаққи йўқ деб ўйлайман". Бу – умуман тўғри гап. Аммо ҳаётга нигоҳ ташласангиз, аҳвол тамоман бошқача. Тушунмаслик билан тушунишни истамаслик айни бир нарса эмас. Навоий масаласида истакдан кўра оммада истаксизлик туйғуси устунроқ. Сабаб нима? Сабаб кўп ва шошилмасдан уларга жавоб топишга уриниш керак. Навоий ижодиётини оломон савиясига мослаш ёки қандайдир юза мақсадни кўзлаб оммалаштириш мумкинми? Бундок ҳаракат Навоийни ўқувчидан янада узоқлаштиради. Улуғ санъаткорлар асарларини осон англай олмаслик муаммоси ҳамма вақт бўлган. Ва бундан кўз юммаслик лозим. "Оддий немис ҳалқи Гётени, оддий француздар – Мольерини, хатто инглизлар Шекспирни ўқишимайди...", – дейди машхур рус адаби И.С.Тургенев. Бошқа ҳалкларнинг айрим доҳий ижодкорлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, Пушкинни олайлик. Марина Цветаева "Менинг Пушкиним" дея ўзига хос бир китоб ёзгани билан, Пушкин ижодиётига қанчадан-канча рус қаламкашлари ичдан ҳеч яқинлик сезишмаган. А. Твордовскийнинг ёзишича, кўпгина ёш рус шоирларида ҳам Пушкинни пухта ўрганиш истаги бўлмаганидек, улар ҳар кайси қалам соҳибининг Пушкинга борадиган алоҳида йўли бўлиши зарурлигини ҳаёлга ҳам келтиршмаган.

Шукурлар бўлғайки, "Менинг Навоийим" дейишга муносиб адиларимиз бўлган: Айний, Ойбек, Максуд Шайхзода. Ана шу ижодкорлар ва фидоий зиёлилардан ўрнак олиб, имкон даражасида Навоийни ҳалққа кенгрок танитиш учун ҳормай-толмай заҳмат чекадиган янги авлод етишиб чикиши керак.

Ҳеч качон, ҳеч ким "Навоийнинг панжасига панжа уриб" билмайди. Навоий Шахсига яқин бориш, ижодиётининг умум руҳиятига суюниб асарлари маъно-моҳиятининг нисбатан тўғри талқинларини яратиш – катта ютуқ. Навоий ижодиёти ижтимоий-маданий эҳтиёж, дунёқараш, руҳий ҳолат ва эстетик идеал жиҳатидан XX асрда пайдо бўлган реалистик адабиётдан кескин фарқланади. Унда айтарли ҳамма нарса

абадият тушунчаси ва тайёргарлиги нуктаи назаридан ё маъқулланади ёки инкор этилади. Келинг, ҳар қандай буюк санъаткор ижодиётининг марказида турадиган “Мен” тушунчасига тўхтатсалсак. Навоий девонларида фано ва фанолик калимаси тилга олинмаган шеърни учратиш қийин деса, хато бўлмас. Бундай фанопарастликнинг боиси нима? Ҳақдан ўзга ҳамма нарсанинг ўткинчи ва бакосизлигини айтиш ё таъкидлашми? Йўқ, албатта. Навоийда Шахс камолининг бир каноти башпарилик бўлса, иккинчиси илоҳийлдикдир. Лекин илоҳийликни, зинҳор базинҳор ҳаёт завки, тириклик ва инсонийлик муаммоларидан йироқ ҳолат ёки руҳоний каноат деб билмаслик жоиз. Хуллас, Навоийнинг фано тушунчаси бир “Мен” ва “менлик”дан кечиб, ҳеч қанақа нафсоний манфаат, таҳлика ҳамда таъсирга берилмайдиган мутлақо эркин бир “Мен”ни яратишдан иборатдир. Биринчи “Мен” ва “менлик”нинг ўрни ҳам, макоми ҳам паст, иккинчисиники гоятда юкори. Зеро, улардан дастлабкиси башпари (моддий, зоҳирий, ҳиссий, ҳайвоний, нафсоний), кейингиси илоҳий (маънавий, руҳоний, ботиний, малакий)дир. Тасаввух ахлокий ва маънавий ҳаётда шу икки Мендан устунликка эришганини тўла ҳоким айлаш билан тугайдиган бир курашдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони шу курашнинг паҳлавонларидан ҳисобланади. Тўғри, шоир башпари менлиқдан баҳс юритганда, кўнгли жуда эзгин, махзун, гоҳо ўзини аёвсиз айлаш ва танқид қилишга мойил.

*Мени киши демаса эл матул невчун ўтлай,
Киши ҳисобида мен ҳам ўзумни санаман.*

Ёки:

*Даҳри фоний, эй Навоий туштурур ёхуд ҳаёл,
Давлати боқий умидинг бўлса, кечги боридин.*

Аммо шоир илоҳий “Мен”дан сўзлаганда, фавқулодда магрур ва некбиндир. Барча зафарларнинг зафарини ҳам Навоий таъма, риё, қибр, худпарастлик, қаллоблик каби иллатлардан тозаланган ҳудди шу менлик билан алокалантиради:

*Фони јұлуб кимки ниәз айлады,
Танғри ани кошиғи роз айлады.*

Навоий шеърларида мазқур икки ҳолатда ифодаланған фикр-түйғулар бир-бiri билан зидлашса-да, икки “Мен” мавжудлиги инобатта олинса, қарама-қаршилик ўз-ўзидан четта суриласы. Ва ҳамма нарсаны ана шу янги маънавий “Мен” ҳал қилиши ўз-ўзидан ойдиналашады.

*Риёу ужбұ ҳасад дағын әт фано билаким,
Кептур бу дору ита мунча мұхтатыф амроз.*

Тахлилу талқынлардаги бир хилликни ҳам, мазмун бобида Навоий асарларини тасаввуф таълимотига әлтиб тақашларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан кейинги ўн йилликда булар бир “удум” тулага кирган ва нисбатан суъистемол қилинаётган уринишдир. Бу ҳақда батафсил гапириш ва ёзиш зарур. Аммо аксарият олимлар учун “Сен менга... мен сенга...” ақидаси жуда мақбулга ўхшаб қолди.

М.А.: – Навбатдағы саволнинг ҳам бир чети ҳазрат Навоийга бориб тұтасады. Сиз адабий учрашувлардан бирида Навоий мероси ва ёштар шеърлігі мәвзусида бағс очиб, от айланыб қозигини топғандек, ёштар ҳам излай-излай бир қуни албатта Навоийга қайтади, деган әдингиз. Ана шу учрашуводан бүён ҳам чамаси йигирма ишлар үтди-ёв. Лекин ёш қаламқаштар ҳануз Гарб адабий тажрибасыга, модерн ва постмодерн услугаларға майл күрсатыёттир. Нима, ўша башораттингиз нотұғри чиқдими? Ёки Сиз айтған қунни яна озроқ күтиши лозимми? Замонавий адабиётдан-да чуқур хабардор олим сиғатида айтынг-чи, бугунғи сұз санъаттамыздагы модерн ва постмодерн тамошларыға муносабаттингиз қандай? Сиз, модерн ва постмодернчилар инсон рухий оламининг әнг чекка пучмөқтари қадар кириб боряпты, сұзның тасвирий ва ифодавий имкониятларини ҳам айнан шүлгар дадил қашып этяпты, деган фикрдаги тарафдорлар сағиғдамисиз ёки, тұғри, бадий адабиётда ҳам асбоб-аслағани яңғылаб туриши керак, лекин маъно-

моҳиятни қурбон келтириши ҳисобига эмас, деган фикрдаги мухолифлар сафидаими?

И.Х.: – Адабиётимиздаги ғарбчилик таъсири ва тажрибалари, модерн ва постмодерн йўлидаги ижод намуналари баҳсида бир-бирини қўллаб кувватловчи фикрларга тескари – уларни инкор айловчи мулоҳазалар ҳам илгари сурилиб келинмоқда. Бу – яхши. Бадиий ижодда янгилик ва янгиланишга ўз-ўзидан эришилмайди: изланиш, об-хавони ўзгартиришга бел боғлаш зарур. Аммо бунда ижодий эҳтиёж, янгиликни оқладиган моҳият аник ва ёркин бўлмоғи керак. Акс ҳолда энг самимий ижодий ҳаракат ҳам кўғирчоқбозлик машғулотига менгзаб колиши хеч гап эмас. Анъянавий ижод тажрибасида бир хиллик ва эскириш аломатлари бўлган, бўлиши мукаррар. Модернилик байробини кўтариш хоҳишидаги ижодкорлар, энг аввало, худди шу бир хиллик, янада аникроғи, шакл, мазмун ва ифодадаги тургунликка қарши. Шу маънода тушунишгина эмас, уларни қўллани ҳам лозим деб ўйлайман. Бирок асрлар мобайнида яшаб келган гоявий-эстетик анъяналардан узилиб ёки ундан бутунлай иироклашиб адабиётда янгилик яратиб бўлмайди. Янгилик миллий шуур, миллий тафаккур, миллатнинг маданий-маънавий идрокига мувоғик зайлда юзага келиши лозим. Афсуски, модерн тамойилда битилган асарларда табиийликка нисбатан атайинлик, илҳомга караганда таклидчилик ортикрок кўзга ташланади. Тўғри, модерн ижод вакиллари орасида астойиидил мешаққат чекиб ҳам ижоди, ҳам шахсини шакллантирганлар бор бўлса-да, баъзиларининг шахсияти, дунёкараши жуда ожиз ва гаридурки, адабиётга бундайлардан бир манфаат етмаслиги аниқдир.

Менимча, навкирон каламкашларнинг Ғарб адабиётига майл ва қизикишлари ўтган асрнинг саксонинчи йилларидағидек кучлимас ва ушбу ҳолат бундан кейин янада мўътадиллашади. Қолаверса, Вакт аталмиш олий ҳакам кераклидан кераксизни, яроксиздан яроктини ажратишда хато килмайди. Хеч нимага ишонилмаса ҳам, шунга ишонмок лозим.

М.А.: – Устоз Озод Шарафиодинов бир вақтлар, шоир кўп-у, шеър оз, дея куйинган, ҳақиқий шеърнинг камлигига эса бир сабаб деб "маддоҳизм"ни қоралаган эди. Чунки адабий тамагирлик бўлмиши маддоҳизм ҳар доим адабий саёзлик ҳисобланган примитивизм билан эгиз ўлароқ дунёга келади. Бу тоифа "шоир"лар Ватан, ҳалиқ, истиқлол каби мўътабар (айни чоғда "ликвио") мавзуларга ётишиб, ҳаммага маълум гаплардан ясама қўтариинкилик билан мисра тизади. Ваҳолани, асл шеър ҳар қачон... сир бағрига сафардир! "Маддоҳизм" ва примитивизмнинг манбалари, табиати, оқибатлари, алахусус, уларга қарши кураси йўллари тўгерисида ҳам фикрингизни билшини истардик...

И.Х.: – Маддоҳлик, саёзлик, соҳтакорлик... Шарқ шеъриятида булар асрлардан асрларга ўтиб, ҳамон харакатдан тўхтамаган нуксон ва иллатлардир. Аммо тан олиш жоизки, бугунгидек улар ҳеч қачон туркираб қулоч ёзмаган эди. Ўртамиёнани ва талантсизларнинг ҳозир куни туккан. Истаганини ёзади. Хоҳлаган қоғоз ва муқовада китобини чиқаради. Ҳеч ким "пишагини пишт" демайди. Аксинча, ўша китоблардан анча-мунчаси номдор-номдор шоир, адаб ёки мунаққидларнинг сўзбошилари билан чоп этилганига нима дейсиз? Бадиий сўзнинг қадр-қиймати қани? Бурч ва уят ҳисси қаёнда қолди? Жавоб тополмайсиз. Халтура китобларнинг тақдимоти хусусидаги гап-сўзларни эшишиб эса ҳайронлик янада ортади. Шу жойда тасаллинамо бир фикрни ҳам айтиб кетай.

Эски ваҳдати вужудчиларнинг тушунчаларига кўра, чиркинлик бўлмаса, тозалик ва гўзалликнинг аҳамияти билинмайди; ёмонлик бўлмаса, яхшилик ва эзгулик ардок тоимайди; агар ўлим бўлмаса, тириклик ва ҳаёт қувончи қийматсиз нарсага айланади. Худди шунингдек, яроқсиз сўзлар, ёлғон ижод намуналарига дуч келмасак, гўзал ҳистийгулар, жозибали фикр ва тасвирлардан таркиб тонган асарлардан ҳайратланмасдик. Демоқчимизки, бутун бўлмаса, эртага яйратиб, тафаккурни янги-янги уфқларга қанотлантирадиган саъат асарларининг яралиши ҳам муқаррардир.

М.А.: – Башоратларга кўра, ҳозир қадам қўйганиниз ахборот замонининг негизини билди тақиқи этимиш-ю унинг пешвоси бўлиб олим сиймоси гавдаланиши лозим эди. Гўё, болалик чоғларимиздан қулогимизга қўйилган ўша, "Олим бўлсанг – олам сеники", деган макола шаҳарни ижобат бўладигандек... Бироқ, таажжубки, бунга муттақо қарамакарши бир таомийт кун сайдин куч йигиб бораётир. Янги замонининг пешвоси ўлароқ жиславор артист сиймоси майдонга чиқмоқда, илм-фанга аталган ўринни эса ҳар турли "шоу" – томоша эгалламоқда. Бундай жараён фақат бизнинг юртимизда кечачётганни ўйк, у узок-яқин барча ўлкашарни домига тортиган. Эсингизда бўлса, Чингиз Айтматов сўнгги ўрик асари – "Мангу қайтиқ" романидаги ҳам шу ҳодисанинг қирғиз версиясини қаламга олган эди. Дарҳақиқат, "сотка"сини туморга айлантирган бугунгни кун кишислига шу матоҳнинг илк "аждоҳ"ини яратган шотланд иктироҷиси Александр Белі бунга қандай машаққантлар бадалига эришганини билдишдан кўра, Ҳолтиувуд суперюлдузи Мерилин Монронинг оёғидаги бармоқтар сони нечта бўлганини билши қизиқроқ. Шундай бир шароитда илм қадри, олим тақдиди ҳақида кўнглигиздан қандай ўйлар кечади? Балки олимлик рутбаси... ҳар қандай вазиятда ҳам олим бўлиб қолишадир?!

И.Х.: – Очиғини айтсам, илм-фан ва олимлик ҳақидаги менинг фикр-мулоҳазаларим унчалик ҳам қувончбахш эмас. Биринчидан, назаримда илмдаги асрий холистик, фидойилик туйғуси сезиларли йўсинда пасайиб кетди. Айникеа, диссертация ёзиш, илмий даражани кўлга киритиш мусобақаси юксак мақсад ва идеалдан йирок ишга айланниб колди. Шунинг учун ижтимоий фан соҳаларида, жумладан, адабиётшуносликда ҳам шахсияти бехад майда тасодифий кимсаларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётирки, бу хусусда жиддий бosh котириш керак. Шундай диссертантлар бор: ҳатто ўзи ўргангандан мавзунинг сир-асрерини бемалол тушунтириб беролмайди. Чунки ишни ўзи ёзмаган. Шундек тадқикотчилар учрайди: таниш-билингга суюниш, яъни хийлакорликдан бўлак "салоҳият" и йўқ. Билим диддан, дид савиядан бутқул паст. Қарангки, худди мажбурият олгандай

шұнақаларни күллаб-қувватлашдан толықмайдиган баобрү олимлар ҳам оз әмас.

Адабиётни – адабиёт деб англаш, адабиётта – адабиёт ўларок қараң учун олим ҳақиқатда билагон ва виждонли бўлиши зарур. Бўлмаса, коғоз коралаб, ёзиб-чизгандарини бир муқовага жамлаб колдирган қаламкаш борки, бариси классиклар каторига қўшилаверади. Бошдин-охир диний, тасаввуфий гоя ва тушунчалар талқину тарғибиға багишлиган асарларни ҳам соғ бадиий ижод намуналари сифатида тадқиқ этиш ғалатдир. Адабиёт ахли нари турсин, илм вакиллари ҳам билмайдиган ва ҳақиқий шеъриятга алокасиз девонлардан номзодлик диссертациялари ёзиш сўнгги пайтларда авж олди. Бу – наинки адабиёт, илм-фан ва олимликни таҳқирлайдиган, балки машхур турк адаби Азиз Несиннинг “Шоир Шармандий қачон туғилган?” номли ҳажвиясида фош этилган сунъий илмбозликини оёклантиришга монанд уринишдир. Алишер Навоий:

*Илмни ким воситаси жоҳ этар,
Ўзини-ю ҳалқни ғумроҳ этар.*

деганда ҳақиқатни нечоғлик теран ифодалаб, нақадар узоқни кўра билган! Байтдаги “жоҳ” сўзи “Навоий асарлари луғати”да мансаб, бойлик, мартаба деб изоҳланган. Ином Фаззолий эса уни “зўри зуғм ила ўз фикрини ўзгаларга ўтказмоқ – фикрий мустабидлик” дея шарҳлаган. Агар ушбу маъно инобатга олинса, байт мазмуни янада кенгаяди ва бойийди. Аммо биринчи маънода ҳам, кейингисида ҳам илмни воситага айлантирмасликка даъват қилинган. Ахир, илмни жоҳ воситасига айлантиришнинг касофати биргина кимса билан чекланмайди, ҳалққа ҳам бориб тегади. Шўро замонида илм майли билан моддий манфаат, амал ва мансабга эришиш хирси қўшилиб-корилиб кетгани боис илм-фандан восита сифатида фойдаланиш айб ҳам, уят ҳам санламасди. Ваҳоланки, бу нарса олимлик эътиқоди ва имонига мутлақо хилоғлиги қундай равшан.

Яна бар мурохаза. Мумтоз адабиётни, шунингдек, Алишер Навоий илмий-адабий меросини тадқик ва таҳлил қилишда XX асрда ютуқлрани кўлга киритиш билан бир каторда жиддий камчилик ва хатоликларга ҳам эрк берилган. Шулардан бири ўтмиш адабиётининг ички олами ва таркибини ботиний илмдан ажralган ҳолда ўрганиш эди. Ҳолбуки, классик адабиёт намуналари, хусусан, Навоий шеъриятини илми ботин дея аталмиш ва тасаввуфнинг марказида турган Рух, Қалб, Сир илмидан айри тарзда текшириш маърифат ва орифликка зид бўлган. Бундан ташқари, мумтоз матнларни психология, яъни рухиятшунослик нуқтаи назаридан таҳлил ва талкин этишда ҳам ботин илмидан юз буриб олдинга караб ҳеч кадам ташлаб бўлмайди. Энг ёмони, бир ориф шоир тўғри айтганидек:

*Илми зоҳир кибру гавғо келтирур,
Илми ботин сўзу савдо келтирур.*

*Кимки бешиқ илму дониш истагай,
Илми бирған молу давлат излагай.*

Хуллас, илмда ҳам ишқ чироғи ёнмаса, инсон қўнгли нурланмайди ва бехуда баҳс гавғолар кизигандан кизийверади.

М.А.: – Иброҳим ака, Сиз бугун ҳазрат Навоий умрини яшаб турган одамсиз (Олгоҳ яна кўп ўйлар соду саломат қитсин!). Шу ўйлар давомида, фикрчан инсон ўлароқ, яшаш илмини чуқур англешга интилгансиз, албатта. Касб-кор тақозосига кўра, ҳаёт мактаби санатниш адабиётдан-да анча-мунча фойдали сабоқлар олганингиз ҳам бор гап. Истардикки, бу борада ўзитигиз англаб етган фалсафа билан бизни ҳам ошно этсангиз. Айтинг-чи, бу фунёга келмагу кетмакдан асл маъни не ўзи?

И.Х.: – Айни шу савол устида Навоий бобомиз кўп ўйлаб, тўхтовсиз мушоҳада юритиб, шеър, достон, насрий асарларида ҳар турли жавоблар битиб, бир ўринда “На келмагим аён бўлди, на кетмагим”, деган холосани ҳам

айтганлар. Навоийдай улуғ мутафаккир санъаткорки, шундай қарорга келган экан, биз каби бандай ожизлар нима ҳам дерди? Л.Н.Толстойнинг ўлим олди қўлини ҳавода нари бери тебратиб “Тушунмадим!” дегани ҳам ибратли.

Инсон борасидаги энг тўғри ва энг ҳаққоний ҳақиқатни китобдан эмас, ҳаётдан, фаҳм-фаросати ўткир одамни алдай билмайдиган вокеликдан кашф этиш лозим. Мана шунда инсон қисмати ва ахволига китобий нигоҳ билан каралмаганидек, “яшаш илми”ни мураккаблаштирадиган ортикча даъвою иддаолардан ҳам кўнгил фориғ бўлади. Мен англаб етган жайдари фалсафанинг интиҳоси ҳозирча мана шу!

“Тафаккур” журнали, 2013 йил №4

“МУАММОНИНГ КЎЗИ ОЧИЛСА...”

Беҳзод Фазлиддин: – Иброҳим ака, сұхбатларинизнинг бирида: “Буюқ аждоҳларга муносиб ворис бўлшининг бош шарти – худди ўшаларга ўхшаб доимий ва қатъият ила олдинга ҳаракат қилиши”, деган эдингиз. Назаригизда, бугунги авлодниң аждоҳлар олдидағи қарзи тимада?

Иброҳим Ҳаққул: – Ўшаларга ўхшаб табиий, тўғри ва эркин умр кечиришни эплай олишда. Қачонки тил билан дил, сўз билан амал орасида узилиш бўлса, аждодлар билан авлодлар ўртасида узилиш ҳам шу бўлади. Бундай пайтда тарихий сиймоларни макташ ўз ожизликларини яшириш никобига айланади.

Б.Ф.: – Авлодлар алмашинуви ҳар қайси жасиняятга хос хусусият. Табиини, ҳар қандай авлод вакиллари маътум жиҳатлари билан фарқ қиласди, ўз наебатида, бир-бирини тўлдиради. Сиз авлод тушунчасига қандай қарайсиз?

И.Х. – Авлод тушунчаси бўлган. Бор. Кейин ҳам бўлади. Бир авлод иккинчисидан фикр-карашлари, маслаги, журъат-жасорати, кай мақсадлар учун кураштанлиги билан ажралиб турмаса, авлод дегани маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий киёфадан маҳрум тўдадан ҳеч фарқланмайди. Шўро давлати ҳукм юритган даврларда бир неча авлод зулм ва қарамлик қурбони бўлишган. Бу фожиани унутмаслик керак.

Б.Ф.: – Сизнинг авлодингиз (бу иборани алоҳида таъкидлагим келади) фаҳат адабиётдагина эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам фаол, кези келгинда, муросасиз эди. Сизлар ўшанда “Дунёни адабиёт қутқаради” деган ақида билан яшаганга ўхшайсиз. Бу уринишларингиз бесамар кетмагани аниқ. Нима дейсиз, бугунги авлод давр эҳтиёжларига муносиб жавоб бера ол(а)дими?

И.Х.: – Биз учун адабиёт чиндан ҳам мукаддас бир мавжудлик эди. “Дунёни адабиёт қутқаради” деган ақида билан яшамаган бўлсак-да, адабиёт ҳаётни, инсонни ўзгартиришига ишонардик. Тенгдошлиаримдан кўпчилиги шахсий ҳаёт ташвишларини назарга илмай адабиёт, ҳақиқаг,

хуррият дарди билан кун кечиришган. Бугун бундай ҳолатни кузатиш қийин. Ёш ижодкорларда давр, замон, келажакка муносабатда қандайдир торлик, маҳдуллик борга ўхшайди.

Б.Ф.: – *Бутун илмий фаолиятингиз Ўзбекистон Филлар академияси Тиг ва адабиёт институти билан боғлиқ ҳолда кечеётир. Ўтган йиллар давомида неча-неча ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишлари муҳокамасида қатнашгансиз. Бугунги навқирон илм, бўлгуси олимлар ҳақида фикрларингиз қандай? Улар фаолияти сизни қониқтирадими?*

И.Х.: – Илмга янги кириб келганлар олдинги авлод вакилларидан албатта ўзиб кетишади, деган фикр яқин-яқингача менда баркарор эди. Ҳозир ундей эмас. Чунки дид, савия, дунёкараш ва шахсият хусусида жиҳдий ўйлаб, каттик захмат чекилмаса, олимлик ҳам ўзига яраша бўлади. Ёшларимиз фаолиятини имкон даражасида кузатаман. Аммо улар сафида хис қилиш, билиш, ҳаракат салоҳияти юксаклари анча сийрак. Ваҳоланки, мустакиллик шарт-шароитида ўзига ишончи биланд, кўнгли ҳам, фикри ҳам эркин истеъод соҳибларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоги керак. Бу хақда ёшларнинг ўзи кўпроқ фикрлаши лозим, деб ўйлайман.

Б.Ф.: – *Мақолаю суҳбатларингизда ижод ва эътиқод вобастагиги ҳақида кўй таъкидлайсиз. Биз ёшлар эътиқодни жуда тор маънода, асосан, диний истилоҳ сифатида тушунадиганга ўхшаймиз. Айтинг-чи, ёш авлоднинг ҳаётий эътиқоди учун нима гар мухим? Умуман, эътиқод тарбияланадими?*

И.Х.: – Эътиқоднинг пойдевори, албатта, дин. Диний ишонч ва тушунчалардан ажralиш – ўзни руҳониятсизлик оғатиу даҳрийлик кулфатларига маҳкум айлаш демак. Айни пайтда эътиқодни диний-илоҳий мазмун-моҳият билан чеклаб ҳам бўлмайди. Ишқ, Маърифат, Ҳақиқат... – буларни эътиқоддан айри ҳолда тасаввур этиш мумкинми? Ор-номус, ҳаё, ғурур сингари безавол туйгуларнинг муҳофизи ҳам, аввало, эътиқоддир. Инсон иродаси қанча бақувват бўлса, эътиқод ҳам ўшанча кучга тўлади. Одамнинг энг катта душмани – қўркув ва таҳтика. Эътиқод ана шу ғанимни

таниш ҳамда унга қарши туришга рағбатлантиради. Умуман, эътиқодсизликдан халос бўлишнинг ягона чораси ҳаёт синовларидан ўтган эътиқодга суюниш хисобланади.

Б.Ф.: – *Шу пайтгача бўлган ҳаёт ва ижодингизнинг асосини мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижодини ўрганиши, тадқиқ этишига бағишлагансиз. Назаримда, биз Навоийни ўрганиши учун ўша давр – XV асрга бормоқчи бўлатиз ва бу мумкин эмас. Ваҳоланки, мутафаккир бобомиз вакт масаласида ҳам шунчалар илгарилаб кетганки, чексиз имкониятлар асли авлоди ҳали-бери унинг этагини тута олмаса керак. Гарчи бу борада кўп фикрлар билдирган бўлсангиз-да, сўрамоқчиман! Навоийни қандай қилиб XXI асрга қайтариш мумкин? Бунинг энг самаралий йўлларини санаб ўтсангиз.*

И.Х.: – Навоийни ҳеч бир маънода ўз асли ва замонидан ажратиб бўлмайди. XXI аср ўқувчиси Навоийни билишга кучли эҳтиёж сезса, мақсадга етишмоқ учун тил, тарих, анъана ёки дин ва фалсафадан бир йўл излашга киришади. Буни бирор санъат ва маҳорат жозибасидан, кимдир ҳаётий таассуротлар тасвиридан, бошқа бири тасаввифий тушунча ва тимсоллар ифодасидан топиши мумкин. Мухими, у ёки бу асосга таяниш.

Навоийни Навоийнинг ҳиммати ва ёрдами siz ўқиб-ўрганиш анча кийин. Бу нима дегани? Аввало, дунёга, ҳаёт ва инсонга мутафаккир шоир нигсхи билан қарашга уриниш дегани. Навоий ёқлаган ва улуғлаган ҳақиқатларни юракдан ўтказиб, қоралаған нарса ва тушунчаларни дил-дилдан инкор айлашга бел боғланг, кутилмаганда кўнгилда ўзингиздан норозилик хисси бош кўтаради. Ана шунда Навоий сўзларини anglash ва ҳазм қилишда тафаккур кучи билан бирга маънавий-рухий кувват зарурлигига тўла икрор бўласиз. Улуғ шоир қитъаларидан бирида, мана нима дейди:

*Кимки маҳлуқ хизматига камар,
Чуст этар – яхшироқ ушотса бели.*

*Кўл қовуштургуча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эгни, синса или.*

*Чун хушомад демакни бошласа коши,
Ким тутулса дами, кесилса тили.*

Яъни: Кимки манфаат туфайли ўзига ўхшаш бир банда – маҳлукнинг хизматига қаттиқ бел боғласа, бундан кўра унинг бели шикастлангани яхшиrok. Кўл қовуштириб қуллукбозликни қойиллатишдан кўра эса одамнинг елкаси чикиб, қўли сингани авто. Агар тил хушомад айтишга бошласа-чи? Унда нафас тутилиб (ёки чиқмай), тилнинг кесилгани мақбулдир.

Гўё қарғиш “тил” и билан битилган бу китъя шеърхонни ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга муросасиз бўлишга чорлайди. Лекин амалий уриниш ва қиёсий фикрлаш сўнгида ўқувчи ички азобдан бошка бир нима топмайди. Тирикчилик ташвишу армонлари билан куршалган ҳалойиқ асрлар мобайнida ҳурликдан мутеълик ва тобеликни, ғуурдан ғуурсизликни, ростгўйликдан хушомад ва тилёғламаликни афзал кўрган. Зеро, нима яшашга енгиллик бериб, қулайлик туғдирса, инсон ундан ажралишни хоҳламайди. Демоқчимизки, Навоий талқин қилган ҳақиқатларнинг моҳиятига этиш, замон талабларига мувофиқ равишда уларни ривожлантириш учун ўқувчида наинки аклий, балки маънавий-рухий имконият ҳам баланд бўлмоғи шарт.

Б.Ф.: – Очиги, бир жиҳатдан, бугунги ёш авлод Навоийни тушунмаётганидан (ўқимаётганидан дея олмадим) хурсанд бўламат ҳам. Негаки, орада беш ярим асрдан зиёд вақт (аммо улуг шоир ҳамон асримиздан олдишда эканини айттиб ўтдик) ёки мураккаб тил, ажнабий сўзлар эмас, бутун башириятига маънавий раҳнамо бўлгулик улуг даҳо “тўсиқ” бўлиб турибди. Бошқачароқ айтсан, биз ёшлар Навоийни тушунмаётган эканимиз, бунга буюк мутафаккирнинг ўзи “айбдор” гўё. Замонавий тил билан айтганда, “суперинсон” – Навоий оламига бўйлашга ҳар кимнинг, айниқса, ҳали деярли ҳеч нарса қўлидан келмайдиган беқарор туйғулар

эгасининг юраги бетлармиди? Шунинг учун ҳам мен ўз-ўзидан “Навоийни ўқиятман” дея күкрак керган тенгдошиштинг гапларидан шубҳаланаман. Албатта, бу ерда гап уқиб ўқии ҳақида кетмоқда. Табиийки, Навоийни ўқиётгап ёшлар ўзи сезган-сезмаган ҳолда бошқалардан ўзини устунроқ қўя бошламастигига кафолат йўқ. Улуг даҳо дунёсига ҳануз ошно бўлиб келаётган инсон сифатида фикрларимни малол олмайсиз, деган умиддаман. Ўзингиз “Навоийни маълум манфаатлар, ақлий муддаолар нуқтани назаридан турибгита ўқимаслик керак”, дейсиз. Айтмоқчи бўлганим, Навоийни ўқии учун, аввало, ички эҳтиёж ва руҳий яқинлик бўлшини керак эмасли? Бу дунёнинг ёшлари орасида Навоийга ботинан боғланганлари бормикан? Ёш навоийшунослар орасида-чи?

И.Х.: – Биласизми, Алишер Навоий ижодиётига теранроқ кириб бориш кишини “майдагина ғолиб, майдагина мағлуб”лик қисматидан бир қадар кутқазади. Навоийшунос бўлишнинг асосий шартларидан бири “ўзлик иморати”ни бузиш, яъни сифат эътибори билан ўзини ўзи ислоҳ айлашдир. Бу ишнинг ўзига яраша кийинчилик ва азоблари борки, буларни ҳеч кимга суюнмасдан хар кимнинг ўзи ҳал қилади. Навоийни пухта ўқиб, яхши тушинган ёшлар “ўзи сезган-сезмаган ҳолда бошқалардан ўзини устунроқ қўйса”, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Навоийни билиш, истанг-истаманг, одамни маънан ва руҳан баландга кўтаради. Ана шунда руҳда чексизлик, самовийлик иштиёқи канот ёзадики, ботиний хаётда ажаб холат ва манзараларни кўриб хайронлар қоласиз. Ҳамма даҳо санъаткорлар сингари Навоий ижодиёти ҳам қалбни сўнгсизлик завқ-шавки билан орзиктиради. Руҳан Навоийга яқинлашишни кўзлаган киши буни албатта эътиборга олмоги лозим...

Б.Ф.: – Мақола ва сўхбатларингизда Навоийни Навоийга яқинлашитириши ёки Навоийни Навоийдан ўтироқлашитириши борасида гапириб, бу дунги маънавий муаммоларимизнинг аксарияти классик меросдан узоклашиши туфайли келиб чиққанини куйиниб таъкидлайсиз. Шахсан менга мумитоз ва замонавий адабиётни бир-биридан айримаслигинги, аксинча, бирини иккинчисига узвий бөглиқ ҳолда ўрганишига даъват

Этишингиз жуда маъқут тушиади. Яна, улкан ижодкорлар фикрига таяниб, замон адабиёти намуналари ўқувчи диққат-эътиборини ўзига чуқур жаіб эта билмаса, мұмтоз адабиёт билан алоқа ҳам сусайып боради, дейсиз. Демак, классик меросдан узоқ эканимиз замонавий адабиёт билан боғлиқ экан-да?

И.Х.: – Ҳеч бир давр, хеч қайси замонда адабиёт ҳаёт ҳақиқати ва инсон тақдирини ўзи истаган даражада әркин ҳамда ҳаққоний тарзда тасвирлаб бера олгани йўқ. Бунга қарши кучларнинг кўли эса доим баланд бўлган.

Бадий асар қачон қизиқиб ўқилади? Қачонки ҳалқ унда ўз турмуши, ижтимоий ахволи ва ғам-ғуссаларининг рост, табиий тасвирини кўрса. Бир давр адабиёти билан иккинчи бир давр адабиётини мустаҳкам боғлайдиган “олтин занжир” ана шу тажрибадир. Шу маънода шижаотсизлик, қарамлиқ хасталигига йўлиқмаган замонавий адабиёт намуналари мұмтоз адабиётни билиш истагини жонлантириб юборади. Одам қайси давр адабиётини ўқимасин, унда ич-ичдан ўзини кўргиси, хис-туйгуларига мукобил ҳол ва ҳолатларни кечиргиси келади. Демак, замонавий ва мұмтоз адабиётни бирлаштирувчи “кўприк” шахсиятини бутунлаштира олган китобхондир.

Б.Ф.: – Замон ўзгарди. Идеаллар ўзгариб кетди. Шу ўринда идеал тушунчасига ойдинлик киритиб ўтишингизни хоҳлардим. Эҳтимол, бизнинг бу борадаги тасаввур ва тушунчаларимиз ўта юзакидир. Ёшлигингида кимни ёки нимани идеал деб билгансиз? Идеал(лар)ингиз бугун ўзгармадими?

И.Х.: – Менинг қўлим етмаган юлдуз,

Тушларимда сени кўргайман, –

дейди шоир. Менимча, идеал дегани ана шу: қўлинг етмайди, лекин орзу ва интилишдан ҳам тўхтамайсан. Ёшлигимдан то бугунгача менинг идеалим Ҳуррият – Шахс әркинлиги. Одамларга тегишли идеалга келсак, аллақачон у парчаланиб кетган. Ахир, тог деб юрганларинг тела, дарё деб билганинг ирмок ҳам эмаслигини анлагач, не ахволга тушишни тасаввур қиласкеринг.

Аммо идеал ўларок Яссавий, Румий, Навоий, Бобурга муносабатим зарра қадар ҳам ўзгарган эмас...

Б.Ф.: – *Күзатсаныз, ахборот ва шегер технологиялар асри ёшлари бир гаройиб. Атрофға ақтнинг союқ нигоҳлари билан боқаётгап “темир одамча”ларни күриб күркіб кетасан киши. Бир томондан, ҳамма нараса борған сари арифметик аниқтікка бұйсунлаётгап – ҳисоб-китоблы, моддияттарастык урчиган давр ўзгаришиларига реал қараётгап “ақыл”ларни тууцуңгаш келади: ахыр, ҳаёт ўзи шунақ! Аммо күнгил, орифлар Аллоҳнинг назаргоҳыга мензаган ўша Күнгил-чи? Күнгил водийсига деяртпі бүйшамай құйғап, түйегулари қуруқшаб бораётгап “роботсифат”лар ҳақида нима дейсиз? Күнгилшуное олим сифатида түйегулар тарбияси қандай бұлшын керак, деб ўйлайсиз?*

И.Х.: – “Темир одамча”ларга доир гапларингизга қўшиламан. Уларни күриб, кузатиб мен ҳам ахволларига ачинаман. Ишқилиб, уларга шундок толеъни раво кўрганларга Аллоҳ инсоф берсин.

Кўнгил тарбияси барча тарбиянинг тамали бўлиб, унда ҳаётий, ахлоқий, диний, ирфоний түйгулар бир-биридан ажralиб қолмаслиги лозим. Ва кўнгил номидан гапириб, кўнгил дарди, кўнгил ҳукми нималигини билмайдиган кимсалар сони кескин камайиши керак. Акс ҳолда, кўнгил деган сўзни тилга олишга нолойиқ маҳлуклар қуршовида қолиш ҳам ҳеч гапмас.

Б.Ф.: – *“Ватан авомлик балосидан фориг бўлганда қудратли юртга айланади. Ватанды ҳеч ким оломоннинг номидан иш юритмаса ва ҳеч ким оломондан таянч ахтармаса, бу ўлканинг ҳар гўнаси маърифат ва маънавият, тафаккур ва ҳақиқат пойтахтига тенг бўлади”. Бу – сезнинг фикрларингиздан иқтибос. Ҳозир бутун дунёни хавотирга солаётгап “оммавий маданият” (“оломон маданияти”) моҳияттан ушибу сўзларингизга қарши иш кўради. Жонкуяр зиёли сифатида бу “маданият” билан қураш “усул”ингиз борми?*

И.Х.: – Қадимги Рим файласуфи Сенека “Оломонга қизиқ бўлган ҳамма нарсадан коч!” дейди. Ўзимча мен шу гапга

амал қилишга интиламан ва оломоннинг қонини киздирадиган ҳирс ҳамда майлларни ҳозир осон пайқайман. Энг ёмони, бугун зиёли дейиш ҳам ниебий тушунча бўлиб колди. Чунки уларнинг аксаияти айнан оломон вакилидир. Адабиёт, санъат, телевидение, радио – ҳамма-ҳаммасида оломон нигоҳи, оломон ҳиссиёти, оломон овози ва маслаги устунликка талпинаётир. Бунга қарши дадил қурашилмаса, маънавият, маданият, комиллик тўғрисидаги фикрларнинг бора-бора бир чақалик ҳам аҳамияти қолмайди...

Б.Ф.: – Сўз, сўзсиз, мўъжиза. Айниқса, ижодкор ҳалқи бунга шак келтирмайди. “Сўз руҳнинг қанотидир”, деб ёзасиз. Бу улуғларнинг улуг сўзлари таъсиридан бўлса, ажаб эмас. Бугун эса Сўз ҳам бозорга чиқди. Йўқ, уни судраб, оёқ-қўйларни кишсангаб олиб боршиди савдо расталарига. Ачинарписи, устоз даражасидаги баъзи адабиётар ҳам сўзбозорда сарсон. Биз аслида Сўзни нажот фарииштаси деб билгувчи эдик. Фаҳимчалик, ҳозир унинг ўзи ёрдамига муҳтождек, бир замонлар осмонларда озод руҳга эврилиб парвоз қилган Сўз бугун пойгакларда лойга қоришиган ҳолда инсониятдан нажот кутаётгандек...

И.Х.: – Миллионлаб одамлар тинглайдиган замонавий кўшик ва ашулаларни айтмай кўя қолайлик. Газета, журналларда ва китоб шаклида босилаётган “шеър”ларни ўқиш, менимча, сўзнинг қандоқ қийноқларга солиниб, қандай тахқирларга гирифтор этилганини билиш учун етарлидир. Сўзни хору зор айлаш ва қулогидан чўзуб исталган жойга олиб чиқиш ҳадди аълосига етди. Аммо сўз ахволидан очиқ баҳс юритувчи киши йўқ, хисоби. Сўзга бундай муносабат кечирилмас гуноҳ эканлигини илм ва адабиёт ахли англатмоғи ҳам қарз, ҳам фарз.

Б.Ф.: – Аксарият ёшлиарнинг шеър, умуман, адабиёт ва санъат борасидаги тушунчалари ҳам ўзгача, аниқроги жуда саёз, мавҳум. Ахир, шеър “омон”га “ёмон”ни қофия қилиш эмас-ку! Аммо ёшлиар шу қабилидаги гапларни шеър деб қабул қилияпти, ўқияпти, ёд оляпти... Қисқаси, бу масалада хос доира бир томон, омма яна бир томон. Энг яхши шеърлар эса “нафис мажлислар”дагина қолиб кетаётганга ўхшайди...

И.Х.: – Бир хинд донишманди “Инсоният саратон (рак) касаллигига даво топиши мумкин, аммо саёзликка даво топиши душвор”, дейди. Чиндан ҳам, саёзлик давосиз бир хасталикдир. Сиз таърифлаган ёшларнинг қўпчилиги саёзликнинг “жужук”ларидир. Шеър нималигини ўзи англамаса, нимани ёзиб, нимани ёзмасликни ўзи ҳал этолмаса, ёзиб эълон қилган нарсасидан уялиш хисси пайдо бўлмаса – ҳеч нимани уларга тушунтиrolмайсиз. Шу боис ҳам ҳалтура ва қофиябозлик мусобакаси кейинги йилларда жуда авж олиб кетди.

Б.Ф.: – Шу ўринда ўқув юртлари учун чиқарилган адабиёт дарслеклари, ҳозирги тиз ва адабиёт таълими тўғрисидаги фикрларининг, тақлиф-мулоҳазатаринги изни айтib ўтсангиз.

И.Х.: – Бир адабиёт дарслиги хакида гапириб балоларга колай дедим... Шунга карамасдан айтай: дарслик ёзишдан олдин кўзланган талаб ва натижалар аниқ белгиланиши керак. Адабиёт дарслиги ўқувчининг акл-идрохи баробарида рухи, кўнгли, тасаввур ва хаёлотига ҳам таъсир ўtkазиши зарур. Ундаги тиз ва ифода тинклиги, таҳлил ва талқин аниклигини ўқувчи узок пайт эслаши лозим. Миллий туйғу, ҳакикат ва ҳуррият хисси, гўзаллик ва нафосат завкини навқирон авлод қалбida, аввало, дарслик куртаклантиради. Бунака дарслик борлигини шахсан мен ҳали билмайман.

Б.Ф.: – Адашаётган бўлсан узр-ку-я, менимча, китобхонлик ҳам тугма фазилат бўлса керак. Эҳтимол, кун сайин камёб бўлиб бораётган бу хислат ҳам суюк сурар, қондан ўтар. Ўзимизни алдаб нима қиласмиз, ёшларда боргандар китобнинг қудратига ишонч йўқолиб кетяяти. Сабаби аён: ҳеч ким китоб ўқиб “шашар олиб” бермаяти. Йиллаб, батки, умр бўни қўтига китоб олмайдиганлар ҳам битоийдай яшяяти. Бундан ташқари, мутолаа ҳам меҳнат. Ундан кўра яшашнинг осонрок йўлларини қидирган маъқул. Кўплаб ёшларда ана шундай кайфият ҳукмронга ўхшайди. Шунданми, улар моддий-масий орзулар ортидан эргашиб бораётганини англаб-англобмай қолишяяти, шекили. Ўлгудай китобхўрларни кўриб, уларнинг ҳаёти ҳаминқадар

экани ёш қалбларни қониқтирумайтган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан ҳақиқий китобхонларнинг ўзи ҳам бошқаларни китобдем “совитаётган” кўринади. Уларнинг “галати” қилингари, ўта одамовиниги салбий таассурот уйготади... Бундан ташқари, “Ёшлилар китоб ўқимаяти” деган таънадаиномларда кўпроқ бадиий адабиёт назарда тутилаётганга ўхшилди. Ахир, китоб факат бадиий бўлмайди-ку. Илмий, сиёсий, диний... адабиётлар дегандек... Умуман, китоб ўқини бўйича нималарни тавсия этасиз? Кайси китобларни мутолаа қилган мақбути?

И.Х.: – Бир пайтлар мактаб дарслигида Абдураҳмон Жомийнинг “Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас” сатри билан бошланадиган рубоийсини ўқиганмиз. Орадан қанча вакт, қанча замон ўтди, лекин мен юқоридаги мисрада айтилган фикрга бугун энди тўлиқ ишонаман. Ишонаман дейиш камлик қиласар – китобдан беғараз, китобдан беминнат мусоҳиб топилмаслигига икрорим ҳам бор. Шундай бўлса-да, китобни кўкларга кўтариб мактаб, унга кўр-кўrona топиниш тарафдори эмасман. Одамлар ҳар хил бўлганидек, китоблар ҳам турлича: бири моҳиятан яроқсиз, иккинчиси ёлғон ва алдов тарғиботчиси, бошқа бирлари истеъоддесизлик ва ўргамиёналик намунаси... Шунинг учун ҳамма китоб онг ва идрокка яхши таъсир ўтказиб, фикрни бойитади, деган гапни эсан чиқариш керак. Негаки, зеҳнни ўтмаслаштириб, дид ва савияни бузадиган китоблар ҳам лунёда кам эмас. Масалан, ёзувчи, шоир ва олимлардан кўпчилигининг шу кунларда нашр этилаётган китобларини ўқимаган киши ҳеч нима ютқазмайди. Тўғри, китобдан йироқлашув оғрикли бир масалага айланиб колди. Аммо буни фожиага қараб бурмаслик керак. Тасаввур этайликки, ҳамма бирданига китобхонликка шўнғиб кетди – нима ўзгаради? Илм-фан, бадиий адабиёт тармоқларига қараб одамлар онгида аввалигига нисбатан факт ва маълумот кўпроқ йифилади, фикртушунчаларда баъзи ўзгаришлар юзага чиқади. Бироқ одамнинг Ўзлиги, яъни башарий “мен”ида ҳеч қандай силжиш, янгиланиш рўй бермайди. Бунга сабаб нима? Сабаб – дин, фалсафа, адабиёт, санъат ва сиёсатга бағищланган

кўпдан кўп асарларнинг инсон Рухига теран таъсир ўтказолмаслиги ҳамда унинг ионч “калъа”сини ишғол эта олмаслигидадир.

Шундай кимсалар борки, хасталикни хасталиклари учун, риёни риёкорликлари учун севишади. Ва шу севги тутёни билан бошқаларга ташланишиади. Ташлиланган сари гўё ботинлари ёришади. Бундай кин ва адоват қашкирларининг феъл-авторини ҳеч қанака китоб билан ислоҳ қилиб бўлмайди. Бас, шундоқ экан, китобни китобдан фавқулодда жиддият или фарқлаб, кейин унинг куч-кувватини баҳолаш жоиз.

Айрим китоблар ўувчининг ҳаётга аралашиб эҳтиросини пасайтириб, унда китобийлик кўнимасини орттиради. Оқибат нима бўлади? Ҳаётий хис-туйғулардан китобий майллар голиб чикиб, инсон вокеликка хуркиб, чўчиб-қўркиб карайдиган ва қуруқ мушоҳададан нари ўтолмайдиган бир жонзотга ўхшаб қолади. Одатда, мана шундай кимсаларнинг китобхўрлик “талант”и ёшлар онгига ёмон таъсир ўтказади.

Хуллас, ҳадеб китоб ўқимасликнинг зиёнидан гапиравермасдан, китоб ўкишдан туғилажак заарлардан ҳам сўзлаш керак. Ана шунда муаммонинг “кўз”и очилиб, танлаб ўкиш малакаси устида жиддий бош котирилиши мумкин.

“Оммабоп китобларда бадбўйлик бор. Чунки уларга майда одамларнинг ҳиди сингмиш”, дейди Ф.Нитше. Бу – тўғри фикр. Тўғрилиги учун ҳам бора-бора бунака китобларни кўлга олиб вараклаш истагидан тамоман фориг бўламиз.

“Ёшлик” журнали, 2013 йил №3

МУНДАРИЖА

I. МОХИЯТ ТАРМОҚЛАРИ

| | |
|--|----|
| Мустақиллик ҳикмати ва химмати..... | 3 |
| Холик – ошиқ, инсон -- маъшук..... | 9 |
| Навоий ва юонон фалсафаси..... | 18 |
| “Зоҳид бўлма, обид бўлма...” | 28 |
| Комиллик орзуси..... | 34 |
| Тафаккур ва тасаввур чечаклари..... | 37 |
| Рух ва маъно сорбони..... | 43 |
| Навоий ва Бобур..... | 61 |
| Адабий таъсир ва илҳом самаралари..... | 70 |

II. ШЕЪР ШАРҲИ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

| | |
|---|-----|
| “Ҳар качон ул қемаға...” | 77 |
| “Фалақдин ҳар лахза...” | 80 |
| “Ишқ аро душвордур...” | 86 |
| “Қўнгул ичра ғам камлиги асрү...” | 89 |
| “Ё рабки, фано базмида...” | 93 |
| “Чорасизнинг чораси” | 98 |
| “Гар куёш васлин тиларсен...” | 99 |
| “Фалонға ажаб ҳол эрурким...” | 104 |
| “Камол эт қасбким” | 105 |
| “Бийик мақомига улким...” | 106 |
| “Не раҳравики, тожи хидоят...” | 108 |

| | |
|---|-----|
| “Юзига асли ёмоннинг...” | 109 |
| “Важхи маош учун...” | 110 |
| “Чун манга лутф этти шох...” | 114 |
| “Қаноат гүшасин тутқилки...” | 116 |
| “Бордилар ёмгур дуосин килғали аҳли риё...” | 117 |
| “Тавозўъ яхши, аммо..” | 118 |
| “Ғазалда уч киши...” | 120 |
| “Тилингни асрагил...” | 123 |

III. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

| | |
|---|-----|
| “Кимки беишқ илму дониш истагай...” | 128 |
| “Муаммонинг кўзи очилса...” | 138 |

ИБРОХИМ ҲАҚҚУЛ

СҮЗДАГИ ЎЗЛИК

| | |
|-----------------|--------------|
| Мухаррир | Б. Ботиров |
| Техник мухаррир | Л. Ҳажибеков |
| Дизайнер | Б. Тўхлиев |
| Саҳифаловчи | Б. Рахматов |

Нашриёт литсензияси: АI №234, 11.02.2013.

Босишига руҳсат этилди: 20.12.2013.

Офсет қоғози, қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$

Times New Roman гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти т.: 6,3 Шартли б.т.: 9,5.

Адади 200 нусха. Буюртма № 46

«Bayoz» нашриётида нашрга тайёрланди

bayoz2010@yandex.ru

(8-371) 255-34-80

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

